

R 566

жк 1

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 2/2014

60



Муҳаммад ЮСУФ

...Ватан,
Сен билан ўтган ҳар кун байрам – базм,
Сенсиз бир он қолсам, ваҳмим келади.
Сени билганларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳмим келади.

№1

...Муҳаммаджон ноёб истеъдод эгаси, одамларга меҳрибон,
софдил, мард ва камтарин инсон эди...

Унинг ёрқин хотираси барчамизнинг қалбимизда доимо
сақланади.

J Alisher Navoiy
nomidagi Ўзбекистон Республикаси Президенти
O'zbekiston MK

Испом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Муҳаммад Юсуф тез оғизга тушди. Бирорта шоир унинг-
дек тез ном чиқармаган, номдор бўлмаган... Аслини олганда,
асл шоирлар узоқ яшамайди, аммо ортида абадий яшайдиган
мерос қолдириб кетади. У ана шундай ўлмас мерос қолдирди...

Энди шоирнинг ўзи йўқ, аммо Муҳаммад Юсуф деб аталмиш
Шеърят бор. Бу Шеърят асло завоқ билмайди.

Саид АҲМАД

Муҳаммаджоннинг шеърлари бир қарашда жуда содда, жўн
туялади. Аммо унга ўхшатиб ёзиб кўринг-чи! Қўлингиздан
келмайди! Унинг ўша мисралари мухлисларини йиғлатди, кул-
дирди, ўз оғушига тортиб олди...

Муҳаммаджон камдан-кам туғиладиган истеъдод эгаси бў-
лиш билан бирга, камдан-кам шоирда учрайдиган хислат эга-
си – шуҳратдан қочадиган камсуқум инсон эди. У шуҳратнинг
эмас, шуҳрат унинг ортидан қувиб юрарди.

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Чинакам шоир қалбида соҳир қуш доимо сайраб туради...
Ўша қуш айнан Муҳаммаджоннинг юрагида ошиён қурганига
мен астойдил ишонганман. Унинг кўзлари ҳам, чеҳраси ҳам
ҳамиша латиф бир куйни хониш қилгандай эди...

У обрў талашмас, иззатини сўроқлаб югуриб юришдан ор
қилар эди. Худди шундоқ яхши инсонгина яхши ижодкор бўли-
ши табиий ва қонунийдир.

Абдулла ОРИПОВ



ТАФАККУР

Тафаккур



ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Таҳририят
Муҳлидин РАҲИМ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Собиржон ЕКУБОВ

(маскула котиб)

ШОХСАНАМ

(булим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА

(булим мудир)

Хурият ЙЎЛДОШЕВ

(булим мудир)

Наргиса УСМОНОВА

(техник муҳаррир)

Гулнора ФАТТОХОВА

(мусаллих)

Кулман ОҒИЛ

(таҳририят мудир)

Жамоат кенгаши

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Дилором АЛИМОВА

Хурият ДАВРОН

Шухрат РИЗО

Хайриддин СУЛТОН

Нуриддин ТЎХТОНОВ

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБОЙ

Қасрамон ҚУРОНБЕКОВ

Фархон ҲАМРОЕВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Маълумот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Матбулатда фойдаланилган расм, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайлигидек этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-бино



233-10-68

233-79-40

239-46-16

Журнал алоқаси таҳририятнинг компьютер бўлимида тайёрланади.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. 100000, Тошкент шаҳри. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.


2014 йил 8 май куни босмаҳонага топширилди. Кого бичими 70х100 1/2, 6 босма тобос. 3489-бўғимта. Нашр адади 3348 нуска.

НИМА ДЕИСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Инсонни инсондек кўрмоқ орзуси. Шоир Эшқобил ШУКУР билан суҳбат.....4

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Исматулла ТЎХТАРОВ. Субманият қўланкаси.....14



Мукованинг 2-сahифасида:
Азиза МАМАТОВА.
“Муҳаммад Юсуф портрети”

БОҚИЙ СРЧАШМАЛАР

Эркин ВОҲИДОВ. Сўз латофати.....18

КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

Ибодат РАҲАБОВА. Дорбозлардай нурдан тикдим дор... ..27
Алишер НАЗАР. Кўзларимга соғинч қуйилар... ..30


ТИРИК СЎЗ

Сулаймон РАҲМОН. Тинчоқар дарё. Эссе.....33

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

Шуҳрат АБДУРАШИДОВ "Ғиёбат қатли"



ЎТГАНЛАР ЕДИ

Миразиз АЪЗАМ. Ёғар эди ёмғир
шиғалаб.....44

ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

Абдулхамид ИСМОИЛ. Анкабут. Ҳикоя.....54

МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Баҳодир КАРИМ. Махтумқули ва Вамбери.....69



МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Ўзимизнинг "ажнабийлар" ёхуд нутқи-
миздаги лотин иборалари.....76


ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Наби ЖАЛОЛИДДИН. Адоқсиз суҳбатлар....80



ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Азиза ҲАМРОЕВА. Афғон муаммоси-
нинг диний қирраси.....88
Неъмат МАҲКАМОВ, Ориф ЖУМАЕВ. Рек-
лама – кўчалар кўрки.....89
Мақсуда НОРМАМАТОВА. Виртуаллик ва
виртуалистика.....90
Эркин РАЖАБОВ. Бухоро жумҳурияти
армияси.....92
Лазизжон БАҲРОНОВ. Бадиий танқид
ва портрет жанри.....93
Журналнинг инглизча мухтасар
мазмун.....95



INSONNI INSONDEK KO'RMOQ ORZUSI

Шоир Эшқобил ШУКУР билан суҳбат

– Эшқобил ака, “осмон мактубларин мангу мавзуси”да ҳароратли шеърлар битгансиз. Шу боис Сиз билан одамзод тақдири, бугуни ва эртаси хусусида суҳбатлашигимиз келди. Ислоҳ аҳқомига кўра, бир инсонни ноҳақ ўлдириши башариётни қатлиом қилиши каби гуноҳи кабира саналади. Бошқа самовий динларда ҳам бу қилмиш кескин қораланади. Аммо, не тонгки, одамзод илоҳий кўрсатмани унутиб қўйгандек. Омонсиз қиргинларни кўриб сочи оқарган мўйсафид дунё заковат ва тафаккур асрида ҳам осойишта ҳаётдан бенасиб яшаётир. Қурраи арзнинг турли минтақаларида давом этаётган уруш ва ихтилофлар минглаб инсонларнинг ёстигини қуритмоқда. Наҳотки, дарё-дарё оқаётган қон одамзоднинг кўзини очмаса?! “Қурол тилга кирганда қонунлар сукутда қолади” деган эди Цицерон. Икки минг йил олдинги бу нақл наҳот бугуннинг воқелигига ҳам мувофиқ келса?! Одам фарзандлари қачон бир-бирига қурол ўқталишдан тийилади?..

– Ўтмишда жаҳолат аксар бор киёфасида намоён бўлган. Бугунга келиб у гоҳо костюм-шим ва галстукда, гоҳо яктак ва саллада, гоҳо ридо ё шўрткида ўзи хоҳлаган даврага кириб боряпти. Унинг ёқасидан олиб, “Сен – жаҳолатсан!”

десангиз, у тап тортмасдан “Мен – маърифатман, мен – маданиятман!” деб даъво қилади, керак бўлса, сиз билан омонсиз судлашади.

Одам ўлдириш-ку мудҳиш жиноят экани аён, ҳатто унинг кўнглини ноҳақ оғритиш ҳам гуноҳ саналади. Чунки фазл аҳли инсон кўнглига Худо руҳидан бир жузв жойланганини қадим-қадимдан сезган. Бутун “фалон тўкнашувда уч юз киши, фалон террорчилик хуружида икки юз киши ҳалок бўлди” каби хабарларни эшитиб, раҳматли отамни эслайман. Бизлар бола эдик. Кечкурун баъзида телевизордан машхур санъат ё жамоат арбобининг вафоти тўғрисида хабар бериларди. Шунда дастурхон бошида ўтирган отамнинг елкаси булқиллай бошларди. Сезардикки, йиғлаяпти.

Бир гал қариндошимиз отамга “Тоға, ўлган одамни танимасангиз, билмасангиз, сизга зиғирча алоқаси бўлмаса, нега йиғлайсиз?” деганида, у “Танишми, нота-нишми, одам ўлди-ку, ахир” деб юзини четга бурган эди.

Дарҳақиқат, инсон чивин ё пашша эмас-ку. Баъзи жангари фильмлардаги киргинбаротларни кўриб қолсам, бу кинони ишлаганларга инсон ҳаётининг чивинчалик қадри бўлмаса керак деб ўйлайман.

Қурраи арзнинг турли минтакаларида давом этаётган ихтилофлардан гап очдингиз. Булар омма кўриб турган ошқора урушлар, холос. Лекин ёпик, махфий урушларнинг кўлами улардан кўра каттарок, хатарлироқ. Ақл майдонида ҳар кун қанчадан-қанча ғоялар, мафкуралар тўкнашяпти. Бутунги урушларнинг аксарияти инсон тафаккури, қалбини махв этишга қаратилган. Қандай маккор стратегия! Чунки қалбингизни ва тафаккурингизни эгалладиларми бас, ўзингизни ҳам, оилангизни ҳам, болаларингизни ҳам, Ватанингизни ҳам кўлга киритадилар. Ошқора урушларда қанчалаб одамнинг ёстиғи қуриётган бўлса, хуфёна ихтилофларда шунча одамнинг қалби ва фикри қуриятти!

Боболаримизнинг “Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин” деган доно гапи бор. Фитналар тузмокчи, дунёни бузмокчи бўлаётганларга инсоф тилаган ҳолда, ўз қалбларимизни ҳам химоялайлик.

– Оммавий ахборот воситалари тарқатаётган ақл бовар қилмас янгиликлардан юрагингиз орқага тортиб кетади. Худди эрта-индин қиёмат кўтиб, Ер қунфаяқун бўладигандек... Ҳонконглик Сесил Чао деган бойвачча бўй етган қизининг кўнглига йўл топа олган йигитга бир миллиард доллар мукофот ваъда қилибди. Бебилиска мол-давлатнинг бозори чаққон бўлади: куёвликка номзод юзлаб ёш-яланг ўша бойбуванинг дарвозаси олдида турнақатор тизилибди. Бироқ ойимтилла номзодларнинг бирортаси билан ҳам кўришмабди. Сабаби, тантиқ-арзанда қиз... дугонаси билан оила қуриш ниятида экан! Одамзод қайёққа қараб кетяпти? Инсонни ҳайвондан мумтоз этган ахлоқий қадриятлар қимматини йўқотмоқдами? Ё, ўзингиз ёзганингиздек, махлуқдан малаклик излаш хатомикан?



— Қаердадир бир гапни ўқидим ва у ўша захоти миямга ўрнашиб қолди. Бунда донишмандлари “Биз кучни курашга эмас, рух тарбиясига сарфлаймиз” деган экан. Жуда оқилона ўғит. Бундай одамни осонликча енгиб бўлмас. Бойлик шундай нарсаси, унга эга бўлган ҳам, эга бўлмаган ҳам кўпинча ундан зарар кўради, хирс ва ҳавас одамни йўлдан тойдиради-да. Ҳаддан ташқари кўп бойлик бор жойда хатар ҳам бор. Шунинг учун халқимизнинг эртақ ва афсоналарида ҳазина ёнида албатта аждаҳо бўлади. Хонгконглик Сесил Чаога бу кўргилик бойлик ортидан келган бўлса ажаб эмас. Бир иллат мени ташвишга солади — билмадим, балки бу аввалдан бордир — одамлар фалон бойвачча ундок қилибди, фалон бойвачча мундоқ қилибди деб, ошириб-тошириб чўпчаклар тўқийди, пулдорнинг дабдабаю аъсаси туширилган видеоларни тарқатиб юради, гўё шундан бирор наф кўрадигандек. Ундан кўра, Навоий ундай қилган, Беруний бундай қилган деган нақллар қимматли эканини тушунмайди. Бойлик ҳеч қачон инсоннинг чин мақомини белгиламайди. Мен болаларимга бир гапни тез-тез такрорлайман: “Қатта пул ҳалол одамда ҳам, қотилда ҳам, жиноятчи ё фоҳишада ҳам бўлиши мумкин. Буни фарқлаш керак”.

Телевидение режиссёрлари шахримиздаги икки-уч қаватли кўркам, ҳашаматли уйларда съёмка қилишни хуш кўришади. “Майли, лекин бирорта эпизодни битта-яримта китоб бор хонада суратга олсангиз нур устига нур бўларди” десангиз, “Э-э, ака, ундай уйларда китоб нима қилсин!” деб жавоб беришади. Аттанг! Эй биродар, шундай чиройли иморатлар солибсиз, баракалла, яхши кунингизга буюрсин! Қарангки, уйингизни дунёдаги энг сара, асл жиҳозлар билан зийнатлабсиз, бетакрор безаклар берибсиз, аммо шунча қимматбаҳо буюм сиккан уйга ўн-ўн бешта китоб сизга қолдими? Хонангизнинг бир четиди Навоий ё Қодирийнинг китоби турса сизга ҳалал берадими? Наҳотки, шунча ҳашаматга ҳикмат сизга... Дабдабаларга ланг очган эшигингизни, қия бўлса-да, маънавиятга ҳам очинг!

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Шаҳримизнинг қатта туманларидан бири Сирғалини олайлик. Бозорлар, юзлаб озиқ-овқат ва қийим-кечак дўконлари, ошхона ва кафелар — бари бадастир ишлаб турибди. Лекин ҳайҳотдек туманда битта ҳам китоб дўкони йўқ. Тумандаги 150 мингга яқин аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Нима, улар китоб ўқимайдими? Газета дўкони ҳеч қачон китоб магазини ўрнини босолмайди, ахир.

Сиз айтган машмашалар кундан-кун кўпайиб, асосан ёшлар атрофида хира пашшадай айланяпти, уларга озми-кўпми таъсирини ҳам ўтказяпти... Дугонаси билан турмуш қурмокчи бўлаётган қиз, хорижга кетиб, ота-онасини йигирма йилда ҳам бир мартагина йўқламаган тошбағир фарзанд, интернетда исмини ўзгартириб бир-бирига беҳаё хатлар ёзиб юрган ака-сингил, синфдошларини отиб ташлаш учун мактабга қурол кўтариб борган бола... Бундай нохуш ҳодисаларнинг бош ҳомийси, шубҳасиз, оммавий маданиятдир.

Ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб берай. Талабалик йилларимизда Янглиш деган биродаримиз бўларди. Ўзи бизга қўшни қишлоқда ўсган. Университетнинг физика факультетидида ўқирди. Физикадан фавқулодда истеъ-

додли эди. Ҳаммамиз унга ҳавас қилардик. Совет давлатининг шоми кўриниб қолган бўлса-да, хорижга ўқиш ё ишга борадиганлар бармоқ билан санарли эди. Янглиш ўқишини Тошкентдан Москвага кўчирди. Кўп ўтмай, унинг Америкага кетганини эшитдик. У ёқда нуфузли ташкилотда иш бошлабди. Сўнг... Сўнг шундай йигит бутунлай бедарак кетди. Йил кетидан йил ўтаверди. Унаштириб қўйилган қизи ҳам кута-кута, олти йил деганда ундан умидини узиб, бошқага турмушга чиқди. Бу орада отаси ўлди. Онаси ўлди. Келиб кетиш қаёқда, ундан на хат бор, на хабар... Тақдирни қарангки, бундан уч-тўрт йил олдин термизлик Файзулла ака ўзимизнинг шу Янглишбой билан боғлиқ бир воқеани айтиб бердики, эшитиб танг қолдим. Файзулла аканинг Мурод деган ўғли Америкада ўқиркан. Шу йигит тасодифан Янглиш билан танишиб қолибди. Бир жойнинг одамлари эмасми, борди-келди қиладиган бўлишибди. Бир куни Мурод телефонда отасига Янглишнинг йигирма беш йил ичида бирор марта ҳам юртга бормагани, қариндошларидан хабар олмагани, хуллас, яқинлари билан алоқаси узилиб кетганини айтиб қолибди. Шунда Файзулла аканинг кўнглидан ўзбекона бир ўй ўтибди. Шундай бир иш қилсаки, мусофир Янглишга ҳам, унинг қишлоқдаги жигарларига ҳам ажойиб совға бўлса, умр бўйи эслаб юришса. Файзулла ака ўғлига “Янглишни бирор кун ижарада турган уйингга чакир, келадиган вақтини бир ҳафта олдин билай ва ўша куни у билан телефонда гаплашай”, дебди. Ўғил отасининг айтганини қилибди. Белгиланган куни Файзулла ака Янглишнинг қишлоғига бориб, унинг уч опаси ва сингисини Термизга – ўз уйига олиб келади. Бу фурсатда Янглиш Муродникига боради. Файзулла ака Термиздан кўнғироқ қилиб, Янглиш билан боғланади. Уни опа-сингиллари билан гаплаштиради. Йигирма беш йил давомида жигарлар бир-бирининг овозини ҳам эшитмаган экан. Файзулла ака айтадики: “Янглишнинг опа-сингиллари шундай йиғлади, шундай йиғлади, уйда мотам бўлиб кетди. Уларга қўшилиб мен ҳам, янгангиз ҳам йиғладик”.

Энди гапнинг бу ёғини эшитинг. Орадан бир ҳафта ўтиб, Файзулла ака яна ўғли Мурод билан гаплашади. Ўз ишидан мамнун ўзбегим ўғлидан “Янглиш жигарлари билан топишганидан хурсанд бўлиб юрибдими?” деб сўрайди. Мурод бир муддат жим қолади. Отаси такрор сўрагач, бундай жавоб қилади: “Янглиш ака “Мен сиздан шуни сўрабмидим, бу уйинининг нима кераги бор эди” дея хафа бўлиб жўнаб қолди. Юзкўрмас бўлиб кетди-ёв. Қайта-қайта кўнғироқ қилсам ҳам гўшакни олмади”.

Биродарим Янглиш! Эҳтимол, у ёқларда кўп нарса топгандирсан, алланималарга эришгандирсан... Лекин бу қандай шўриш саодатки, унга Ватанни алмаштирган бўлсанг?! Бизнинг одамлар “отамни кўриб қолган, онамни кўриб қолган” деб хатто бир дарахтни азиз тутиб юрадилар-у, сен азим Ватан қадрини шунча паст тутдингми?!

Глобаллашув маънавий ҳаётга қарши бошланган “маданий” босқинчиликдир. Башарият олдида “Инсоннинг моҳияти ўзгарадими?” деган қаттол бир савол турибди. Тасаввур қилинг, ҳозир ҳар йигирма тўққиз дақиқада битта фахш фильм тайёр бўляпти ва ўша захоти интернет орқали тарқатилляпти. Бу ифлос

бизнеснинг бошида турганлар эса бир йилда юз миллиард доллар соф фойда оляпти. Демак, талаб бор. Кўриляпти! Шундай бузуқчиликларни томоша қилиб улғайган ўсмирнинг холи не кечади? Унинг оппоқ қоғоздай онги нималар билан тўлдириляпти? Туйғуларини-чи, туйғулари нима бўлади?.. Хўш, нима қилмоқ керак? Безбетга барибир, эшикдан ҳайдасангиз тешикдан кириб келаверади, сал андиша қилсангиз, уйингизнинг тўрини эгаллаб олади. Бундай чоғда энг зўр ҳимоя – миллий туйғудир. Меҳр-оқибат, ор-номус, ғурур, ибо, ҳаё каби миллий туйғулар. Бир куни ўтириб санаб чиқсам, менинг билганларим ўн олтига экан. Ана шу ўн олти туйғу менга миллат руҳини тутиб турган ўн олти устун бўлиб кўринади. Уларсиз миллат руҳи тўкилиб кетиши мукаррар. Айни шу туйғулар униб-ўсаётган ёш кўнгилларни сақлаб қола олади.

– Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, дея топиб айтган эскиларимиз. 2011 йили маълуми маиҳур “Apple” компаниясининг асосчиси Стив Жобс оламдан ўтди. Ўша кезде бутун дунё, жумладан, юртимиз ёшлари қанчалик қайғуга ботганини кузатган чиқарсиз – ижтимоий тармоқлар таъзияномаларга тўлиб кетди! Бу орада мамлакатимиз илм-фани ва адабиётининг бир неча намо-яндаси ҳам қазо қилди. Қарангки, океанортилик ихтирочига мотам тутишни дўндирди-у, ўзимизниликларга келганда... Қизиг-а, дунёнинг нариги бурчагидаги қайсидир футбол жамоасига боримизни бахш этиб юборамиз-у, аммо девор-дармиён камҳаржроқ қўшимизга ёрдамлашишга бўйинимиз ёр бермайди. Бирор сериал қаҳрамонининг аҳволига ачиниб кўёш тўқамиз, мусибатзада тани-шимизга эса жилла раҳимимиз келмайди. Уруш, қаҳатчилик йиллари халқимиз қисмат шамоли учуриб келган ўзга миллат вакилларида ҳам меҳрини дариғ тутмаган. Тўкинчилик замонида эса ҳатто жигарлар бир-биридан бегонала-шаётир. Қачон, не сабабдан бунчалик ўзгариб кетдик?!

– Мен одамларда миллий рух ва оломон руҳини кўраман. Булар сув билан оловдай бир-бирига зид. Янглишмасам, Сенека айтган: “Оломон интилган на-рсадан қоч!” Одам миллатга дахлдор бўлиши керак, оломонга эмас. Мен таниш-билишларга ҳам шу нуқтаи назардан баҳо беришга уринаман: бу миллат ода-мими ё оломон одами?.. Оломон одами ғашни келтирадиган даражада қуруқ, маънавий қашшоқ бўлади. Миллат одамида эса гап кўп. Унинг калбида ўз миллатининг тарихи ва бугуни яшайди. Хужжатимга ўзбек деб ёзилгани билан руҳим ўзбек бўлмаса қийин-да. Оломон одами эса, сиз айтгандек, ҳар мақомга йўрғалайверади, мустақил позицияси бўлмайди-на.

Баъзан табиатида миллий рух кучли одамларда ҳам оломонга мойиллик се-зилиб қолади. Улар фикр ва туйғу паноҳидагина оломон тегирмонидан кутулиб қолиши мумкин. Дарвоқе, бир одам оломон домига тушиб қолди дегани, тамом, у энди бу тузоқдан чиқолмайди дегани эмас. Шундай бўлганида рух ва нафс тарбияси ҳақида гапиришга ҳожат ҳам йўқ эди. Қолаверса, Бедил айтганидек, “Ўзгариб турмаса, хона у гўрдир”. Инсон ҳар турли вазиятларда жиддий маъ-навий ўзгаришларни бошдан кечиради. Башар муаммоси – бутун тарих бўйи

ечилмай келаётган мураккаб бир жумбоқ... Худонинг ўзи кечирсин-у, баъзан малаклик ташвишларидан кўра одамий ташвишлар мушкулроқмикан, деган хаёлга бораман. Ё ўзимиз ўзимизга муаммо туғдириб юрамизми?..

XX аср ўргаларидан дунё бўйлаб яна бир маънавий хасталик – ёлғизлик касаллиги таркала бошлади. Худбинлик мухаббат ва ҳиммат ҳиссини чирмовукдай чирмаб, куритишга тушди. Бир ёстикка бош қўйиб, бир уйда яшаб, бир рўзгор аравасини ўтгиз йил бирига тортган эру хотин бир-бирига бегона... Қондош ота ва ўғил руҳан бир-бирига ёт... Бир уйдаги бегоналар... Ахир, буни оила деб бўладими? Одам ҳамма билан биргадек туюлади-ю, аслида ҳеч ким билан эмас, моҳиятан ёлғиз. “Ҳамма” дегани алоҳида-алоҳида ёлғизликларнинг қуруқ-қуруқ йиғмасига айлана борди. Бу иллат дунё ахлини довдиратиб қўйди. Жигарларнинг бир-биридан бегоналашувига сабаб ҳам шудир. Биздаги “эл”, “маҳалла”, “кўни-кўшни” деган тушунчалар бундай калтис вазиятларда маълум даражада қалқон бўлаётир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари кўп чиқишларида маҳалла фаолиятига алоҳида эътибор қаратади. Мехр-окибат, ор-номус, кўни-кўшничилик каби фазилатлар маҳалла ҳаётида чуқур илдиз отади.

Афсуски, дунёда руҳни емирадиган ҳодисалар кўп. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсоннинг ичида ўз адабиёти бўлиши керак. Чекка кишлоқларга борганимда ёши улуг отахон ва онахонлар билан гурунглашишни ёктираман. Уларнинг самимий суҳбатини тинглаб, бу одамларнинг кўнглида *катта адабиёт* яшаётганини ҳис қиламан. Ҳолбуки, уларнинг баъзилари исмини ҳам ёзолмайдди. Тўксонни қоралаган чолу кампирларнинг савод чикаришга вақти бўлмаганди. Уларнинг қалбида бундай адабиёт каердан пайдо бўлган экан, деб хаёлга толаман. Бу адабиёт уларга қандай сингдирилган? “Ҳа энди саксон-тўксон йил яшагандан кейин яхши-ёмонни кўриб, тажриба орттириб шу даражага етган-да” дейишингиз мумкин. Менимча, гап бунда эмас. Бахшиларимиз соддагина қилиб айтган-ку: “Яхши одам қариса қут бўлади, ёмон одам қариса ит бўлади”. Мен айтаётган одамларнинг руҳига адабиёт уруғи болалигида ташланган. Кейин у ўсган, унган ва расмана бокқа айланган.

– *Эшқобил ака, “Ватан” каломини ишлатмай ҳам она юртни дилдан тарабнум этадиган ориятли ижодкорлар қаторида турсиз. Ул-бул илинжда зўрма-зўраки шеър у қўшиқ яратишга киришиб кетган айрим муаллифлар бу сўзнинг қадрини тушириб, оҳорини тўқиб қўяётгандек. Ҳар қанча чиранмасинлар, “Ватанлар!” дея кўксига муштираётган сўзамолларнинг овози юракка етиб бормайди. (Тил учиди қилинган изҳори дил қачон кўнглини ҳаяжонга солибди?!)* Ватанпарварликни касб қилиб олган одамдан кўрқ, деган мазмундаги гапни ўқиганим бор. Қуруқ даъватлар билангина ватанпарварликни тарбиялаб бўладими? Аслида, юрт севгиси инсоннинг ботинида, фитратида эмасми?..

– Бу туйғу тарғиб этилиши керак, лекин тарғибот деганимиз ота-она ўз боласига меҳрини сингдирганидай самимий бўлиши шарт. Сохтагарчилик эса самимийлик ва табиийликнинг қушандаси. Туйғу жуда нозик нарса, парварши

килинмаса, каровсиз колган гулдек курийди. Одам бакир-чакир билан ватанпарвар бўлиб колмайди. Муҳаммад Юсуф айтганидай, Ватанни иддоаларсиз севиш керак. Баъзи шоирлар юртига “изҳори дил” баҳона дўқ-пўписа қиладими-ей, “севгиси”ни пеш этиб шартлар қўядими-ей, Ватанини ўзича қарздор санайдими-ей... Бизда бу мавзуда яхши шеърлар мўл, лекин гоҳо газеталаримизда чоп этилган ўнлаб шеърдан битта тирик сатр тополмайсиз. Унутмаслик керакки, адабиётни алдаб бўлмайди, Ватанни ҳам... Аслида, улар уч-тўртта гўлу ламага қўшиб ўзини ўзи алдайди, холос. Шундай деймиз-у, ўша гўллар сафи кенгайиб кетишидан эҳтиёт бўлишимиз ҳам керак-да. Чунки ҳар қандай миллатнинг маънавий даражаси ҳақиқий адабиётни таний олиши билан белгиланади.

Муҳаббатнинг зуваласи изтиробдан корилган. Ҳатто бахт ва шодлик ҳақидаги чинакам шеър ҳам дарддан туғилади. “Қадрдон юртимга қадам қўйдим мен, / Бирдан оёқларим енгил тортилар, / Оғирлашиб колди юрагим...” каби сатрларни эсланг, уларда муҳаббат ҳам, шодлик ҳам, изтироб ҳам бир туп гулнинг илдизи, япроғи, ғунчаси каби уйғун келади. Изтироб чекаётган одам бошқа одамга айланади. Моҳиятга яқин боради. Борлиқни теран англай бошлайди. Изтироб чекишни кўкракни ойлаб захга бериб ётиш деб тушунмаслик керак. Бу руҳий ҳодиса оламни ва одамни идрок этиш демакдир. Лев Толстой изтиробдан узоқлашган пайтлари ўзидан норизо бўлган. Бир даврада суҳбатдошларига “Шу дамда чуқур изтиробга ошно бўлгим келяпти” деб ўкинади. Буюк адиб нимани истаганини англагандирсиз? Изтироб ҳам руҳ тарбиясининг муҳим асосларидан биридир. Шу боис жаҳон пирлари бу руҳий ҳодисани улуғлаган.

Ватан мавзуси – муқаддас мавзу. У ҳақда сўз айтиш учун масъулият ҳам шунга яраша бўлиши керак. Бунга ижодкорнинг илҳоми, фикри ва кечинмаларининг ўзи камлик қилади. Кечинмалар юксак бадийят нури билан йўғрилиши лозим. “Назм миллат туйғусини тарбиялайди” дейишади. Ватан ҳақидаги шеърлар ҳам миллат калбигаги мўътабар туйғуга таъсир кўрсатади. Демак, бу мавзудаги шеърлар бадий жихатдан пишиқ-пухта ва теран бўлмоғи керак. Фаросатсизлик билан битилган сатрлар бошқаларни-да фаросатсизликка бошлайди. Дидни бузади. Миллий дид – салмоқдор тушунча. Уни асраш миллат руҳини асрашдир. Инсоният тарихидаги барча ғоялар аввал ахборот сифатида тарқатилган, кейин бадийят йўли билан башариятга сингдирилган. Таврот, Забур, Инжил, Қуръон... Муқаддас китобларнинг барчасидаги ғоя ва фикрлар бадий йўл билан одамларга етказилган. Бунда хикмат бор. Одамзод бадийятни яхши кўрган, ундан баҳрамандлик топган. Менимча, ибтидода инсон ботини бадийят нури билан ёритилган.

Ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг жаҳон стандартига жавоб бериши бўйича темир қондалар бор. Адабиётда ҳам шундай бўлиши керак. Мавзусидан қатъи назар ҳар бир асар жаҳон адабиёти бадий талаблари асосида баҳоланиши керак.

– Синчи олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, дунё бўйича ҳар йили йигирма бештадан тил йўқолиб бормоқда. Асосан кам сонли элатларнинг тили глобаллашув ишобига дош беролмай тарих мулкига айланаётир. Аммо француз,

инглиз, итальян каби халқаро нуфузга эга тил эгалари ҳам ўз лисонини ҳимоя қилиш таъвишига тушиб қолгани рост. Ўқигандирсиз, раҳматли Аҳмад Аъзам тил мавзусида туркум мақолалар ёзди. Бошимизни қовуштириб бизни бирбутун миллатга айлантирган ўзбек тилига беоқибат бўлиб қолдик, дея бонг урди, тилимизни “моховга ошина қилаётган”лар билан муросасиз курашди. Сиз нима дейсиз, Эшқобил ака, она тилимизга оқибат кўрсата оляймизми?

– Дунё бўйича ҳар йили йигирма бешта тил йўқолиб бораётганини эшитмаган эканман. Дахшат-ку бу! Шундай киска муддатда йигирма бешта миллат йўқолиб борапти дегани бу! Чунки миллат, аввало, ўз тили билан миллат. Мустабид тузум замонида миллий тиллар ҳуқуқи поймол қилиниб, улар тақдири хавф остида қолганида, машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов “Агар она тилим эртага йўқолса, мен бугун ўламан” деб фарёд кўтарган эди. Қарангки, эллик йил муқаддам мустабидлик ридосида кўриниш берган бу балойи азим энди қипяланғоч “демократия” шамойилида пайдо бўлди. Эмишки, тиллар замон шитобига дош беролсагина яшаркан... Ахир, бу касал ётган онага “ўлсанг ўлиб кетавер” дегандай бир гап-ку! Руҳи бутун миллат ҳар қандай вазиятда ҳам тилини бой бериб қўймайди. Миллат ташқи таъсирлар туфайли энг аввал тилини йўқотади. Бу фақатгина ўша кам сонли элатларнинг йўқотиши эмас, балки бутун дунёнинг ўз маънавий хазиналарини вулкон гирдобига ташлаши ҳамдир. Битта тилнинг ўлими бутун халқнинг ҳалокатга маҳкум этилиши эмасми?!

Бир мақоламини “Ўзбекистон – менинг, ўзбек тили эса тафаккуримнинг Ватанидир” деб номлаган эдим. Тилда Ватан туйғуси мужассам. Тилда оналик ҳисси мужассам. Мени ҳар қадамда Она Тил етаклаб юрганини биламан. Шу тилда гапираман, шу тилда фикрлайман, ўйлайман... Болалигимдан дунёни шу тил орқали англаганман. Демак, у менинг онам, қолаверса, ичимдаги Ватанимдир.

Орамизда Она Тилнинг моҳияти ҳақида бирор марта ўйлаб кўрмаган одамлар ҳам топилади. Ўз тилининг бору йўқлиги билан зиғирча иши йўқ кимсалар ҳам учрайди. Авваллари, бировга онангизни севинг деб айтиш шартмикан, деб ўйлардим. Ахир, бу туйғу унинг кўнглида бўлади-ку. Ўйлаб қарасам, айтиш керак экан. Айниқса, ҳозиргидай қалтис вазиятда бу гапларни она бўлиб, маҳалла бўлиб, эл бўлиб айтиш керак экан. Тилимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган, керакисиз лаш-лушдай бир четга суриб ташланган, ҳўрланган даврлар ўтди. Шукрки, унга давлат тили мақоми берилиб, ҳар йили мамлакат миқёсида Ўзбек тили байрами нишонланаётир. Энди гап ўзимизда... ҳар биримизда қолган!

– *Машиқзамин, жумладан, Икки дарё оралиги бир замонлар дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган қомусий олимларга бешик бўлган. Мусулмон Шарқда камолга етган фозилларнинг ўқтам овози Ўрта асрлар Оврупосини гафлат уйқусидан уйғотган. Кейинги даврларда Икки дарё оралигида рўй берган муттасил жанги жадал, нифоқу фитналар, жаҳолат ботқоғига ботган ҳукмдорларнинг бебошликлари, шунингдек, мустамлака сиёсати сабаб минтақа тараққиётдан бир неча аср ортда қолди. Улуг алломалар яшаган асрларни эса*

тарихимизнинг олтин даври сифатида ҳамон энтикили билан эслаймиз. Ижозатингиз билан қаламкаш ҳамкасблар суҳбатларида беармон муҳокама қилинган саволни – эҳтимол, юзинчи маротабадир – Сизга ҳам берсак (мудом маънавий илдизларимизни излаган ижодкорнинг бу борадаги нуқтаи назари барибир қизиқ-да). Бугун нега миллатимиздан Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Синодек алломпалар етишиб чиқмаяпти? Умуман, не йўл билан даҳоларни тарбиялаш мумкин?

– Ўзингизга маълум, салкам юз эллик йил мобайнида истибодд зулми остида яшадик. Ундан олдинги XVII–XVIII асрларимиз ҳам жуда оғир ва қоронғи кечди. Миллат уч хонликка бўлиниб, бир-бирини еди, кирди... Ўша даврларга оид “Мунтахаб ут-таворих” каби тарих китобларини ўқисам уялиб, кийналиб кетаман. Начора, ўтмишни ўзгартириб бўлмайди. Бу тарихнинг шарафли йилларини ўзимнинг шарафли йилларим, дард ва зулмга тўла даврларини эса кўнглимнинг оғриклари деб биламан. Буни баландпарвозликка йўманг. Аслида шундай бўлиши ҳам зарур. Миллат тарихи шу миллатга мансуб ҳар бир одамнинг ҳам тарихи бўлмоғи керак. Ана шунда миллат яхлитлик касб этади. XVII–XVIII асрлар ҳақида ўйласам кўнглим зимистон бўлиб кетади. Муҳаммадалихон, Амир Насрулло, Худоёрхон каби ҳукмдорлардан ўз амаким ё тоғамдан хафа бўлгандек хафа бўламан. Улар йўл қўйган хатолар, содир этган жиноятларнинг менга алоқаси йўқ деб қараёлмайман. Бир-бирининг кўзига мил тортган шахзодалар, бир-бирини заҳарлаган маликалар, бир-бирини гўрга тиккан аъёнлар, бир-бирининг аёлини тортиб олган нафс шармандалари бу давр тарихини зулматга чўқтирди. Улардан сўнг Ўрусия босқини... “Хиёбонга итлар ва сартлар кири-тилмайди” қабилидаги таҳқиромуз ёзувлар... Ўз вақтида жаҳон фанини кўкка кўтариб қўйган миллатга ёввойиларга қарагандай беписанд муносабат... Хўрлик ва ҳақоратлар... Қуллик ва кабоҳатлар... Зулмат замони салкам тўрт юз йил давом этди. Тўрт юз йил-а! Бу вақт ичида миллат руҳи синдирилди. Шунинг учун у давр болалари юраксизлар авлодига айланди. Миллат тарихнинг қоронғи бир буржида такка тўхтаб қолди. Ҳайхот... Амир Темур, Улуғбек, Навоийларнинг шавкатли тарихини меники деб, ҳозиргина айтиб ўтганимиз пароканда тарихни бошқа бировники деб бўлмайди. Бу ҳам ҳар биримизнинг тарихимиздир. Мухими, ҳулоса чиқариш, сабоқ олишда. Бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қила билишда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига йигирма уч йил бўлди. Энди миллат шиддат билан қаддини кўтаряпти. Жаҳон сахналарига шахдам одимлар ила чиқиб бораётган ёшларимизни кўриб, кўнглингиз фаҳрга тўлади. Дарвоқе, даҳолар қандай тарбияланади, деб сўрадингиз. Бунинг учун тарихнинг бурилиш нуқталари зарур. Биз аини шундай жараёни бошдан кечириямиз. Оққан дарё хамиша оқади...

– Аввал-бошда Сиз билан шеърятдан бошқа мавзуларда суҳбатлашини ният қилган эдик. Аммо тоза фикр ва ёруғ туйғулар омикталашган жавоб-

ларингизни тинглаш асносида биттагина бўлса-да, назмга дахлдор савол сўрамоққа жазм этдик. “Кўз юмиб кўрганларим” деб номлаган янги тўпламингиз катта-кичик давраларда эътирофга сазовор бўлди. “Қалдирғочнинг кўз ёшлари” шеърингиздаги “Ўзим ичра бошқа ЎЗИМ бор эди...” сатри қай жисҳати биландир ҳазрат Навоийнинг “Нетарсен тилаб ҳар ажойибқа йўл, / Ажойиб эрур сенда, оғоҳ бўл!” байтини ёдга солди. Сухбатимиз сўнгида мазкур сатрингизни мухтасар шарҳлаб берсангиз.

– Кейинги йилларда бир неча хикматни англаб етгандайман. Шулардан бири будир: осмонда ҳамма учун ягона Худо, ерда эса ҳар ким учун хос Виждон бор. Бу икки куч туташ ва бир-биридан мунтазам хабардордир. Мен ҳар куни икисининг олдида ҳам ҳисоб беришим шарт! “Модомики, Худо йўк экан, унда ҳамма нарсa мумкиндир”, дейди Достоевский. Менимча, Виждон йўк жойда ҳам барча қабиҳликларга йўл очилади. Виждонсиз одам Худони таниш бахтидан бенасиб.

Баъзан мақсад ҳақида ўйлаганимда, бизга берилган омонат фақат жон эмаслигини сезгандай бўламан. Яна нимадир бор, ҳа, нимадир... Эҳтимол, ҳар биримиз ўз тафаккуримиз ва туйғуларимиз воситасида вужудимиздаги руҳни парваришлаб камолга етказишимиз керакдир. Туғилганимизда вужудимизга жон билан мурғак рух ҳам киргизилар... Яна ким билсин. Айтадилар-ку, Яратганинг ўзи билгувчидир.

“Ўзим ичра бошқа ўзим бор эди” сатрига армонларимдан бири жо бўлган. Болалигимда ўзим билан ўзим гаплашиб юрадиган одатим бор эди. Бир оз улғайиб, етти-саккизга кирганимда ҳам шу одатим қолмади. Ота-онам хавотирланиб, мени кузата бошлаган. Пана-панага ўтиб, ўзим билан ўзим гаплашардим, мирикиб гаплашардим. Ичимда яна кимдир борлигини сезгандай бўлардим. Ўша йиллари мендан бир кадам ҳам айрилмай юрадиган синглимдан бевакт айрилиб қолганмиз. Довдираб, бутунлай ўзимни йўқотиб қўйганман. Энди ҳолимни шарҳласам, ўшанда мен ўлган синглимни ичимдаги дўстимдан топгандай бўлганман. Йиллар ўтиб, кўп бора “ўзим ичра ўша ўзим”ни йўқотиб қўйдим. Юриб-юриб яна унга эҳтиёж сезаман. Уни излаб кетаман. Топаман. Инсон шундай мўъжизаки, унинг ичида ўзи ҳам ўқий олмайдиган ёзувлар бисёр, дейишган-ку. Афсуски, ҳозир ҳам – шунча нарсани кўриб-кечириб, шунча насага ақлим етиб, “ўзим ичра ўша ўзим”ни кўп ёлғиз қолдираман...

Собиржон ЁҚУБОВ
суҳбатлашди.



Исматулла ТЎХТАРОВ

Сўнги ярим аср давомида рўй бераётган глобал маданий ўзгаришлар ёшлар онги ва дунёқарашига кучли таъсир кўрсатаётир. Хусусан, илмий адабиётларда субмаданиятлар деб номланган турли оқим ва ҳаракатлар асрлар синовидан ўтган қадриятларга ҳам дахл қила бошлади. Субмаданият нима ўзи? У жамият ҳаёти ва тараққиётида қандай ўрин тутади? Бу масалани атрофлича ўрганиш бугунги вазиятни тереңроқ англаш ҳамда келгусида рўй бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларга қарши чора кўришда кўл келади.

СУБМАДАНИЯТ

Социология ва маданиятшунослиқда “субмаданият” тушунчаси ижтимоий-маданий ҳодисалар тизимида шаклланган, ҳукмрон маданиятдан фарқли ғоя ва қарашлар атрофида норасмий тарзда жипслашган жамоалар, оқимлар, уларнинг ҳаёт тарзи сифатида изоҳланади. XX асрнинг 50-йиллари аввалида социолог Дэвид Рисман жамиятнинг аксар аъзолари қабул қилган ҳукмрон ва ундан фарқли, кўпинча ҳатто муқобил субмаданиятни ажратиб кўрсатган эди. Социолог Дик Ҳебдиж субмаданият ҳукмрон ижтимоий ақида ва андазаларга қарши исён сифатида вужудга келишини таъкидлайди. Унинг фикрича, субмаданият муштарак дунёқарашга эга ва ўз қарашлари, қизиқишлари сабабли яққаланиб қолган шахсларни бирлаштиради ва уларда ўзига хос идентликни шакллантиради. Кейинги вақтларда баъзи тадқиқотчилар “субмаданият” тушунчаси ўрнига “муқобил маданият (co-culture)” атамасини қўллашни афзал кўрмоқда. Улар фикрича, мазкур тушунчадаги “суб” олд қўшимчаси камситиш маъносига эга.

Биргина субмаданиятда бир неча маданият қоришиб кетиши, у ҳукмрон маданиятга

рақобатчи бўлиши ҳам мумкин. Муайян субмаданиятга хос белгилар баъзида оммавий маданиятга (айниқса, кийиниш ва мусиқа) сингиб кетиши сабабли уларни бир-биридан ажратиш осон эмас. Чунончи, жаз, гот, панк, ҳип-хоп каби мусиқа жанрлари қачонлардир алоҳида субмаданиятларга дебоҳа бўлган эса-да, бугун улар оммавий маданиятнинг ажралмас қисмига айланган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ёшлар орасида кенг ёйилган субмаданиятлар кўп мамлакатларда “бош оғриғи” бўлган эди. Мазкур ҳаракатларга мансуб ёшларнинг ғайриодатий пардоз-андози, уст-боши атрофдагиларга эриш туюлган. Гўёки мистик маънога эга тақинчоқларга ўчлик, ҳаётга енгил-өлпи муносабат оқибатида унинг асл моҳиятини тушуниб етмаслик ҳоллари субмаданиятларнинг асосий хусусияти саналади.

Субмаданиятнинг вужудга келиши жамият тараққиётидаги ғайритабиий ҳодиса эмас. Гарчи бугунгидек урчиб кетмаган бўлса-да, у ҳамма даврларда ўзини намоён қилиб турган. Жамият сифатида ахлоқий қадрият тан олган меъёрлардан кескин фарқ қилгани боис субмаданиятга кўпчилик ҳазм этолмайдиган носоғлом

ходиса сифатида қаралган. Зотан, ижтимоий воқеликка "бегона", мазмун-моҳиятига кўра ноанъанавий ушбу феноменнинг тарқалиши турли кўнгилсиз оқибатларга сабаб бўлган.

Ўтган асрнинг 60-80-йилларида стильлар, хиппилар, панклар, рокерлар, металистлар каби номлар билан танилган норасмий оқим ва ҳаракатларни кекса авлод вакиллари яхши эслайди. Бундай субмаданий оқимларни ўрганиш ёшлар социологиясининг муҳим масалаларидандир. Бироқ солиқ Иттифоқ даврида ушбу муаммолар чуқур тадқиқ этилмади. Натижада субмаданий оқимларни келтириб чиқарган ижтимоий, психологик, иқтисодий сабаблар, уларнинг жамият маънавий ҳаётига таъсири жамоатчилик эътиборидан четда қолди. Шўро тузumi таназзулга юз тутиши билан мустақилликка эришган давлатларда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ортди. Дунё мамлакатлари билан иқтисодий-маданий

ят унсури бўлган уст-бош вақт ўтиб, пўрим кўриниш ва анъанавийлик мезонига айланган. Худди шундай жараён хотин-қизлар турмуш тарзида ҳам кузатилади. Дейлик, бугун урфга кирган соч турмақлари, костюм-юбка, пошнаги пойфазаллар ўтмишда маҳаллий маданиятимизга ёт бўлгани сир эмас. Шу маънода, субмаданиятларни маданий эврилишнинг илк босқичи дейиш мумкин. Бинобарин, аввалига ғайриодатий кўринган ҳар қандай янгича тутум муқаррар салбий оқибатга олиб боради деб бўлмайди. Демак, уларга баҳо беришда эҳтиёткор бўлган маъқул.



КО'ЛАНКАСИ

алоқаларнинг кучайиши натижасида турли маданий қадриятларнинг омикталашуви ёшларга дахлдор субмаданиятларнинг қайта жонланишига туртки берди.

Таъкидлаш жоизки, субмаданиятлар ҳам умумжамят маданиятининг узвий қисмидир. Қандай номланишидан қатъи назар, улар умумжамят маданиятининг таркибида ва таъсирида пайдо бўлади. Маданият тарихи шундан далолат берадики, одатда, халқлар ва давлатлар тараққиётидаги туб бурилиш даврида янгича қарашлар ва гуруҳлар пайдо бўлади. Жамият тараққиётига ҳамоҳанг тарзда унинг маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилган оқимлар, қарашлар яшаб қолади ва умумхалқ маданиятининг мулки сифатида моддий ҳамда маънавий қадриятлар тизимидан ўрин эгаллайди.

Бир вақтлар минтақамизда галстук тақиш, костюм, шляпа ёки кепка кийиш субмаданият белгиси ҳисобланган ва кўпчилиikka бу ғоят эриш туйилган. Бироқ янгича кийиниш тарзи кишиларнинг кундалик турмушига аста-секин сингиб, яқтак, тўн сингари миллий либосларни сиқиб чиқарган. Яъни, дастлаб субмадани-

Хўш, охири нима бўлар экан, деб кутиб ўтириш керакми? Йўқ, албатта. Ижтимоий-маданий ҳаётга кескин ўзгартиш киритишга уриниш, инсон ҳаёти ёки мулкига тўғридан-тўғри дахл қилиш ҳолларини кўриб туриб қўл қовуштириб ўтириб бўлмайди. Ёшларнинг баъзи норасмий ҳаракатлари орасида ижтимоий тартибсизликлар, ҳуқуқбузарликлар содир этаётган, ўта тажовузкор ва ахлоқан номақбул оқимлар ҳам мавжудлиги кишида хавотир уйғотади. Хилма-хил йўналишдаги фан-клубларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Ғарбда улар содир этаётган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган можаролар мазкур тоифа субмаданиятларни синчковлик билан тадқиқ этиш лозимлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Бебош фанатлар стадион ва кўча-кўйда уюштираётган шафқатсиз ур-йиқит ва тўс-тўполонлар, концерт намойишлари чоғида рўй бераётган тартиббузарликлар бу тоифа ўз кўнгилхушлигини жамият манфаатларидан устун қўяётгани, амалдаги тартиб-қоида ва қонунларга бўйсунмайдиган ҳаёт тарзини ихтиёр этганини кўрсатмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва ақсинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон

хаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда" (*Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008, 117-бет*).

Жамият ҳаёти ва тараққиётига хавф туғдирувчи норасмий ҳаракатлар борасида гап кетганда, бундан 30 йилча илгари пайдо бўлиб, ҳозиргача яшаб келаётган готлар ва эмолар ҳақида алоҳида тўхталиш ҳоиз. Зеро, хориждаги айрим тоифа ёшлар орасида ушбу икки норасмий оқимга хайрихоҳлар ҳали-ҳануз учраши, ҳатто кўпайиб бораётгани, ёшларимизнинг ҳам улар таъсирига тушиб қолиши эҳтимоли борлиги ташвишланарлидир.

Готлар субмаданиятининг пайдо бўлиши 1979 йили АҚШ кинотеатрларида намоиш қилинган вампирлар тўғрисидаги "Венгер" номли фильм билан боғлиқ. Ушанда картинадаги вампир образи баъзи ёшларга шу қадар кучли таъсир кўрсатганки, улар афсонавий махлукқа тақлид қила бошлаган. Ғамгин, тушкун кайфиятдаги бу тоифа готлар деб аталган.

Готлар субмаданиятининг шаклланишида кейинчалик катта экранларга чиққан бир қатор бадий фильмлар, шунингдек, Брем Стокер, Анна Райс каби ёзувчиларнинг вампирлар тўғрисидаги романлари ҳам муҳим аҳамият касб этган. Натижада готлар қиёфасида юрадиган, вампирларга кўр-кўрона тақлид қиладиган ёшлар сафи дунё бўйлаб кенгая борган. Муסיқада "қоронғи тўлқин" ("темная волна") номли янги услуб пайдо бўлиши билан мазкур субмаданият Германия, АҚШ, Буюк Британия каби давлатларда тез суръатда ёйилди. 90-йилларга келиб, махфий тарзда фаолият кўрсатаётганига қарамасдан, готлар оммавий ахборот воситалари, клублар ва дўконлардан иборат ўз инфратузилмасини яратди.

Ўтган асрнинг охирларида дунё миқёсида оммавий коммуникация воситаларининг тақомиллашуви оқибатида готлар субмаданиятининг оммалашуви янада жадаллашди. "Қоронғи маданият" деб ном қозонган готлар ҳаракати эндиликда Германияда фестивал-

ларию Англияда конференцияларини мунтазам ўтказиб келмоқда. Ғарб давлатларининг кўплаб йирик шаҳарларида гот гуруҳларининг концертлари ташкил этилмоқда. Панапастқамдаги клублар, ташландиқ бинолар, хилват қабристонлар мазкур субмаданият учун ўзига хос саҳна вазифасини ўтапти. Чунки бу тоифа одамлардан ҳоли, овлоқ жойларда тўпланиб, вақтичоғлик қилишни маъқул кўради. Буни ушбу гуруҳнинг носоғлом тасаввурлари, беқарор руҳияти билан изоҳлаш мумкин.

Готларнинг дунёқараши ва эътиқоди ҳаётга тушкун руҳий кайфият негизида шаклланган. Айни сабабга кўра, жамиятдан йироқлашиш, ўзгалардан ётсираш, тушкун ҳолат, ўта таъсирчанлик, гўзалликка нафрат каби хусусиятлар готлар турмуш тарзининг асосини ташкил қилади. Бундан ташқари, ўлимни улуглаш, уни муқаддаслаштириш ушбу тоифадаги ёш-ялангларга хос жиҳатлардандир. Инсон қабрларга сигиниш, мазорга талпиниш орқали ҳаётнинг асл моҳиятини англаб етади, деб ҳисоблайди улар. Кечаси қабристонларда тўпланиб ит, мушук сингари жониворларни ўлдириб, қонини ўз танасига суртишга ўхшаш ёввойи одатлар уларга ҳузур бағишлайди. Вампирларга тақлид қилиш эса бу тоифа учун ўзлигини намоён қилишнинг муҳим усулидир. Анхк белгиси готларнинг рамзи бўлиб, унда калла суяги, хоч ва кўршапалак акс этган.

Готларни ташқи кўринишидан ҳам билиш мумкин. Аксар ҳолларда улар қора кийимда юради, боз устига тирноғи, сочи, лаб ва кўзи атрофини ҳам қора рангга бўяйди. Сочларини бир томонга тараб, пешонасининг ярми ва бир кўзини тўсиб олади. Қора рангли чарм куртка ёки юбка, шунингдек, парча, бахмал каби матолардан тикилган кийимларга узун занжир, металл ҳалқаларни илиб юришни хуш кўради. Гот йигит-қизлар танасига оро бериш, кийим-кечак танлаш бобида бир-бирига ўхшаб кетади. Ушбу оқимга мансублар орасида қизлар кўпчиликини ташкил қилади.

Ўспиринлар ўртасида кенг оммалашган норасмий ҳаракатлар орасида эмолар субмаданияти ҳам бор. Ушбу оқим ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида суҳрат қозонган баъ-

зи мусликий гуруҳлар таъсирида пайдо бўлган. Зотан, "эмо" истилоҳининг ўзи ҳам "эмоция" сўзи негизда вужудга келган.

Мусликий йўналиш ва дастурларнинг ўзгариб бориши эмолар хулқ-атвориға ҳам таъсир кўрсатган. Концертлар намоиши чоғида жазавага тушиш, ўзини идора этолмай номақбул ҳаракатлар қилиш эмоларға хос белгилардир. Улар шундай ҳаракатлар билан бошқалардан ажралиб туриш, ўзгалар эътиборини тортиш, "мен"ини ёрқинроқ намоён қилишға уринади. Жамият уларнинг ҳиссиётларини тан олмаётгани, тушунмаётганидан ранжиб, ўзини одамлардан ихоталаб олади. Эмолар айна шу важ-карсон асосида ҳаётнинг бемаънилиги, ўлимнинг жозибаси тўғрисида шеърлар тўқийди. Охир-оқибатда умидсизлик, кўркув ҳамда ваҳима уларни суицид, яъни ўз жонига қасд қилишға ундайди. Таҳлилларға қараганда, ўз қон томирини кесиш улар кўп кўллайдиган усул ҳисобланади.

Эмолар ширинлик бермасангиз аразлаб қоладиган ёш болани эслатади. Уларнинг аксарияти ўзи эътиқод қўйган субмаданият тўғрисида дурустроқ тасаввурға ҳам эга эмас. Эмолар субмаданиятиға мансуб ўсмирни ташқи кўринишиға қараб йигит ё қиз эканини ажратиш қийин. Одатда, сочларини қора-бинафша, қора-сарик, қора-қизил рангларға бўяшади. Юзларига ҳам ҳар хил рангларни чаплашади. Бурун, қулоқларига сирғалар тақиб олишади. Инсон калла суяги шаклидаги тақинчоқлар, пошнаси, энгил пояфзал, тор кийим-бошни хуш кўришади, қўли ва оёқларига ранг-баранг гетраларни кийишади. Зарурат бўлмаса-да кўзойнак тақиш, кийимларига алмойим-алжойиларни ёпиштириб олиш, турфа қўғирчоқларни кўзуммордек осиб юриш ҳам ушбу оқим вакилларига хос унсурлардандир.

Носоғлом қарашларни тарғиб этувчи бундай субмаданиятларни айрим ёшларғагина хос ўтқинчи бир эрмак, деб бўлмайди. Улар тарихий-ижтимоий шароит сабаб юзага келган тасодифий ва муваққат ҳодиса, вақт ўтиши билан ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, деган фикрлар ҳам тўғри эмас. Ушбу ҳаракатлар соғлом фикрли ҳар бир инсонға ёт ва зарарли экани, эмолар таянадиган тажовузкор ғоялар бутун

инсоният тараққиётиға тўсиқ эканини зинҳор унутмаслик даркор.

Зикр этилган норасмий ҳаракатлар биринчи навбатда Ғарб маданиятининг махсулидир. Масаланинг ташвишли жиҳати шундаки, ахборот алмашини тобора шиддатли тус олаётган, "оммавий маданият" махсулотлари ҳақон бўйлаб кенг тарқалаётган бугунги қунда улар ёшлар орасида турли норасмий ҳаракатларнинг шаклланишиға сабаб бўлибгина қолмай, жамият ҳаётини издан чиқариш, ўспирин ёшларни йўлдан уриш воситасиға ҳам айланмоқда.

Бошқа жиҳатдан, уларнинг ҳаёт тарзи эгоистик майллар — ўзини ҳаддан зиёд яхши кўриш, шахсий манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш тамойилиға таянади. Уларнинг фалсафаси ўз "мен"ини жамоанинг "биз"иға қарши қўядиган индивидуализм билан сўғорилган. Бундай ёндашув ўзгалар ҳис-туйғуси, қизиқишини ҳурмат қилиш, жамоаға қулоқ солиш ўрниға шахсий манфаатни мутлақлаштиришға олиб боради. Бу эса ўз навбатида, инсоният азал-азалдан эъзозлаб, авайлаб келаётган қадриятлар илдизиға болта уради.

Бу икки оқим ва миллий маданиятимиз ўртасида ҳеч қандай муштарак жиҳат йўқ. Лекин уларнинг, таассуфки, ўзлигимизға таҳдиди кейинги йилларда сезиларли даражада ошди. Ҳолбуки, инсоннинг ўзлигини намоён қилиши, бормиконияти, истеъдод ва иқтидорини тўлиқ рўёбға чиқариши учун жамми шароитлар яратилган бир даврда Ғарбға хос ушбу ҳаракатларға қўшилишни асло оқлаб бўлмайди. Шундай экан, хотиржамгина қўл қовуштириб ўтиришға ҳаққимиз йўқ. Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, "одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг имон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикриға эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, мен ўзбек фарзандиман деб, гурур ва ифтихор билан яшашиға эришиш" бугунги мураккаб ва таҳликали даврда тўғри йўлдан оғишмай ёруғ келажак сари дадил одимламақнинг ягона чорасидир (Ислом Каримов. *Миллий истиқлол мафқураси — халқ эътиқоди ва буюк келажака ишончдир. Т., "Ўзбекистон", 2000, 4-бет*).

Эркин ВОҲИДОВ



ТЎННИ КИМ ТЕСКАРИ КИЯДИ?

Тилимизда шундай иборалар борки, уларнинг келиб чиқиши маълум эмас ёки асл мазмуни унутилган. Ишинг ошиб-тошиб ётганда эрмакка **бало борми**, деб танбех берамиз. Ёки биров хато қилса, **қовун туширди**, деб кесатамиз. Бу жумлалардаги **бало** ҳам, **қовун** ҳам асл маънога алоқасиз. **Оғайничалиш** деймиз. **Оғайни**-ку тушунарли, лекин **чалиш** нима дегани? Оғайнилар бир-бирини **оёғидан чалгани** учун шундай дейиладими? Ё бир-бирининг айбини **ногора қилиб чалгани** учунми? **Тан берди, тан олди**, деган ибораларимиз бор. Бири қойил қолиш, иккинчиси иқрор бўлишни билдиради. Бу маъноларга **тан** сўзининг қандай алоқаси бор? **Дабдала** сўзининг **далага, дабдурустдан** сўзининг **дуруст**га боғлиқ жойи мавжудми? Бундай сўз бирикмалари тилшунослиқда мажҳул ибора дейилади. Жаҳли чиққан одамга нисбатан **тўнни тескари кийди**, дейиш ҳам шу қоидага тўғри келади. Жаҳлнинг тўнга нима алоқаси бор?

Шу нарсга аёнки, ҳеч бир сўз, ҳеч бир ибора бежиз айтилмайди. Сўзлар оғиздан оғизга ўтиб урин алмашади, тушиб қолади, баъзида

харфлар ўзгаради ва оқибатда таниб бўлмас кўринишга келади. Агар кўпроқ излансак, тарихни синчиклаб ўргансак, Сўзнинг сўзига қалб қулғимизни тутсак, тилимизда мажҳул ибора қолмасмиди... **Оғайничалиш** ҳам бесабаб айтилмаган. Асли, **оға-уни – бир жуфт калиш** деган нақл бўлган. Бамисоли **эр-хотин – қўш ҳўкиз**дек. Калишнинг икки пойи бир-бирисиз бутун эмас. Оға-ини ҳам шундоқ. Халқимиз шоиртабиат, қофиясевар эмасми, чиройли чиқсин учун мақолга бир оҳангдош сўз қўшиб, **оға-уни чалиш – бир жуфт калиш**, дейдиган бўлди. **Чалиш** шунчаки қофия учун. **Тақ-туқ, тасаддуқ** деган каби.

Оға-уни аслида иккита сўз. Ака-ука дегани. Бора-бора улар қисқариб бир сўзга айланди: **ўртоқ, ошно** маъносини билдирувчи **оғайни** ҳолига келди. Оғайни бир кишини билдиргач, **жуфт** сўзига ҳожат қолмади. Энди **оғайничалиш – бир пой калиш** дейиладиган бўлди. Ҳозирда **бир пой калиш** ҳам деярли ишлатилмайди. Алҳосил, **оғайничалиш**нинг ўзи қолди ва мажҳул иборага айланди.

Ўйларимни қоғозга туширарканман, ўзимга савол бераман: нега энди бу гапларни

тилшунос олимлар эмас, мен айтишим керак? Эрта бир кун уларга кулги бўлмайманми? Шеърингни ёзсанг бўлмайдими, нима қиласан бировнинг ишига аралашиб, демайдими одамлар? Яна ўзимга ўзим таскин берман: мен айтган фаразни олим айтиши мумкин эмас. Илмда тахминий гап кетмайди. Аниқ манба, асосу далил керак. Фақат шоирларгина хаёлга эрк бериши, кўнгилга кулоқ солиши мумкин. Шунинг учун ёзганларимга илм аҳли бирор муносабат билдирмаса ҳам хафа бўлмайман. Бу гаплар бирор мўътабар манбада йўқ – ҳали ҳеч ким тадқиқ қилмаганда. Олим эса ишончли манба бўлмаса жойидан кўзгалмайди. Биз доктор ҳам, профессор ҳам эмасмиз. Демак, хато қилсак айб саналмайди. Мана, уэр ҳам топилди. Энди мавзуну беҳижолат давом эттирсак бўлар.

Тўнни тескари кийди иборасининг ҳам тарихи бор. Тўнни ким тескари кияди?

Бу саволга бошқа бир мақол жавоб беради: **камбағални урма, сўкма, тўнни йирт**. Ҳозирги ёшлар бу мақолни чуқур англамасалар керак. Ўн тўққизинчи асрда тутилган шоир Ҳабибийни кўриш, ҳамсухбат бўлиш насиб қилган менга. Шоир ёшлигини эслаб, бўз иштон тиззадан йиртилгани, тўзиган жойга солинган ямоқ ҳам тўзиб, ямоққа ямоқ солинганини айтиб берган эди.

Ғазаб отига миниб, муштлашман деган камбағал тўнни тескари кийган. Қон ё лой тегса астарга тегсин, йиртилса астар йиртилсин, ямоқ тушса астарга тушсин деб шундай йўл тутган. Камбағалнинг тўни икки бўлмаган. Йиртилса бошқасини киёлмаганда. Эндиликда тўн урфдан қолди. Юз йил кийсак-да чарм қамзулимиз йиртилмайди. Муштлашишга ҳам ҳожат йўқ: қасд олиш учун муштининг кераги бўлмай қолди, оёқдан чалишнинг минг бир усули ўйлаб топилди. Тўнни тескари кийиш-

га ҳеч бир зарурат йўқ. Лекин қанотли ибора унут бўлмади. Бу ҳам Сўз сеҳридан далолат. Ҳар бир калити замирида сирли тарих яшириниб ётганига ишорат.

Бир мақолнинг қулфини бошқа мақол воситасида очдик. Ким билсин, балки **қовун туширди** иборасига ҳам **тарвузи қўлтиғидан тушди** деган мажоз очқич бўлар. Буни аниқлаш эса Сиз – Сўз уммонининг ғаввосларига ҳавола. Изланг, баҳслашинг, талашиб тортишинг. Лекин зинҳор тўнни тескари кийманг!

ИНСОН ВА ҚОРАЧИҚ

Кўнглимизда ҳар лаҳза Алишер Навоий шохбайтларига қайтиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

*Қароқўзим келу мардумлиг эмди фан қилғил,
Кўзим қаросида мардум киби ватан қилғил.*

А в в а л г и суҳбатларда байтни шарҳлаб, унда жам бўлган теран мазмун, бадиий санъатдан биргаликда ҳайратланган эдик. Бу гал **мардум** сўзининг **инсон** ва **кўз қорачиғи** деган маънолари тўғрисида гаплашамиз. Бир-биридан узоқ бу икки тушунча нега шу бир сўзда ифода этилган? Саволга жавоб излаб бошқа тилларга мурожаат қиламиз. Араблар кўз қорачиғини **инсон ул-айн** дер экан. Яъни **кўзнинг инсони**. Демак, араб тилида ҳам **қорачиқ** ва **инсон** айни сўз экан.

Мардум сўзида ҳам **инсон**, ҳам **халқ** маъноси бор. Инглизлар халқни **people** (пипл) дейди. Кўзнинг қорачиғи эса **pupil** (пюпл) бўлади. Ажабо! Инсонлар ва кўз гавҳари деярли бир хил айтилади. Рус тилида қорачиқ қандай ифодаланишини билиш учун Владимир Даль луғатини очиб қараймиз. **Зрачок, зеница** қаторида **человечек, мальчик** атамалари ҳам

бор экан! Араб, форс, англиз, рус тилларидаги бундай ўхшашлик кишини ҳайратга солади.

Одамзоднинг кўзига яқиндан тикилиб қаралса, инсон акси кўринади. Бу, аёнки, тикилиб қараган инсоннинг ўз акси. Лекин тасвир жуда кичик ва таниб бўлмас даражада хира намоён бўладики, биз қорачиқда ўзимизни эмас, нотаниш бир одамни, яъни умумият-ла инсонни кўраемиз. Кўз қорачиги шу боисдан *инсон, мардум, pupil, человекечек* аталган бўлса ажабмас.

Pupil сўзининг яна бир маъноси – *та-лаба, ўқувчи*. Биз ҳам фарзандимизни *қароғим* деймиз. Болани кўз қорачигига менгаш деярли барча туркий тилларга хос. Инсон кўздек азиз, азиз инсонлар яшайдиган юрт кўздек ардоқли. Дўланадеккина Ер курраси ҳам кўз шаклида. Ватанимиз унда бамисоли гавҳар. Шу боис юртни *кўз қорачигидек асраймиз*, деган тилак бизга юртнинг ўзидек қадрлидир.

Қарокўзим, келу мардумлиг эмди фан қилғил. Ҳайрон бўлманг, ундалмани ёзишда имловий хатога йўл қўймадим. Биз *қаро кўзим* деб ажратиб ёзишга ўрганиб қолганимиз. Ваҳоланки, *қарокўз* яхлит сўздир. *Сарвиноз, дилрабо, гулчехра, гулбадан* сўзларини қўшиб ёзамиз, ҳатто исм бўлгани учун *Гулбаданбегим*, дея уч сўзни яхлит битамиз-у, *қаракўзга* келганда...

Атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг дастлабки романларидан бири “Қора кўзлар” деб аталади. Эсимда, ёзувчи, бу ном қўшиб ёзилиши керак, мен кўзлар ҳақида эмас, инсонлар ҳақида ёзганман, дея ноширлар билан кўп талашган, лекин гапини ўтқазса олмаган эди. Имло қондаси шундай, деб туриб олишган эди-да. Балки гап имло қондасида ҳам бўлмагандир, муҳаррир *қаракўзнинг* таъ маъносини тушуниб қолгандир. Гап миллат ҳақида кетаётганини англаб, ўзини эҳтиёт қилгандир. Дарҳақиқат, *қаракўзлар*, дея муаллиф *ўзбекларни* кўзда тутган эди. Лекин барибир китоб “Қора кўзлар” номи билан чиқди. Чин маъно пинҳон қолди.

Навоийнинг суҳрат топган шундай байти бор:

*Шоҳу тожу хилъатиким, мен тамошо қилғали,
Ўзбаким бошида қалпоқ, эғнида ширдоғи бас.*

Қарокўзим, дея Ҳазрат ўзбекни атамаган, албатта. У замонда миллатни қўққўз, малласочлардан айириб номлашга эҳтиёж йўқ эди. Овруполиклар қадами ҳали Хуросонга етмаган эди. Лекин мен барибир *қарокўзим* деганда *ўзбегимни* ўйлайман. Бу ғазал теранлиги, унга боғланган куйнинг дилтортарлиги ва нафислиги билан ўзбекнинг тимсолига айлангандек...

“РАНГ” СЎЗИНИНГ РАНГИНЛИГИ

Тонготар уфқидан эндигина кўтарилган, ҳали яллиғланиб, кўзни олар даражага етмаган қуёшга боққанмисиз? Нурланиб турган бу улкан олтин баркаш қалбингизга завқ берганми? Ёки унинг ботишига назар солганмисиз? Оқшом ва тонготарда хуршиди жаҳоннинг тамоман ўзгача, бир-бирига ўхшамас рангларида ҳайратланганмисиз? Ҳовлингиздаги гули раъно қай рангда эканига эътибор берганмисиз? Албатта разм солгансиз. Сиз, ахир, ҳайрат туйғусидан бебаҳра эмассиз-ку! Бу рангларни ҳис этганингиз учун ҳам Ҳазрат Навоийнинг ғўзал байтидан завқу шавққа тўласиз-да:

*Қуёшқа гаҳ қизармоқ, гоҳе сарғармоқ эрур андин
Ки, сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.*

Қуёшнинг тонгда сарғайиши, оқшомда қизариши шунданки, дунёни яратган Оллоҳ жаҳон боғига ўз минглаб гули раънони сочиб қўйган. Гули раънонинг эса бир томони қизил, бир томони сариқ бўлади.

Дарвоқе, оловда неча хил ранг бор? Тикилиб қараганмисиз? Шубҳасиз, назар солгансиз. Лекин яхшилаб разм солмаган бўлсангиз, қизил тусни кўргансиз, холос. Диққатни жам қилган бўлсангиз, аланга бағрида тонготар офтобининг сарғиш тобини ҳам сезгансиз. Олов шуъласидаги яшил нурланишга эса эътибор қилгансиз ё қилмагансиз.

*Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.*

Яъни оҳим алангаси қизил, сариқ, яшил бўлиб ёнса, бунинг боиси – жононим қизил, сариқ, яшил ранг либослар кийгандир.

Биз кўриб турган олам рангинлиги билан ғўзал. Бу ғўзаллиқни қалб кўзи ила кўра олиш,

завқланиш, лаззатланиш – зўр истеъдоддир. Ҳазрат Навоий тасвир этмаган, ташбеҳларга солмаган ранг йўқ, десак муболага бўлмайди. Ҳар гал бундай ташбеҳлардан баҳра олганимда, улуғ устоз қалбида Беҳзоднинг кўзи бўлган, дегим келади.

Оврупонинг рутубатли ҳавосидан занглаган ҳайкаллари томоша қилганмисиз? Кўҳна занг улуғ сиймоларнинг биринж – бронза танасида кетмас яшил доғ бўлиб қотиб қолган. Дейдиларки, тоза пўлат қиличда қон қотиб қолса, шундай яшил рангли занг тутар экан. Бу ҳолатни Фузулий қуйидаги байтга қойилмақом кўчирган:

Муқаввас қошларингким вусма била
ранг дутмишлар,
Қиличлардирки, қонлар дўкмак ила
занг дутмишлар.

Яъни ёрнинг қавс белгисидек қошлари ўсма ила яшил рангга кирди. Бамисоли қон тўккан қиличлар занглаб яшил тус олгандек. Ҳаётий ҳақиқат бадийи мажоз билан қовушиб, гўзаллик дунёга келган.

Ёруғ оламда қанча жонзот бўлса, барчасининг ўз ҳимоя услуби бор. Буқаламун, яъни хамелеон қавмидаги жонзотлар гиёҳ ичида гиёҳ, хазон ичида хазон, шох-шабба ичида шох-шабба рангига кириб ўзини яширади. **Ҳар ранг билан ўзни қутқариш** деган қадимги ибора шундан. Мирзо Бобурнинг байтини эсланг:

Хазондек қон ёшим, сориғ юзимдан
эл танаффулда,
Ба ҳар ранге, биҳамдиллаҳ, улусдин
ўзни қутқордим.

Эътибор қилинг, иккинчи мисра **ба ҳар ранге**дан бошланмоқда, баъзи ҳофизларимиз куйлагандек, **баҳор рангидан** эмас. Байтнинг мазмуни шуки, ошиқ шоирнинг юзи ҳижронзадалиқдан саргайган, кўзидан қонли ёш оқади. Буни кўрган эл-улус, дарди оғир экан, менга юқмасин, дея ошиқдан ўзини олиб қочади. Улуснинг ғавғолари жонига теккан ошиқ шоир эса бундан хурсанд. Қизил қоним, сариғ юзим билан, яъни **ҳар ранг билан** улусни қочирдим-у, ғавғолардан ўзимни қутқардим, дейди. Ҳазин, аммо ёрқин ташбеҳ!

Қадимги луғатларда **найранг** сўзи **ниранг**, **неранг** шаклида берилади. Арабий имлода ёй ҳарфининг икки хил ўқилиши боис **неранг** **найрангга** айланган. Аслида, **найранг** ҳам **ҳар ранг** деган маънони билдиради. Кўзни алдаб ҳар рангда тусланиш **найранг** ҳисобланади. Бугун урфга кирган иллат бу. Шундай эасми?..

Ранг – форсча сўз, арабчаси – **лавн**. **Алвон** деб қизил рангни айтамиз. Аслида, **алвон лавннинг** кўплиги, **лавнлар, ранглар** деганидир. Биз туркий халқлар **тус** деймиз. Ҳазрат Навоий ҳар уч сўзни эъзозлаб, барабар истифода этган.

Новакининг парру пайқонида рангин тус эрур,
Ёки кўнглумдин чу паррон ўтди, юқмиш қон анга.

Ёр отган камон ўқига боғланган пар рангиндир. Бу ўринда **рангин тус** қон юқи маъносидан келган. Новакининг пари қон юқи бўлишига сабаб шуки, у юрагимни тешиб ўтгандир.

Кўнглакинг лавнидан ўлдум, атридин топдим ҳаёт,
Қайси гул баргинда бор эркин бу янглиғ рангу бў?

Навоий асарлари луғатида **ранг** сўзининг бешта маъноси берилган. Мабодо Шарқ кўлэзмалари хазинасига кириш насиб этиб, “Қанз ул-луғот”, “Мунтахаб ул-луғот”, “Баҳр ул-жавоҳир”, “Лубб ул-албоб”, “Қашф ул-луғот”, “Фирдавс ул-луғот”, “Муаййид ул-фузало”, “Латоиф ул-луғот”, “Бурхони қотей”, “Фарҳанги Жаҳонгири”, “Сирож ул-луғот”, “Рашидийи арабий”, “Рашидийи форсий”, “Чароғи ҳидоят”, “Жавоҳир ул-хуруф”, “Баҳори аҷам”, “Фарҳанги сурури”, “Музил ул-алғот”, “Шаръ уш-шуаро”, “Маъмуъ ул-луғот”, “Баҳри маввож”, “Ғиёс ул-луғот”, “Мадорик”, “Муҳаззаб ул-луғот”, “Нафоис ул-фунун”, “Ойини Акбарий”, “Фусули Акбари”, “Чорбардий”, “Абушқа” сингари луғатларни арақласангиз, **рангнинг** ўттиз бир маъносини топасиз. Фақат соддалик қилиб, бу китобларни кутубхоналаримиздан ўзлаб овора бўлманг. Уларнинг бирортаси Ўзбекистонда нашр этилмаган. Тилимизга, нафис адабиётга эскидан қолган беписандлик давом этса, нашр этилмайди ҳам. Ҳар бир саводли инсон яхши тушунадик, луғат кўрмай тарихимизни, кўп асрлик адабиётимизни ўрганиб

хам, ўргатиб ҳам бўлмайди. Навоий асарлари луғати бор-ку, дерсиз. Аввало, мумтоз адабиётимиз ёлғиз Навоийдангина иборат эмас. Тилинг бутун бойлигини биргина шоир қамраб олиши имконсиз. Қолаверса, бу луғатларда Навоийнинг сўз хазинаси тўлиқ акс этмаган. Шу номукаммал манба ҳам кўп йиллардан бери қайта нашр этилмагани сабабли уни китоб дўконларидан тополмайсиз. Ҳаммасидан ҳам, ота луғатимиз, ҳар бир ўзбекнинг бош китоби бўлиши зарур ҳисобланган "Девони луғотит турк"нинг эллик йил (!) давомида қайта чоп қилинмагани ачинарлидир. Бу вақт ичида беш авлод табарруқ манбадан бебаҳра ҳолда мактаб битирди. Китоб чиққан йил уни сотиб олишга улгурганларнинг кўплари дунёдан ўтиб кетди. Атиги уч минг дона чоп этилган асар ўша замондаёқ ноёб эди.

Биз қаламга олган луғатлар асосан форс тилида битилган. "Уларни форслар, тожиқлар нашр этсин. Бизга нима зарурати бор?" дея эътироз билдиришингиз мумкин. Бу иддаога жавоб шуки, ушбу луғатлардан дуч келганини олиб, дуч келган саҳифани очиб қарадим ва бирталай туркий сўзларни ўқидим. Ҳукмдор маъносидаги **қоон**, дарвоза маъносидаги **қопу**, қозон маъносидаги **қозгон**, шунингдек, бугун тилимизда мавжуд бўлган **қон**, **қош**, **қатиқ**, **қошиқ**, **қилич**, **қонун**, **қақнус**, **қулоч**, **қаймоқ**, **қайчи** сингари сўзларни топдим. Менга янгилик бўлгани — **қонун** билан **қақнус** асли юнонча экан. Аксар сўзларга **лафзи туркий** дея изоҳ берилган. Эринмай санаб чиқдим. Туркий сўзлар арабу форсчасидан кўп чиқди. Арабий, форсий сўзларнинг ҳам бари беистисно менга таъниш экан. Уларнинг аксари ҳозир ҳам жонли тилимизда ишлатилади. Қолганлари мумтоз адабиётимиз хазинасидан жой олган. Энди айтинг, нега у луғатлар бизники бўлмасин? Нега улардан биз ҳам баҳраманд бўлмаслигимиз керак?

Ўзбек тилининг ривожига аҳамиятсиз ҳисобланган, тарихимизнинг бойлиги ва улуғлиги тўғрисида гапириш миллатчилик саналган даврлар ўтди. Қадриятларимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган замон келди. Лекин ўриндан қўз-

ғалишимиз қийин кечмоқда. Қарамликдан қутулсак-да, қон-қонимизга сингиб кетган ҳадиқдан халос бўлолмадик.

*Дил сўзи қатагон эрксиз тузумни
Биз кўрдик, кўрмасан ҳеч ким ҳеч замон.
Кўп қаттиқ тишлаган эканмиз мумни,
Оғиз очолмасдан юрибмиз ҳамон.*

Жонкуяр аждодларимиз келажак авлодининг саводини ўйлаб сонсиз луғатлар тузган. Минг йиллар қаъридан етиб келган Сўз жавоҳирини асраб-авайлаб бизга етказган. Уларни ўрганиш, нашр этиш фақат мумтоз адабиётимизни англаш учунгина эмас, турли ижтимоий, илмий атамаларни билиш ва тилимизга дадил киритиш учун ҳам керак. Агар ўша луғатлар қўлимизда бўлса, фаннинг барча соҳаларида ўзбекча сўзлар бундан-да устунроқ мавқе касб этарди. **Юридик шахс**, **жисмоний шахс**, **ҳуқуқбузарлик** сингари зўрма-зўраки таржималарга эҳтиёж қолмасди. **Олтин пробасини** ўзбекча нима десак экан, деб бош қотирмас эдик. Ўзбекистоннинг тўқсон тўққиз **ёргитли** тилласи бор, дердик ифтихор билан. Олтинимиз ёнида олтин сўзимизга-да эга бўлардик. Мустақил юртимизнинг мустақил армияси ўз ҳарбий атамаларини истифода этарди. **Саркарда** ёнида **сартиб**, **сарҳанг**, **сарлашкар**, **сипоҳсолор** каби жанговар унвон-даражаларимиз бўлар, авангард, арьергард ўрнида **ҳировул**, **чиндовул** деб, ўнг ва сўл флангни Темур бобомиз атагандек, Ҳазрат Навоий шеърга солгандек **буронгор**, **жувонгор** деб айтардик:

*Ҳам буронгор, ҳам жувонгор кинсигол,
Ҳам яна гулу ҳировулда бу ҳол.*

Бу соф туркий сўзларнинг талаффузи қийин бўлса, **маймана**, **майсара** дердик. Мен асл ўзбекча **юзбоши**, **мингбоши**, айниқса, **қўрбоши** унвонларини тилга олмадим. Ўтмишимизни қоралаш урф бўлган замонда улар шу қадар лойиқа қорилганки, эшитган одам бугун ҳам сесканади. Ўрни келганда айтиб қўяй: **қўрбоши** эмас, **қурбоши** десак тўғри бўлади. Чунки **қур** тўплаш, йиғиш маъносини англатувчи **қурмоқ** сўзининг ўзаги. Йигитлар давра қурса, бир **қур** йигит деймиз.

Бир **кур** ичидаги йигитлар **курдош** бўлади. Ёши тенглари **тенгкур** аталади.

Тилшунос олимларнинг кўплари билан дўстман. Дўст ачитиб гапирди. Лекин фақат аччиқ гапларгина айтсак инсофдан бўлмас. Шубҳа йўқки, истиқлол йилларида тилшунослигимиз бирмунча ривожланди. Катта жамоанинг кўпийллик меҳнати – беш жилдли изоҳли луғатнинг дунё юзини кўргани, гарчи у мукамалликдан йироқ эса-да, эл маърифати учун фойдали иш бўлди. Профессор Қосимжон Содиқов “Девони луғотит турк”нинг қайта наشري бўйича иш олиб бормоқда. Академик Эргаш Фозилов Навоий асарларининг тўлдирилган ва батафсил шарҳланган луғатини тайёрламоқда. Алломанинг айти-

шича, бу луғат ҳар бири минг саҳифали беш китобдан иборат бўлади. Атоқли тилшунос Шавкат Раҳматуллаев ўзбек тилининг уч жилдли этимологик луғатини чоп эттирди. Шарқшунос олим Муҳаммаджон Имомназаров шогирдлари билан “Хамса”нинг тўла сўзлиги, конкордансини тузмоқда. Булар, албатта, олижаноб ишлар. Лекин армон армонлигича қолмасин. Мусулмончилик – астачилик, дея ўзимизга таскин бериб, шитоб замондан ортда юриш сира ярашмайди. Олимларимиз зиммасида мумтоз адабиётимизнинг мукамал сўзлигини тузиб беришдек залворли вазифа турибди. Ўзбек тилининг ўз грамматикаси – сарфу наҳви йўқ. Кимга тобе бўлсак, ўшанинг тил қоидаларини олганмиз-да. Рус тилининг сўз яшаш, гап қуриш, имло талабларини шундоққина қабул қилганмиз. Тилшунослик атамаларимизнинг бари русчадан таржима қилинган. Ўз она тилимизга мос грамматика яратиш ҳам олимларимиз бўйнидаги қарз. Ҳам бугунги авлод, ҳам келажак насллар олдидан ўташ талаб этилган, кечиктириб бўлмас қарз!

Мана, ниҳоят, узоқ чўзилган, лекин зинҳор лирик бўлмаган чекиниш тугади. Яна асосий мавзуга қайтамыз. Дарҳақиқат, **ранг** сўзининг ўттиз бир маънода келиши манбаларда кўрсатилган: биринчиси ва маълуму машхури – тус; иккинчиси – ҳисса, насиба; учинчиси – айб ва орият; тўртинчиси – ранжу изтироб; бешинчиси – қувват ва имкон; олтинчиси – жон; еттинчиси – нортую; саккизинчиси – мол-мулк, олтин; тўққизинчиси – фойда; ўнинчиси – дарвешларнинг кўк тўни; ўн биринчиси – равиш, тарз; ўн иккинчиси – тоғ эчкиси; ўн учинчиси – макру ҳийла; ўн тўртинчиси – кўкариш, юз очиш; ўн бешинчиси – яхшилик; ўн олтинчиси – саломатлик; ўн еттинчиси – шарму ҳаё; ўн саккизинчиси –

қон; ўн тўққизинчиси – чирой ва латофат; йигирманчиси – миқдор; йигирма биринчиси – ўғрилиқ; йигирма иккинчиси – кимор ва ундан топилган бойлик; йигирма учинчиси – тангри ва эга; йигирма тўртинчиси – ота; йигирма бешинчиси – юздаги хол; йигирма олтинчиси – лутф, рамзу ишора; йигирма еттинчиси

– қувноқлик ва шўхлик; йигирма саккизинчиси – кўнғирок; йигирма тўққизинчиси – қахру ғазаб; ўттизинчиси – ипак; ўттиз биринчиси – хиёнат. Ўзбек тилида рангнинг ўттиз иккинчи – **юз, афт, чеҳра** маъноси ҳам бор. **Ранги рўй**, яъни юзнинг ранги сўзидан рўйнинг тушиб қолиши натижасида ҳосил бўлган. **Ранги синик, ранги бузук, ранги совуқ, ранги курсин, рангини кўрмай** иборалари бунга мисол.

Фузулий байтида **ранг** биринчи, асосий маъносида келган бўлса, Бобур байтида ўн учинчи маънода, яъни **ҳийла** ўрнида қўлланган. Навоийдаги **рангин тус** қон туси маъносида. “Лисон ут-тайр” достонидан олинган қуйидаги байтда эса мазкур сўз **тарз, равиши** билдиради:

*Ун чекиб ноқус оҳанги била,
Куфр элининг шевау ранги била...*

Бу ўринда Шайх Санъоннинг ишқдан мажнун бўлиб, диндан чиққани ва куфр элига хос ноқус сўзлар айтгани, бутга чўқингани, чўчка боққани тўғрисида сўз боради.

Ранг тушунчасини ифода этувчи сўзлар бисёр. Олтин куз, феруза осмон, зумрад дала, деганда сариқ, кўк, яшил ранглари кўзда тутамиз.

Японияда ранглари ўрганувчи махсус илмий институт фаолият юритади. Оламнинг рангинлиги, ранглarning киши кайфиятига таъсири, турли ранглarning бир-бирига мос тушиши, рангларга нисбатан инсон дидининг шаклланиш жараёнидан тортиб, оддийгина галстукни тўғри танлашгача шу даргоҳда ўрганилади. Японлар рангларга жуда эътиборли. Бизнинг ҳам улардан кам жойимиз йўқ. Юртимиз Кунчиқар ўлкадан ўн ҳисса рангинроқ, адабиётимиз ўн қарра бойроқ. Элимизга ўн баробар кўп неъмат ато этган Тангримиз япондаги ҳафсала ва уринчқоқликнинг ўндан бирини бизга берса эди...

ТУТАШМАС ҚАЛБЛАР ТУТАШСА

Икки **қалб** бор. Улар бир-биридан шу даражада узоққи, туташмоғи сира мумкин эмас. Бири – **инсон юраги**, поклик, тўғрилиқ, олижаноблик тимсоли бўлган **қалб**. Иккинчиси – **қалбаки, қаллоб** сўзларининг ўзаги, яъни эгрилик, алдамчиликни ифода қилувчи **қалб**. Батамом қарама-қарши тушунчаларнинг бир сўзда жам бўлгани таажжубланарли.

Қалб сўзининг неча маъноси бор ўзи? Келинг, буни ҳам Навоийдан сўраб кўрайлик. Ҳазрат “Ҳазойин ул-маоний”да бизга шундай жавоблар беради:

*Зулф аро холинг кўнгуллар хайлини торож этар,
Қалб шабравлар либосин кеча олгандек асар.*

Яъни, ошиқ кўнгли ёр сочларини соғинган, ҳаёлан зулф васлига етган эди. Лекин гажак орасида яширин пойлаб ётган қора хол ошиқ кўнглини тутиб олди ва торож этди. **Қалб шабрав** – **қоронғида эгрилик қилиб юрган** кимсани асар (миршаб) тутиб олгани, либосини ечиб жазолагани ками. Лекин

бу насрий баён, холос. Байтнинг нафосати шундаки, Ҳазрат тажниси санъати билан **қалб**нинг икки маъносига ишора этган. Ёр сочлари қора тунга, сочлар орасида ҳаёлан кезган ошиқ кўнгли, яъни **қалби** қоронғи тунда юрган **қалб** – саёққа ўхшатишган. Буюк истеъдод нафаси тегса, қовушмаган қалималар ҳам қовушар экан!

Икки қалбни туташтирган яна бир байт:

*Қалб эрур кўнглимки, боғлабдур сочинга
зуннорини,
Турфа букум, бир нафас чиқмас қошинг
мехробидан.*

Кўнглим, асли, сочингни белга зуннор қилиб боғлаган бир кофир. Лекин, ажабки, қошинг мехробини бир лаҳзага тарқ этмайдими, мусулмонлик даъво қилади. Байтнинг мазмуни шу. Бадиияти-чи? Санъати-чи? Байтда қўлланган биринчи санъат – ташбеҳ. Ёр сочлари зуннорга – кофирлар белбоғига ўхшатилади, қошлари эса мехробга қиёс қилинади. Иккинчи санъат – таъдод. Зуннор билан мехроб бошқа-бошқа олам тимсолари, кофирлик ва мусулмонлик белгилари. Улар ёндош бўлиши мумкин эмас. Аммо шеърият мана шундай мумкин бўлмаган ишни мумкин қилувчи қудратга эга. Зид тушунчалар ёндош келиб, таъдодга айланади ва гўзаллик пайдо қилади. Учинчи санъат – ийҳом. Шакли бир, лекин мазмуни турлича сўзнинг бир маъносини айтиб, бошқа маъносига ишора этиш ийҳом саналади. **Қалб эрур кўнглим** деган жумлани биз, аввало, кўнглимнинг мусулмонлиги қалбаки, негаки, у алдоқчи, кофир, деб тушунамиз. Ишора этилган яширин маъно: **қалб эрур кўнглим** – **кўнгли** менинг **қалбим, юрагим**; унинг кофирлиги ҳам, мусулмонлиги ҳам менинг ўз хислатимдир, деган фалсафий хулосади.

Кўнгли билан юрак битта тушунча экани “Ҳайрат ул-аброр”да аниқ-тиниқ айтилган:

*Буки кўнгул дерсан эрур бу юрак,
Исми кўнгул бирла анга муштарак...
Қаъбаки оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоқки кўнгул қаъбаси.*

Ийҳом ижодқордан катта маҳорат талаб этадиган ғоят мураккаб бадиий санъатлар сирасига қиради. Ҳазрат демишларки: **Агар**

хосса маъни гар ийҳом эрур, анинг кунда юз байти ҳалвом эрур. Яъни ийҳом санъати билан ёзиш шарти қўйилса, ҳар кун юз байт битиш менга ҳолва шимганчалик осондир.

Яна бир байт:

*Эй Навоий, ишқ ила кўнглим хаёл этди масоф,
Рўбарў бўлгач менинг қалбим сари тушди шикаст.*

Ишқ менга кўп азоб берди. Кўнглим бу азобларга чидолмай исён кўтарди ва ишқ билан жангга кирмоқни хаёл қилди. **Масоф** – жанг демақдир. Лекин рақибга рўбарў бўлгач, қалбим шикаст топди; яъни ишққа асирлигича қолди. **Қалбим сари тушди шикаст** жумласида ҳам икки маъно бор. Биринчи маъно – **қалб**, яъни юрак. Бошқа маъно – қўшин маркази. Жанг пайти шоҳ қўшин марказида боради. Мақсад – ҳам муҳофаза, ҳам сафларни бошқаришга қулайлик. Шу сабаб қўшиннинг маркази **қалб** дейилади. Шоҳ ўнг ё сўл қанотга ўтса, ўша ер ҳам қалб ҳисобланади. Шоҳ турган жой сипоҳнинг юраги бўлади.

Навоий байтида кўнглим озодлик жангига кирди. Лекин ишқ устун келиб қўшиннинг марказига – **қалб**га зарба берди. Буни шоир қалбига берилган зарба сифатида ҳам тушуниш мумкин.

Қалбнинг ҳарбий атама экани бошқа бир байтда янада аниқ кўринади:

*Бир диловардур кўнеулким, ғам сипоҳи қалбида
Охи новак, тоза доғидур қизил қалқон анга.*

Менинг кўнглим ғам сипоҳининг марказида турган диловар – қўрқмас, фидойи аскар. Чеккан оҳлари камон ўқлари бўлиб фалакни тўлдиради. Бағридаги жароҳат, қотган қон унинг қизил қалқонидир.

Шу ўринда навоийхонларга айтар сўзим бор. Агар Ҳазратниқи дейилган байтда яширин маъно, бирор ишора, бадий санъат бўлмаса, билинги, уни Навоийга нисбат берганлар адашибди. Бу гап даҳо шоир асарларини тарғиб қилувчи мухтарам олимларимизга ҳам тегишли. Устоз ғазаллари сизга завқ-шавқ бермаса, қалбингизга ўт солмаса, яхшиси, у ҳақда гапирманг. Назм дурдоналари шарҳини математика дарсига айланторманг. Навоий тўғрисида қовоқ солиб сўзлаш гуноҳ. Доно

гапларни ҳамма айтиши мумкин. Олам аҳли, билинги, иш эмас душманлиг, ёр ўлинг бир-бирингизга... дейиш учун Навоий бўлиш шарт эмас. Модомики Ҳазрат шу сўзларни айтган бўлса, демак, бунда бир сир-синаот, ё чиройли мажоз, ё яширин муаммо, ё бирор ташбеҳ бор. Агар сиз бу синоатни илғамай, фақат мазмунни баён қилсангиз, Ҳазрат руҳи олдида шаккоклик қилган бўласиз.

Мана, "Ҳазойин ул-маоний"ни варақлаб қалбнинг тўрт маъносини топдик. Изласак, бу сўзнинг коса тагидаги нимкосалари яна чиқади. Тўрт девон бежиз "Маънолар ҳазинаси" деб аталмаган, ахир!

Сўнги савол қолди. Нега юрак **қалб** дейилган? Унинг қаллобликка, ёлғончиликка нима алоқаси бор? Биласизки, инсон онги шаклланган замондан бери ақл ва юрак ўртасидаги баҳс давом этади. Ақл онг билан, юрак ҳиссиёт билан ошно. Одамзодни ҳиссиёт кўп алдаган. Ҳамма халқларда, кўнгил кўчасига кирма, деган мазмундаги ҳикмат учрайди. Демак, юрак сўзига кириб алданган одамлар унга **қалб** дея ном берган.

Эмишки, тақдири азал инсон пешонасига тескари хат битгани каби юракни ҳам одам кўкси ичида тескари осиб қўйган. Шунинг учун эгасини терс йўлларга бошлармиш. Бу гапга ишонмай, юрак сўзига кирган девона ёш шоирнинг ёзганлари будир:

*Айбли эмас бунда иродам,
Маъзур тутинг, дўстлар, сиз мени.
Ақл қанча ҳақли бўлса ҳам,
Тутар бўлдим юрак измини.*

*У бахш этган оташда ёндим,
Ўзи бўлди менга раҳнамо.
Унга, фақат унга ишондим,
Юрак мени алдамас асло!*

ЗИМИСТОН

Зимистон деган сўзни кўп ишлатамиз. Асли, **боғистон**, **гулистон** каби чиройли, нурли калима. Лекин негадир **зулмат** маъносида қўлланилади. Тарихини суриштирсангиз, тиник ва оппоқ сўз. **Баҳористон**, **тобистон** қаторида туради. Форс ва рус тиллари қариндош бўлганидек, **зимистон** русча **зима** сўзи билан эгизак. Қишнинг бетакрор хусни,

таровати мужассам бу калимада. Баҳористон – баҳор, тобистон – ёз, зимистон эса – қиш. Лекин табиатан қайсар эмасмизми, қоронғи кечани **зимистон** деймиз ва фикримиздан сира қайтмаймиз. Шу маъно билан луғатларга ҳам киритиб олганмиз.

Ажабо, **қиш** қандай қилиб **қоронғига** айланди? Иккиси тамоман бошқа-бошқа тушунчалар-ку! Бу хатонинг сабабини топишда бир чистон қўл келди:

*Ялдо кечаси бирдур, бир йилда бир ялдо,
Ё Раб, бу нечук ялдо? Бир ойда икки ялдо!*

Ялдо кечаси – қишнинг энг узун, энг қоронғи туни. Ҳозирги йиллойкун – календарь ҳисоби бўйича йигирма учинчи декабрга ўтар кеча. Чистоннинг маъноси будир: ялдо кечаси йилда бир келади. Лекин бир ойда икки ялдо бор. Топ-чи, бу қандай ялдо? Жавоб: ёрнинг юзи – ой, икки ўрим сочи қоралиги ва узунлиги билан – ялдо кечаси. Ой юзли ёр икки ўрим сочини ташлаб қўйса, бир ойда икки ялдо бўлади. Гўзал ташбеҳ!

Қарангки, бир жумбоқ бошқа жумбоқни ечишда кўмаклашиб турибди. Қиш кечасининг узун ва қоронғилиги учун зулматли тун **зимистон қоронғиси** дейилган, яъни **қиш қоронғиси**. Лекин биз гапни қисқа қилишга устамиз-ку, ассалому алайкум, демаймиз, салом, деймиз-қўямиз. Қалайсан, деган бир оғиз гапимиз узундан-узоқ ҳол сўраш ўрнига ўтади. **Зимистон қоронғисини** ҳам қисқа қилиб **зимистон** дея қолдик. Тилшунос олимларимиз барака топсин, халойиқнинг сазаси ўлмасин деб, луғатларда **зимистонга қоп-қоронғи кеча** дея изоҳ берди. Хато илмга ҳам кириб олди.

Хунук сўзини кўрксиз, бадбашара деб тушунамиз. Аслида, бу **совуқ** дегани. Ташқари хунук, иссиқ кийиниб ол, десак тўғри бўлади. Лекин бундай десак... кулгига қоламиз-да! Ажабо, **совуқ** маъносидagi сўз қандай қилиб кўрксизга айланди? Бунга ҳам сабаб – қисқартиришга ўчлигимиз. Аввалда у **совуқ** маъносида тўғри ишлатилган. **Турқи совуқ** одам **турқи хунук** дейилган. Кейинча **турқ** тушиб қолиб, **хунук**нинг ўзи айтиладиган бўлди. Тилчиларимизга яна раҳмат, буни ҳам расмийлаштириб берди.

*Ҳар киши васпин таманно айласам навмид ўлай,
Ҳар киши ҳамки сенинг васпинг таманно айласа.*

Таманно – истак, хоҳиш, орзуни англатади. Биз **нозу карашмани**, **танноз аёлни таманно** деб атаймиз. Бундай маъно ўзгаришига ҳам сабаб ўша – гапнинг “шоҳ-бутоғ”ини кесишга усталигимиз. Ўзини яхши кўрадиган одамнинг таманноси, истаги мўл бўлади. Айниқса, ўзига бино қўйган аёллар **таманноли**, **сертаманно** деб сифатланган. Бора-бора сўз қўшимчалари “йўнилиб” **таманно**нинг ўзи қолди, от сифатга айланди. Маъно тамомила ўзгарди. Тилшуносларимизга қайта-қайта таъзимки, бугун ўзбекча-русча луғатларни очиб қарасангиз, **таманно мечта**, **желание** эмас, **кокетство**, дея изоҳланган. Энди Навойнинг **таманноси** билан бизнинг **таманнони** солиштиринг! Навойни нега тушунмаймиз, деб яна ҳайрон бўламиз.

*Бу тоза туганким ғамидин кўнглум ародур,
Кўнглум куши ғам дашти аро бағри қародур.*

Кўнглимда ёр ғамидан битмаган янги жароҳат бор. Шу сабаб ғам даштида кўнглим қушининг бағри қаро. Туган – жароҳат. **Тоза – янги**. Тоза сўзини биз ювилган, артилган, пок маъносида тушунамиз. Асли, бу маънони билдирувчи **тамиз** деган сўзимиз бор. **Бетамиз** ювиксиз, нопок дегани. Биз эса гапукмас, маънисиз одамни бетамиз деб атаймиз. Луғатларда ҳам **тоза – чистый, бетамиз – недогадливый, болван** деб изоҳланган.

Тилшуносларимизга қарата айтилган ярим ҳазил, ярим чин гапларни зинҳор кесатиқ, таъна деб тушунманг. Улар **зимистон**нинг асл маъносини билмаганмиди? Яхши билган. Лекин мафкура аталган қудратли куч бор эди. Олимларнинг эса болачақаси... Олим сўзи эмас, авом сўзи, фозилларнинг бой ва зарофатли тили эмас, йўқсилнинг ўзи каби қашшоқ ва ғариб тили мўътабар саналган замонларни ҳозирги ёшлар билмайди. Билмасин ҳам! Зимистон давронининг ортда қолгани рост бўлсин. **Зимистонни қоронғилик** деб тушунсангиз, тонг отгани, **қиш** деб тушунсангиз, баҳор келгани чин бўлсин!..

Ибодат РАЖАБОВА

Dorbozlarday nurdan tikdim dor...



ОНА

Хассангизни шамол артади,
Ковушингиз мойланган, тоза.
Сиз кун бўйи йўлим пойлайсиз,
Гоҳ зерикиб кетар дарвоза.

Кўп тешилар сузмахалталар,
Ошиб тушар лагандан хамир.
“Шаҳарга...” деб термай қўйилган
Новдаларда қурийди анжир.

Суви қочар сутли кулчанинг,
Гўшт қоқини ўғирлар мушук.
“Келса, ер...” деб асралган беҳи
Жаҳл қилиб чиқаради тук.

Хинояпроқ халтача кияр,
Исинади сандалда қовун...
“Уйи совуқ, қишда кияр...” деб,
Пайпоқларга айланади жун.

Нафақадан тежаб йигасиз,
“Пули борми?..” – сурасиз хаёл.
Тўрт-бешта шеър ортидан чопиб
Қиз шаҳарда юрар бемалол.

Мансаблар-ку қиё боқмади,
Зўр шоир ҳам бўлгани қани?!
Сиз кетгандан кейин соғинар
Енгларингиз олмаларини...

Юрагимнинг ёриқлари кўп –
Тубигача етолмас малҳам.
Суратингни сувда эритсам,
Сувпарилар кўрсатди карам.

Қизил олов магзини ютдим,
Дорбозлардай нурдан тикдим дор.
Фариштани холи учратиб,
Кўнгил қўйсам юз берди асрор.

Чиганоқлар шарақлаб кулди,
Икки қўлим сурати – сопол.
Камалаклар машқини олиб,
Қуюнлардан соғиб олдим бол.

Сахро бордим, кенгликка ботдим,
Ёмғирларга қалдироқ ёндим.
Тушларингга кириш эшигин
Долаларнинг пойидан топдим.

Ёронгуллар ёрини топди,
Қучоғимда ухлади сафсар.
Шудринг ичиб семириб кетган
Ниначилар рафтори дилбар.

Ялпиз билан бирга туш кўрдик,
Булоқлардан сўрадик таъбир.
Богсунада қуёш ўйнайди
Челакларга сигмаган анжир.

Аргувондан гулоб пиширдим,
Гулоблардан пиширдим анбар.
Сочларимни нуртутқич қилган,
Сунбуланинг сояси дилбар.

Кўкка сигдим, куртакка сигдим.
Мени ютиб юборди гулчанг.
Боларилар талашиб кетди:
“Камалаклар эрта тугар ранг!”

Бол юзига митти хат битдим,
Шомлар ўқир хушторларига!
“Қалдирғочлар энди ин қураб,
Юрагимнинг деворларига”.

Япроқ бўлдим, дарахтга миндим,
Шамол билан учдим ҳалинчак.
Яшил шоҳда мен билан ўйнаб,
Энди қушлар бўлар келинчак.

Анча йиллар олдин “Саодат” журналида Ибодат Ражабованинг шеърларини ўқиб,
ўзига хос шоира эканини англаганман.

Ибодат опа – жуда самимий ва сирли шоира. Садрлари замирида кечмиш келажак,
ёмғир билан шамол, нур билан зулмат туташ яшайди. Бу шеърларни ўқиганингиз
сари юрагингизда гуллаётган юлғунлар шивирини, кузак боғларида адашиб қолган
шаббоданинг армонли нафасини туйгандек бўласиз. Сеҳрланасиз ва шеърдан топ-
ган янги манзараларингиз ичида яшагингиз келади.

Ҳалима АҲМАД

Шовуллади тунлари чорбоғ,
Шовуллади уйгонган юрак.
Томирларга айланган сочим
Гул базмидан бердилар дарак.

Нафас пишди, хаёллар пишди,
Ширин рафтор, пишди, қадамлар.
Шудринг ёстиқ бўлган қўлларим
Кафтларидан анқиди анбар.

Зайтунландим, қип-қизил зайтун.
Қуёш томон кетар бўлдим шом.
Тонгда турсам пишган олмалар
Адогимда оларди ором.

Шаҳарда куз жуда олифта,
Супургилар чаққон маошхўр...
Қарсак чалар гузартерақлар,
Соз чалгандай Ойими Танбур.

Долонларда шамол қисилар,
Ёмғир шимар лойшувоқ девор.
“Уй-қу иссиқ, кўча не ҳол?” деб
Бошларини чиқарар болор.

Қўлмак ўйнар тошфарш йўллар,
Бирор томда кўринмас туршак.
Юзларига қуш расмин солиб,
Дўконларда ухлайди варрак.

Гумбаз бошин ювади қиров,
Минорчада қишлайди гуррак.

Бухор Хотун кўтарган қари
Деворга ҳам бир чопон керак...

Ширин бўлар шаҳар ҳавоси.
Бозорда давр сураб нишалдо.
Хазонрезги сураатларидан
Баргак тақар Ойими тилло.

ТИЙРАМОҲ

Она қишлоқ гужумлари ҳўл,
Ўт поялар энди хотиржам.
Кадиларнинг томдан тушгани
Қаргаларга қилади алам.

Богчумчуқлар охур титкилар,
Узилмасдан ётар от арқон.
Кўзи сузук мушукни кўриб,
Қалдирғочлар қилмас галаён...

Сокин оқар ариқлар суви,
Боглар худди қотган мўмийё.
Кирпичорар сўқмоқчалар ҳам
Ёбонларда қолгандек танҳо.

Печакгуллар – гарамга келин,
Қировнўстин эғнида борлиқ.
Онам изин излаб толгандай,
Шожўроблар дийдори сариқ.

Яширинди ҳавога тутун,
Сарпуншқалпоқ бошида ўчоқ.
Икки қўлин осмонга қилиб,
Аравалар чиқарар чарчоқ.

Алишер НАЗАР

Ko'zlarimga sog'inch quyilar...

ҚАЙТИШ

Кетаянман.

Меҳр истадим.

Бир ҳафтага кечдим шаҳардан.

Автобус ҳам тушунди мени,

Нақ елкалаб олди саҳардан.

Кетаянман.

Поёнсиз йўллар,

Судралади ортимдан бесўз.

Ўриндиқда ухлайди согинч,

Ичиб борар йўлни автобус.

Саратонда қувраган қирлар,

Кўзларимга урилар келиб.

"Ана!" дейман автобус тўхтар.

Согинч қолар аста тўкилиб.

Оёгимни қучоқлар ногоҳ,

Болалигим тўкилган тупроқ.

Подалари қайтган маҳали,

Мени кутиб олади қишлоқ.

Юракдаги тўлғоқли ҳислар,

Киборларча ҳайқирар бирдан:

— Ахир бу мен — шоир, келянман,
Тошкент деган азим шаҳардан!

Пахса девор паналарида,

Пичир-пичир кўкка бўй чўзар.

Қишлоқ аста қошин чимириб

— Ким у? — дейди — Алишер Назар!

Самосидан тушади Шаҳар,

Қилмишидан ўзи уялиб.

Мен — Қишлоқда ўсган Шаҳарнинг —

Йўлим тўсар андиша келиб.



Кўзойнакни сўмкага жойлаб,
Бўйинбоғ ҳам ечилар аста.
Хаёлларин тупроққа белаб,
Шаҳар Кишлоқ бўлар бирпасда.

Ўша сўқмоқ,
Ўша қари тол,
Кўзларимга согинч қуйилар.
Мен Меҳрга чўкиб кетаман,
Йўл бўйида қолади Шаҳар.

БИР ОДАМ

Бу одамга алам қилади,
Қаршисида мудом бир тилсим:
Нега унинг душмани йўқдир?
Нега унга қаршимас ҳеч ким?

Нега унга ҳасад қилишмас?
Ёки ҳеч ким келиб урмас дўқ?
Кўчалардан қарвони ўтар,
Хурадиган бирорта ит йўқ!

Узун-узун режалар тузмас,
Уйқу қочмас олис тунлари.
Сочларида бирорта оқ йўқ,
Юрагида йўқ санчиқлари.

Алам қилар унга шуниси,
Ўтиб борар бегалва, бесас.

Курашгиси келар унинг ҳам,
Лек арзирли ганим топилмас.

КЎНГИЛ

Сотилади... кўнгил бор,
Хали тирик, ўлмаган.
Фақат у меҳрга зор,
Бирор марта кулмаган.

Бир жойида доғи бор,
Шундан нархи баланддир.
Келолмайди харидор –
Тахти ҳам аршмонанддир.

Осмон эрур сирдоши,
Ерликларга ҳуши йўқ.
Тоглардан мағрур боши,
Пастлар билан иши йўқ.

Гуллаган хазонларда
Сигмайин тўрт томонга,
Гоҳо у азонларда,
Кетиб қолар осмонга.

Сотилади... кўнгил бор,
Чорлайвергум, толмасман.
Қирқ йилки беҳаридор,
Даллолга беролмасман.

Сотилади... кўнгил бор...

Шеър Сўздан бошланиб, Сукутда тугайди. Сир қошида Сўз Сукутга айланади. Сир эса Ғайб оламига тегишли бўлади. Шу боис Унга фақат бесас Ишора этилади.

Алишернинг битикларида ана шу тўрт унсур – Сўз, Сукут, Сир, Ишора борлиги қувонарли. Ягона истак: улар янада қамровли, янада салмоқли бўлиб борса...

Муҳиддин РАҲИМ

ОШИҚ

Аввал уни гил қилдинг,
Сўнгра аста гул қилдинг,
Ошиқ қилиб Ўзингга,
Бир ажойиб дил қилдинг.

Бормоққа бир йўл бердинг,
Ўнг бердинг ва сўл бердинг –
Ошиқ аро йўлдадир,
Оёғига гул бердинг.

Дунё бу – Қора ботир,
Йўлда ястаниб ётир.
Хатлаб ўтолгайми у,
Наззора этмасанг бир!

Йўллари чагир келди,
Умиди сагир келди,
Ўзинг енгиллатиб бер,
Юки кўп огир келди.

Ерга ташилаб қўймагил,
Сирга ташилаб қўймагил,
Ўзи билан ўзини,
Бирга ташилаб қўймагил.

Бир кун бу жом тўлгайдир,
Висол насиб бўлгайдир,
Чунки бу гумроҳ қулинг,
Ҳимматингни билгайдир.

ХИТОБЛАР

Эй Сен, менга кўрсатганинг – борса-келмас,
Бу не савдо, берганингдан кўнгул тўлмас.
Ахир менга қанақа соз узатдинг Сен,
Айрилиқдан бошқасини чалиб бўлмас.

Эй Сен, мендан сўрама ҳеч, кечириб қўй,
Кон дилимни дафтаримга кўчириб қўй.
Ёзиқларим очиб кўрмай, қалбимдаги
Муҳаббатдан бошқасини ўчириб қўй.

Эй Сен, қара, қандай ажиб тақсимотинг,
Шу сабабдан Холиқ эрур битта зотинг.
Аммо... баъзан иккиланиб қолишим бор,
У дунёда эмасмиди Пулсиротинг?!

Эй Сен, Ўзинг карам этгил, тоатим йўқ,
Бу юкингни кўтармоққа саботим йўқ.
Парвонадай ўзим шамга ўрай дейман,
Лек шамгача олиб борар қанотим йўқ.

Сулаймон РАҲМОН

Тинчоқар дарё

Эссе

Бир танқидчимиз "Асқад Мухтор интеллектуал санъаткор сифатида ўзбек адабиётидаги янгиликка интилиш, модерн адабиётни мукаммаллаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшди", деб ёзибди. Йўқ, Асқад Мухтор модерн адабиётни мукаммаллаштиришга ҳисса қўшиш у ёқда турсин, уни жинидан баттар ёмон кўрар эди, дейман мен баралла. Далилим шуки, у бундан қирқ йил муқаддам "Ижод доим жангда" деган мақола ёзиб, кубизм, абстракционизм, экспрессионизм, модернизм каби "изм"-измлар бизнинг мафкурамизга, ижтимоий тузумимизга, "партия ғояларига садоқат билан хизмат қилаётган улкан совет адабиётига, социалистик реализм санъатига қарши" дея бонг урган, бу "изм"ларга эргашувчилар-

ни мақсадсиз, маслаксиз, ғоясиз "кубист, модернист, экспрессионист, абстракционистларнинг ахлатхонасида чириб кетган уч бурчакли ноклар, апельсинлар билан адабиётимиз бозорини булғатувчи югурдаклар", дея лойга қорган, уларнинг "Доктор Живаго", "Бабий яр", "Треугольная груша"ларини эса "хас-хашак" деб атаган эди.


Асқад Мухтор гарчи ижодда анъаналарни синдиришга, новаторликка уринса-да, анъанавий ўзбекча шеърни бузганлардан бири ўзи бўлса-да, шаклда ҳам, мазмунда ҳам замонавийликни ёқласа-да, бироқ меъёрни сақлайди, модерн (яъни, замонавий) асарларни, ҳар хил "изм"ларни ёқтирмайди, бу борада чегарадан чиқмайди. Мен буни унинг 1971 йили нашр қилинган

Таниқли шоир ва таржимон Сулаймон Раҳмон устоз Асқад Мухтор ҳақида шогирдлик эҳтироми билан "Тинчоқар дарё" деган китоб ёзди.

Асар одатдаги хотиралардангина иборат бўлмай, унда адибнинг шахсияти, ижодий тақдири, шу баҳона кечаги замон адабий сиёсати борасида қизгин, муросасиз сўз юритилади.

"Тинчоқар дарё"дан бир "ирмоғи"ни эълон қилар эканмиз, бугунги кўпплаб адибларимизнинг бошини силаган меҳрибон устоз ҳақидаги ушбу асардан журнализмнинг келгуси сонларида ҳам фойдаланиш ниятимиз борлигини билдирамыз.

Тахририят



“Ёш дўстларимга” китобини ўқигандаёқ билганман, кейинроқ қўл остида ишлаб юриб, нафақат модерн, ҳатто қофиясиз, оддий сарбаст шеърларга ҳам унча хуши йўқлигига гувоҳ бўлганман. Эсимда, бир ёш шоирнинг сюрреализм, модернизм “ҳид”и келиб турган қисқа-қисқа, имо-ишораларга бой, руҳият манзаралари табиат манзараларига боғлаб жонлантириб чизилган, туроқ-бўғини, қофияси йўқ, “Қалдирғочдан олдин, турналардан аввал, бойчечак учиб келди қайдандир. Сўнгра... мовий тоғлар бағридан лолалар шаҳарга кўчиб келишди” тарзидаги бир даста шеъридан атиги уч-тўрттасини яроқли деб топиб, қолганини қайтариб берган.

– Манавилари бир нави, – деган у ўшанда бир-икки варақни кўрсатиб. – Қолганларига шеърий материал бор, лекин шеър йўқ.

Қарасам, букланган бир даста қоғоз устига “Буларни шеър қилиб ёзса бўлмасмикан” деб ёзиб қўйибди.

Яна бир гал Поркадан қилинган уч-тўрт таржумани ўқиб:

– Лорка эмас, Жорка бўлиб қолибди-ку, – деб кулган эди.

Унинг йўл-йўлакай айтган шундай бир-икки оғиз узук-юлуқ луқмаларидан англаймани, Асқад Мухторга ҳар хил “изм”ларни етаклаб бизга Ғарбдан “бепўшт-пўшт” кириб келаётган бесалом, “ўта эркин” сюрреалистик ёки модерн шеърлар ёқмайди. У биладик, барча янгиликлар ўткинчи, барча “изм”лар муваққат. Кеча гўзал, жозибали туюлган қанчадан-қанча “изм”ларнинг бемаънилиги эртага ошкор бўлиб қолиши аниқ. Шеър эрмак учун ёки шов-шув кўтариб ном қозониш учун эмас, ўқувчи, унинг маънавий эҳтиёжи учун ёзилиши, тарбиявий аҳамият касб этиши лозим, деб ҳисоблайди у.

Гарчанд шеъриятда новаторлиқни, шаклга, ифода усулига янгилик олиб киришни ёқлаган ва ўзи шунга амал қилган бўлсада, шеърни жумбоққа айлантириб, уни атай мураккаблаштирувчи, тумтароклаштириб, оҳанжамаларга кўмиб ташловчиларни хуш кўрмаслигини айтдим. Нафақат хуш кўрмайди, шунақа шоирларни шеъриятнинг ашаддий душмани деб билади. “Кейинги вақтда ашаддий душманлар шеърнинг ўз ичидан ҳам чиқди: масалан, ҳарфларни, рақамларни, геометрик чизиқларни қоғоз бетига тартибсиз ўрнатиб, шуни шеър деб тақдим этувчи ва бошқа лўттибоз абстракционистлар пайдо бўлиб, шеърни фикрдан ҳам, ҳисдан ҳам маҳрум қилишга, уни яшаш, улғайиш қуролидан шалдироқ ўйинчоққа айлантириш учун урина бошладилар”, деб ёзади у 1966 йили “Ўзим ва шеър ҳақида” мақоласида.

Асқад Мухтор фикрича, шеър ҳис-туйғусиз бўлиши мумкин бўлмаганидек, уни ақлдан маҳрум этиш ҳам мумкин эмас. Ақлдан маҳрум шеър мантиқдан йироқ, бўлмағур бир алжираш бўлиб қолишини биз расман Францияда тугилиб, ўтган асрнинг 20-йилларидан то 70-йилларгача бутун жаҳон адабиёти ва санъатида янги оқим сифатида умргузаронлик қилган, кейин ўрнини постмодернизмга бўшатиб берган сюрреализм меваларида кўрганимиз.

Мавриди келганда атай, юқумли бу оқимлар таъсири ўтган асрнинг 70-80-йил-

ларидан бошлаб бизнинг ўртаёш ва ёш шеъриятимизда ҳам кўриниб турибди. Бугун худди шу йўналишда, лекин иложи борича уни миллий заминда урчитишга уринаётганлар бор ва бундай “ижод” намуналарини *“Модерн шеърят ёт таъсирлар натижа-сида пайдо бўлаётган фикрий бегоналик эмас, ўз шеърятимизнинг биз кўникмаган қонуний ҳосиласи”* деб, уни хайрли янгиликдай қутлашга, қўллаб-қувватлашга чакираётганлар ҳам учраб турибди.

Кўряпмиз, олис-олислардан олиб келинган лиму, пўртаҳол каби тропик меваларни юртимиз иқлими ҳозирча кучоқ очиб қабул қилмади, улар махсус иссиқхоналарда, алоҳида парвариш ва қаров билангина ҳосил беряпти. Бегона табиатли ўсимликларки Осиё тупроғига, обу ҳавомизга, Ўзбекистон иқлимига мослашиб кетолмаётган экан, модерн шеърят халқимизнинг шарқона, туркона ва исломий руҳиятида,

Киноқаҳрамонларимизнинг юриш-туриши, феъл-атвори, муомаласи, гап-сўзлари Ғарбникидан деярли фарқ қилмай қўйган бўлса-да, уларни миллий деб тақдим этишдан уялмаяпмиз.

Шўро замонидаги ҳоким тил таъсирида она тилимиздан айрилиб, чулчутга айланишимизга сал қолган эди. Ҳали-ҳануз бундан қутулганимиз йўқ. Ўз она тилимизда икки-та сўзни жуфтлаб, эга-кесимини жой-жойига қўйиб (имловий хатоларни-ку айтмай қўяқолай), эплаб ёзиш у ёқда турсин, оғзаки нутқимизни ҳам бўтқа қилиб юбордик. Ҳали ўз тилимизда тўғри гапиришни ўрганмай туриб, инглиз, хитой, корейс, ўрис тилида бемалол чулдирашга ҳам мойилмиз-у, баъзан миллий гурур тўғрисидаям лоф уриб қўямиз.

Ўзини ҳурмат қилган халқлар ўзлигини топиш, тиклаш, асраб қолиш учун курашаётган бир замонда наҳотки биз ўзлигимизни, ўзбеклигимизни йўқотиш пайида бўлсак?

Асқад Мухторга ҳар хил “изм”ларни етаклаб бизга Ғарбдан “бепўшт-пўшт” кириб келаётган бесалом, “ўта эркин” сюрреалистик ёки модерн шеърлар ёкмайди. У биладиким, барча янгиликлар ўткинчи, барча “изм”лар муваққат.

маънавиятимиз иқлимида илдиз отиб, зеҳниятимизга сингишиб, ўзимизники бўлиб кетиши мумкинми?

Тан олиш керак, миллий куй-қўшиқларимизга бегона оҳангларни қўшиб-чатиб куйлаётганларни ҳар учтадан иккитамиз чапак чалиб рағбатлантириб турганимизга қарамай, улар ўзимизники бўлиб кетолмаяпти.

Қоп-қора зулукдек қирққокил сочларини кесиб, сариқда бўяб олган қизларининг замонавийлигидан мамнун, уларни қўллаб-қўлтиклаётган ота-оналар кўпайиб бораётган бўлса-да, бу еттиёт турмак халқимиз ранги ва руҳиятига батамом сингишолмай, олақарға бўлиб турибди.

Ўзимизнинг миллий либосларимиздан бурун жийириб, келинларимизга ғарбона қиммат-қирон, очиқ-сочиқ тўй либосларини ижарага олиб кийдиришни аллақачон “миллий урф” қилиб олган бўлсак-да, бу либоснинг бизга ётлиги кўнглимизнинг бир четини хира қилиб тургани ҳам бор.

Нима дейсиз, бу каби “глобал таъсирлар”дан, ғарбона фикр тарзидан адабиётимиз қутулиб кетармикан, унинг бундай “замонавийлик”дан четда қолиши миллий маънавиятимиз учун яхшими, ёмонми? Миллий ўзлигимиз учун фойдами, зиёними? Умуман, модерн адабиёт бизнинг онгимизга, тафаккуримизга, қалбимизга, маънавий-руҳий савиямизга нима беради? У бизга шунчалик керакми? Керак бўлса, нима учун? Аввало, модерн адабиётнинг ўзи нималигини биллашимиз? Модерн ўзбекчада замонавий дегани. Модерн адабиёт моҳиятан табиатни, табиийликни ва анъаналарни инкор этади. Уни ўзига хос ички туйғу бошқаради. Унинг даргаси — шахсий таассуротлар, ички мавҳум ва интим ғоялар ёки илоҳий орзулардан келиб чиққан ҳолда зоҳирий дунёни ўзгартиришни ихтиёр этган ижодкорнинг тийққизш нуктаи назари.

Модернизм — ашаддий нигилист, ҳеч қандай қонун-қоида, ақида, жамоа ва жами-

ятни тан олмайди. Ҳеч нарсага ишонмайди, бунинг устига беҳаё, сурбет. Дикқатини гоёвий мазмунга эмас, асосан шаклга, маъхум шаклбозликка қаратади. Символизм, импрессионизм, сюрреализм, экспрессионизм деганлари ҳам модернизмнинг турли тармоқларидир. Барчаси реализмга қарши, барчасига тушқунлик хос.

Бу адабиётнинг тарафдорлари ҳам, мухолифлари ҳам кўп. Масалан, Герман Бар *“Модернизм – зимистонда фарёд чекаётган санъат, у мадад сўраб дод-вой қилади, руҳни чорлайди”*, деб унга ён босса, Юрий Олеша *“Жойсга ҳеч нима ёқмайди. Шундай экан, унинг даҳолиги кимга керак? Масалан, у “Пишлоқ – сутнинг ўлиги (мурдаси)”, дейди. Фарб адиби сутнинг ўлимини кўради. Сут ҳам ўлиши мумкин, дейди. Яхши гапми? Яхши гап. Топиб айтилганми? Топиб айтилган. Тўғри гапми? Тўғри гап. Лекин бизга бундай тўғри гапнинг кераги йўқ. Бизга бадиий мужодалавий (диалектик) ҳақиқат керак. Мужодалавий нуқтаи назарга кўра, сут ҳеч қачон ўлмайди, у онанинг кўкрагидан боланинг оғзига оқади, шунинг учун ҳам у ўлмасдир”*, деб унинг машҳур вакилини рад этади...

Биламан, реализмга муккасидан кетган, воқеликни баён этишдан, уни бўяб-бежаб тасвирлашдан нари ўтмайдиган саз адабиёт намунаси адабиёт эмас. Аини чоқда, адабиётни эшигидан доим гул иси анқиб турадиган гулхона ҳам қилиб бўлмайди, лекин у мурда хиди келиб турадиган ўликхона ҳам бўлмаслиги керак. Модомики, адабиёт инсоннинг ўзлигини, унинг табиатини, асл моҳиятини очадиган усул энг оқилона экан, у ижодкорга ўзини кўз-кўз этиш учун эмас, ҳаёт ҳақиқатини кўрсатиш учун хизмат қилиши лозим.

Ҳақиқий адабиёт, турган гапки, ўқувчининг мушоҳада чегараларини ўзгартиришга қодир бўлади, уни тафаккурнинг янги ўзанига солади, дидини чархлайди, фикрини ўтқириштиради, туйғуларининг рангига ранг қўшади, тасаввурини юксак маъволарга олиб чиқади. Дунёнинг фонийлиги ва абдийлиги, ҳаётнинг гўзаллиги ва бешафқатлиги, инсоннинг оқиллиги ва нодонлиги хусусида фикр

юритишга, умуман, табиатга, борлиққа янгича нигоҳ билан қарашга ундайди. Қисқаси, кўлига қалам тутган киши адабиётнинг ва-зифаси, аввало, одамлигини унутганларни одамликка қайтишга даъват этиш эканини эсдан чиқармаслиги лозим.

*Ашрақат мин акси шамсил қаъси анворул худо,
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо.*

Мана сизга юксак адабиёт намунаси. Мана сизга ўн бешинчи аср сюрреализми. Мана сизга тасаввур ва тафаккур теранлиги. Мана сизга муаззам ва муҳташам мазмунни, илоҳий ва дунёвий оҳангни ўзида тажассум этишнинг гўзал мезони. Шундай нажиб маъно ва нафосат ўрнига энди нахотки кунимиз:

*Қурбақа келин ҳовузнинг тинч жойига
Йкки-учта қизил япроқ тўшаб кўяди
Сув остидаги ялтироқ тошнинг
Нури билан тозалайди япроқларини
Бедана сайроғини супурғи қилиб
Супуриб чиқади сув бетини*

сингари инсоний фаолиятни табиату жониворларга кўчириб, маъни-матрасиз, мақсадсиз, алмойи-алжойи алжирашдан нари ўтмаган, нияти нотайин сюрреалистик шеърларга қолса? Кечирасиз-у, бундай “шеърлар” анчайин тасаввур ўйинидан бошқа нарса эмас. Ҳеч қандай мантиққа бўйсунмайдиган, аниқ бир маънога эга бўлмаган, тумтароқ тизмалар ўқувчи дидини чархламайди, аксинча, уни адабиётдан бездиради.

Эҳтимол менга “Бунақа шеърларнинг ҳам ўз мухлислари топилади, ахир қотилни ҳам севадилар-ку”, дея эътироз билдирадиганлар бордир. Тўғри, қотилни ҳам кимдир севиши мумкин. Аммо буни соғлом севги деб бўладими? Уни элга дoston қилиш, оммалаштириш, китобга олиб кириш инсонни оқибатда маънавий таназзулнинг қандай чуқур чоҳига қулатишини тасаввур қиласизми?

Тутуруксиз шеърлар эса зеҳниятимизга ёт бўлган гўё айрича фикрлаш тарзи билан миллий тафаккур тарзимизга тажовуз қилади. Шусиз ҳам ўтган аср бошларидаги қодириёна чинакам ўзбекча тафаккур тарзидан анча узоқлашиб кетдик. “Фалончи акам ўзларидами?”, “Пистончининг томи кетибди”, “Бир сўз билан айтганда” каби сон-

саноксиз "калька" гапларни уялмай-нетмай ўзимизники қилиб олдик.

Асқад Мухторнинг *"Талант диалектик моҳиятини очади; ўртамиёначилик эклектика даражасида қолади"* деган гапи бор. Эклектика, жун қилиб айтсам, ҳар мақомга йўрғалаш дегани. Ҳар хил қараш, назария, оқимларга эргашиб, ўшаларнинг нағмасига ўйнаш дегани. Янаям жунлаштирсам – тақлид дегани. Бир қарашда "бедананинг сайроғини супурги қилиб сув бетини супуриши" чиройли гапга ўхшайди, чиройли-ю, лекин пуч. Мантиқ, тутуруқ, хуллас, маъно йўқ. Ғирт ҳавойи гап. Бедананинг сайроғи – товуш, куй, оҳанг, нағма; товушнинг супурги бўлиши ва сув юзини супуриши ақлга сиғмаслиги-ку аниқ, ҳатто сезимга ҳам бўй бермайди, уни туюшнинг ҳам илоҳи йўқ. Ғирт аномалия. Телбалик. Бу каби "изм"лар тақлидчиларининг мақсади – тезроқ эътибор топиш, ҳеч кимга ўхшамаслигини намойиш этиш, ўз овози, ўз услуби борлигини кўрсатиш, ўзини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас. Бир жинни томда туриб чоптираёт-са, пастдаги шериги югуриб келиб ушлаб олмоқчи бўлибди. Шунда томдагиси "Ҳой, жинни, ушлама, қаттиқ тортворсанг, йиқилиб тушаман", деган экан. Жиннича бўлса-да, шу гапда ҳам тасаввур мантиғи бор. Аммо бедана сайроғининг супурги бўлиши мантиқдан ҳам, тасаввурдан ҳам ташқари.

Ҳозир баъзи ривожланган юртларда табиий мева-чева ҳамда сабзавот ўрнини ирсияти ўзгартирилган кимёвий, сунъий маҳсулотлар эгалламоқда. Есангиз, олма таъмини беради-ю, олма эмас. Ҳатто сунъий кимёвий тухум ҳам чиқди. Ёки ўзимизда ҳам анчадан бери табиий шарбатлар ўрнига лимон, мандарин, шафтоли, нок таъмини берадиган аллақандай кукунлар, концентрациялашган ичимликлар пайдо бўлди. Ичиб, барака топмайсиз: на чанқовингиз босилади, на соғлигингизга фойда. Аксинча, турган-битгани зарар, кимё. Алдоқчи маза. Кўзбўямачилик. Ҳозир баъзи модернчиларимиз ёзаётган шеърлар ҳам моҳият-эътибори билан шундай сунъий шарбатлардан фарқ қилмайди. Шеърга ўхшайди, лекин шеър эмас. Маъно даъво қилади, ле-

кин маъносиз. На ҳис, на фикр, на ифодада табиийлик бор. Ғирт имитация!

Мавлоно Румий ёзади:

*Ҳовузга зиндонбанд этсанг-да сувни,
Ўғирлаб кетади шамоллар уни.
Сезмайсан, таширлар бу сувни оз-оз
Ўз асл макони – уммонига боз.*

Шамоллар – ўғри, улар ҳовузга қамаб қўйилган сувни оз-оздан ўғирлаб, асл маконига – уммонга ташиб кетяпти, деган гапда ҳам юзаки қаралса, сюрреализм борга ўхшайди. Аммо гап аслида реал табиат ҳодисаси ҳақида бораётгани учун у мантиқдан мосуво эмас. Румий буни шунчаки синчковлиги, кузатувчанлигини кўз-кўлаш учун эмас, балки инсон олаётган нафас, яъни ўпкага кириб чиқаётган бир ютим ҳаво ҳам худди шамол каби инсон умрини оз-оздан ўғирлаб чиқиб кетади, деган тирикликнинг ўлмас қонуниятини очиш учун, тирикчилигимизга таъянч бўлган ҳар нарса аслида ўлимга элтади, деган парадоксал мужодалавий фалсафий фикрни урғулаш учун, қолаверса, "Инсон вужуд зиндонига қамалган руҳдан иборат, истайдими-йўқми, вақти-соати келганда худди ҳовуздаги сув ўз уммонига қайтгандай ўз аслига, манбаига, яъни худога қайтади" деган илоҳий ҳақиқатни таъкидлаш ва тасдиқлаш учун айтяпти:

*Дунё зиндонидан жонингни, эй кас,
Худди шундай оз-оз ўғирлар нафас.*

Асқад Мухтор "Тундалиқлар"ида *"Ўтган рус ҳамда Фарб адабиёти ва санъатида ҳамма асарлар бир турда анъанавий инсоний эди... Эндиликда ўша буюк асосий Санъат парча-парча бўлиниб кетди: авангардизм, футуризм, символизм, декадентлик, модернизм, сюрреализм, акмеизм, имажинизм, иррационализм, абсурдизм, ультраизм, фрейдизм, кубизм, экзистенциализм, абстракционизм... Қўйинг-чи, ҳамма "изм"лар бор, фақат гуманизм ғолиб чиқса бас... Шундай бораверса, у бутунлай тугаб кетса эҳтимол..."* дея ёзади ташвишлиниб. Асқад Мухтор куйинганича бор. Дарвоқе, бу "изм"ларнинг асосий мақсади ақлга, мантиққа, гоёга кўшиб, адабиётдан гуманизмни ҳам бадарга қилишдир.

Фарб аллақачон туфлаб ташлаган сюрреализм, модернизм, постмодернизм ва бошқа "изм"лардан биз нимани ўрганамиз? Масалан, сюрреализм нима? Унинг дохийлари ким? Моҳияти, мақсади қандай?

Сюрреализм онгсиз онг (яъни, подсознание, буни "ост онг" ёки "онг ости" деб таржима қилиш тўғри эмас. Менимча, ё "онгсиз онг" ё "чала онг" ёки шартли равишда "шуур шарпаси" деб олган маъқул, чунки бу ҳали онг даражасига етмаган онгни, онгнинг бошланғич, онгдан олдинги ҳолатини билдиради) тўғрисидаги Зигмунд Фрейд таълимотининг адабиёт ва санъатдаги акс садоси ўлароқ дунёга келган. Фрейдга кўра, уйқудаги одам миясининг айрим марказлари чала ухлайди ва сушт ҳолда ишлаб туради. Худди ана шу сушт фаолият тушда акс этади. Мантиқ ва маънодан маҳрум бўлган тушда воқелик айрим тасодифий унсурлари бузилиб, алоқ-чалоқ ҳолда кўрина-

ҳаракатини оғзаки, ёзма ёки бошқа йўл билан ифода этувчи соф руҳий автоматизм" деб атайди. Руҳий автоматизмнинг мумтоз ижоддан, анъанавий ижоддан фарқи шуки, у ақлга бўйсунмайди. Ахлоқий, эстетик ва бошқа манфаатлардан озод. У асосан шуур шарпасини моддийлаштиради.

Сюрреализм реал воқелик билан чиқишмайди, унинг назарида воқелик, яъни ҳаёт барча кулфатлар манбаидир. Унга кўра, ҳеч қандай ижтимоий инқилобнинг кераги йўқ. Фақат ақл, мантиқ, нарсани нарсайи тушунишдан воз кечилса, ҳаттоки гўзаллики хунуқликдан, ёлгонни ҳақиқатдан, яхшилиқни ёмонликдан ажратилмаса, бас, шунинг ўзи инқилоб. Бугина эмас, у барча анъаналардан воз кечиш, ўзаро инсоний муносабатлар ҳақидаги одатий тасаввурларни йўқотиш тарафдори. Бошқача айтганда, сюрреалистлар инқилобининг мақсади инсонни меҳр-муҳаббат ва оилавий мажбури-

Нима дейсиз, бу каби "глобал таъсирлар"дан, ғарбона фикр тарзидан адабиётимиз қутулиб кетармикан, унинг бундай "замонавийлик"дан четда қолиши миллий маънавиятимиз учун яхшими, ёмонми?

ди. Сюрреалистлар эса худди шу нарсани санъатларига асос қилиб олади.

"Сюрреализм" истилоҳини биринчи бўлиб француз шоири Гийом Аполлинер "мутлақо янги санъат" маъносида муомалага киритган. У узук-юлуқ, тумтароқ ҳиссиётлар қайд этилган (эътибор беринг: тасвирланган ёки ифодаланган эмас, қайд этилган) шеърлари, пьесаларини сюрреалистик асарлар, ўзининг таъбири билан айтганда, "воқеликдан ташқари нарсаларни" акс эттирувчи асарлар деб атайди.

Сюрреализм назариётчилари сюрреалистик асар уйқу ва уйғоқлик доирасида таҳайюлнинг моддийлашган қақнақидир, унда тушдагидай алоқ-чалоқ манзаралар акс этади, реал унсурлар бир-бири билан мантиқсиз равишда қўшилиб кетади, шунинг учун ундан маъно излаш, уни тушунишга уриниш бефойда, деб уқтиради.

Бу оқимнинг илк назариётчиси Андре Бретон сюрреализмни "Фикрнинг ҳақиқий

ятлардан, фуқаролик, синфийлик, адолат, садоқат, бурч туйғуларидан халос этишдир.

Моҳиятан Фрейднинг инсон табиатан шафқатсиз ҳамда қонхўрдир деган ғайриилмий фикрининг бадийи инъикоси ва асосан савқи табиий ҳосиласи бўлган сюрреалистик асарлар вазифаси инсондаги тубан иллатларни – унинг "ичида мудраб ётган маҳлуқни" уйғотишдан, инсон шуурининг тақиқланган ва қоронғи бурчакларини ёритиб кўрсатишдан иборат.

Реализм "устиди" туришга уринган сюрреалистлар гўё "онгсиз онг чакалакзорини ёриб кирадилар". Шу тахлит мантиқсиз ва тушуниксиз асарлар дунёга келади. Уларнинг шiori: – "Агар ўзинг ёзган нарсани тушунсанг, унда ёзишнинг ҳоҷати йўқ" ёки "Асар мудроқ ҳолатда (уйқусираб), хотиралар шамолнинг майин ёзишга остида ёзилиши керак".

Уларнинг фикрича, тимсолларни, рамзларни англаб етишга уриниш, улардан маъно, фикр, фалсафа ёки ҳикмат ахтариш борлик

инъикоси бўлмаган асарни борлиқ қаричи билан ўлчашга уринишдир. Соддарок қилиб айтсак, бу оқимнинг мақсади – мақсадсизлик, ғояси – ғоясизликдир. Шу тариқа бу оқим бадий ижоддан аста-секин ақл ва мантиқни сиқиб чиқарди. У бадий ижод намуналари суқр (транс) ҳолатида, “ҳиссий фаҳм” ёрдамида туғилсагина ҳақиқий ижод намунаси бўлади, деган ақидани илгари суради.

Назариётчи Де Кредо “Бадий асарда ҳар доим теран сезги акс этиши керак, теранлик ғалатиликдир, ғалатилик эса номаълумликни ва ақл бовар қилмаслиқни англатади. Санъат асари ўлмас бўлиши учун соғлом фикр ва мантиққа бўйсунмай инсоний чегаралардан четга чиқиши лозим. Шу тарзда у тушга ва болаларча ҳаёлпарастликка яқинлашади”, деб, бадий ижоднинг тарбиявий аҳамиятини, унинг инсоншунослик моҳиятини, эмоционал таъсир кучини, мақсади ва ғоявий-ахлоқий вазифаларини йўққа чиқаради.

Кўриниб турибдики, сюрреализм мумтоз анъанавий адабиёт ва санъатни инкор этади. Жаҳон адабиётининг энг гўзал ва юксак намуналари – Яссавий, Румий, Ҳофиз, Саъдий, Хайём, Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Бедил, Жомий, Навоий, Бобур, Машраб ва Шарқнинг бошқа кўплаб буюк шоирларигина эмас, Ғарбнинг Ҳомер, Эсхил, Овидий, Шекспир, Шиллер, Байрон, Гёте, Ҳейне, Бальзак, Гюго, Мицкевич, Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Достоевский, Тютчев, Фет, Некрасов, Толстой, Чехов каби улуғлари устигада қора чизиқ тортади. Унга кўра, чинакам ижод, ҳақиқий адабиёт гўё мантиқ ва анъанавий ахлоқ қонунаридан халос бўлган ҳайратомуз, ваҳимали воқеа-ҳодисалар, хориқулудда ҳис-туйғулар, фавқулудда ва ғайритабиий тимсолларнинг тумтароқ тизмасидан иборат бўлиши, пойма-пой, узук-юлуқ, изчиллик, узвийликдан маҳрум, бир-бири билан мантиқий боғланмайдиган, фақат асоциатив тарзда қуралган қуроқ манзаралар, ребуссимон тушунуқсиз тимсоллар, билгисиз бошқотирма ўйинга айланган жумбоқлардан ташкил топиши лозим.

Сюрреалистик асарлар нафақат ондан ташқари, ҳавойи, руҳий ҳодиса экани билан,

балки гўёки ўйлаб топилмагани, атай режалаштирилмагани, фавқулудда, савқи табиий, ҳиссий фаҳм орқали ақлга зид, мантиққа терс ҳолда дунёга келиши билан ҳам ажралиб туради.

Асқад Мухтор ҳам умрининг сўнгги йилларида бадий асарнинг туғилишига оид руҳий ҳолатни “ижодий тасаввур”, “олий савқи табиий” билан боғлашга уринади. “У идрокдан ташқарида ногоҳ пайдо бўлиб, ниманидир қамрашга интилади-ю, нима экани, номи ҳали онда йўқ. У ҳали хира бир ички сезим. Аммо мавжудлиги аниқ, уни фақат кўчма маънода, образли ё рамзий тарзда белгилаш мумкин.

Ҳайвоний инстинкт хавф-хатарни олдиндан пайқганидай, ижодий тасаввур ҳам узоқдаги фикрни гўё бир ўзгарувчан булут парчаси каби кўнгиш кўзгусида кўриб, гоҳ чақмоқ сингари ўтли чизиқлар, гоҳ қандайдир этюдлар, қиёфалар, композициялар, тақдирлар тарзида шакллантира бошлайди”, деб тушунтиради. Бироқ, унингча, “идрок тасаввурни тўла қабул қилмаслиги ҳам мумкин. Олий инстинкт сезими кўпинча ҳалиги ўзгарувчан булут парчасидан тарқаб ҳам кетади”.

Эшлигиданок реалистик ижодий метод билан қуролланган Асқад Мухтор учун модернистик талаблар мутлақо ёт эди. Унинг асарлари, ўзи айтмоқчи, гарчи олий инстинкт меваси бўлса-да, асосан ўйланган, мақсад қилинган аниқ ғоя ифодаси тарзида туғилгани ва аниқ ғояга, муайян мафкурага, инсоннинг маънавий камолотига, замонга, давр сиёсатига хизмат қилгани аниқ. Асқад Мухторнинг “Адабиёт ўзининг ижтимоий мавқеани ҳеч қачон қўлдан бермаслиги керак”, деган қатъий фикри бор. Боз устига у “Ижтимоий инсон, унинг қандай яшаш, яшашни нимадан бошлаш ҳақидаги ўй-хаёллари бугунги санъатимизнинг қарийб интим масалаларидир”, деб билади. Қолаверса, у “Шеър ёзиш – сиёсий масала. Шунинг учун бу ишни ҳавасга ёки йўл-йўлақай қилиб бўлмайди. Мақсадсиз, ички эҳтироссиз, талантсиз ҳолда шеър ёзишга уриниш жиноят. Агар одам ўзида оташ, куч, қобилият, масъулият ва зарурат сез-



Асқад Мухтор гулистони

маса, бу ишга қўл урмаслиги керак" деган қатъий ақидага эга.

Яширишнинг ҳожати йўқ, шўролар давридаги барча ижодкорлар ҳаби коммунистик мафкура, ленинча сиёсатнинг содиқ хизматкори, Михаил Шолохов айтмоқчи, гарчи онгли бўлса-да, партиянинг солдати бўлган Асқад Мухтор мавжуд ижтимоий тузумга жуда садоқатли эди. У ўзи кўниккан анъанавий ва замонавий шеърятдан воз кечиб, алланарсаларни пайпаслаб ўтадиган, чизгилаб кўрсатадиган, қандайдир имо-ишоралар қиладиган, ҳаёлни мавҳум маъволарга, тасаввурни нотаниш хилқатларга етаклаб кетадиган, кўнгилда фақат тусмол уйғотадиган, аниқ-тиниқ маънодан мосуво модерн асарларни ҳазм қилолмас эди. Мухитга, мустабид тузумга бўйсунмасдан, мустабид сиёсатни адолатли сиёсат деб, мустамлака ўлкани озод ўлка деб эътироф этмасдан бошқа иложи ҳам йўқ эди унинг. "Изм"ларга ҳам шу эътиқод талаби билан қарашга мажбур эди. Уни йўлдан урган, чалғитган ҳам шу эътиқод. У танқид асарлар "изм"лар билан у лойга қорган асарлар ва уларнинг муаллифлари ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик бўлмас-

да, у буларнинг ҳаммасини бир гўр деб билади, ҳаммасининг гўрига бараварига гишт қалайди. "Изм"лар ўчоғи Францияда, асосан Ғарбда бўлиб, "изм"чиларнинг мақсади, ҳали айтганимдай, мақсадсизлик, ғояси ғоясизлик эди. Асқад Мухторнинг қаҳрига учраган Борис Пастернак, Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский эса ўзлари яшаб турган ижтимоий тузум сиёсатини инсон эркини поймол қилувчи зўравон сиёсат деб, инсоннинг эркин яшаш ҳуқуқини дадил ҳимоя қилиб чиқаётган инсофли ва виждони уйғоқ ижодкорлар эди. Масалан, "Доктор Живаго"да шахсий ҳаёт билан ижтимоий тузум ўртасида аросатда қолган зиёли образи орқали "Инқилоб русларнинг энг катта хатосидир" деган тузум учун даҳшатли фикр илғари сурилади. Россияда эмас, Миланда чоп этилган "Доктор Живаго" Нобель мукофотига муносиб топилади. Аммо шўро ҳукумати Пастернакни тазйиққа олади, унга: "Ё Нобель, ё Россия!" деб шарт қўяди. Адиб Россияни танлайди ва мукофотдан воз кечади.

Асқад Мухтор эса истибдодни қош этувчи бу асарларни "хас-хашаклар" дея камситади, уларнинг муаллифларига "адабиёти-

миз бозорини булғатувчи югурдаклар” тамғасини босади. Нега?

Чунки бу асарларда совет воқелигига хос иппатлар фош этилган эди.

Чунки уларда мустабид тузумга ҳақиқат кўзи билан, инсоний кўз билан қаралган эди.

Чунки бу ижодкорлар ҳаётни коммунист-тик позициядан, партиявий нуқтаи назардан эмас, гуманизм ва адолат мезонидан туриб ҳаққоний тасвирлаган эди.

Ҳақиқатпарастлиги ва довюраклиги учун уларга “ҳамма нарсани рад қилувчи ни-гилистлар, ғоясиз экспериментаторлар, традициясиз новаторлар... совет ёзувчи-ларининг номини сотиб чет элга интервью берувчи шуҳратпарастлар, халқ адабиё-тига қарши бир гуруҳ “эрудитлар”нинг сохта адабиётини яратувчи ғайриинсоний “даҳолар” ёрлигини ёпиштириш, инсоф билан айтганда, инсофдан эмас эди. Қо-лаверса, бу асарларни ғоясиз, мақсадсиз, маслаксиз абстракт, сюрреалистик, умуман модерн (масалан, ўз оғзи билан “Мавзум – замонавий. Пушкинчасига сиқиқ ёзаман. Фактларни кўргошиндай қуйиб ташлай-ман... Биз Чеховдан айрилгач, насл санъа-тидан ҳам жудо бўлдик... Мақсадим уйлар, хоналар, кўчалар ва улардан ҳар тарафга тортилган ришталарни кўрсатишдир” деб турган Пастернакни ғоясизлик, маслак-сизлик ва ҳоказода қандай айблайсиз?) деб бўлмайди, аксинча, улар инсонпарварлик ғоялари билан теран сугорилган, фалсафа-си ҳам, бадиияти ҳам юксак реалистик асар-лар экани бугун барчага маълум.

Асқад Мухтор ўшанда бу “изм”ларнинг мақсади ва моҳиятини унча яхши англамай фикр юритган, шунинг учун ҳам дадил ижти-моий ғояларни ифода этган асарлар билан маза-матрасиз, моҳияти ғирт шаклбозликдан иборат бўлган модерн асарларни, журъатли, жасоратли шоир ва ёзувчилар билан мас-лаксиз ҳақиқий “изм”чиларни чалкаштириб юборган ва танқид тигини керакли томон-га қаратмаган десам, балки тўғри бўлар. “Тундаликлар”да буни ўзи ҳам тан олгандек бўлади: *“Илғари мен абстракт санъат-ни тушунмас ва ҳазм қилмас эдим. Инсон самога учиб, космос даври бошлангач, бу*

санъатга қизиқиб қолдим”, деб ёзади. Аммо маълум бўладикки, у умрининг сўнгги кунла-рида ҳам “Абстракт санъат Космос обра-зининг эстетик ибтидоси бўлсамикан?” деган тусломда экан.

Модерн адабиёт ҳақидаги тушунчаси ҳаминқадар бўлган ва бу адабиётни жон куйдириб танқид қилган ёзувчини *“модерн адабиётни мукаммаллаштиришга ҳисса қўшди”* дейиш, беозор қилиб айтганда, муболага эмасми? Кўпиртириш эмасми? Ўзбекмиз-да, бировни мақтамоқчи бўлсак, беҳад ийиб кетадиган одатимиз бор. Уни осо-монга чиқариб кўямиз. *“Ноёб истеъдодли, теран ақл-заковатли”,* дея жўшамиз. Ҳатто *“шўро тузумининг чириб бораётганини се-зар эди”, “риё ва ёлгонга, хушомад ва қуллик психологиясига қурилган сохта ҳаётни юрак-юрагидан рад этар эди”* дейишдан ҳам тоймаймиз, меҳримиз тушган инсонга унинг ўзида йўқ фазилатни, журъатни, жасорат-ни туфлаб ёпиштирамиз, нақд пайғамбарга айлантириб кўямиз. Бу билан гўё уни ҳимоя қиламиз, оқлаймиз, улуғлаймиз. Ҳолбуки, масалан, Асқад Мухтор қайта қуриш даврида ёзган “Аму” асарида ҳам *“шўро тузумининг чириб бораётгани”ни* сезмаган, аксинча, унинг Афғонистондаги “ғалабаси”ни қаламга олган эди. Истасак-истамасак, у ўз даври-нинг фарзанди бўлганини тан олишимиз керак. Коммунистик этиқодда бўлганини хаспўшламаслигимиз лозим. *“Ленин таъли-моти ва совет воқелиги шоир учун ҳамма вақт энг зарур дорилфундур”* деб бўл-ганини яширмаслигимиз даркор. Инсон ўз за-монасига қарши туриши, мустабид муҳитни ёриб чиқиши учун ниҳоятда иродали бўлиши ва деярли барча шахсий манфаатларини қурбон қила билиши керак. Бу эса унча-мун-ча одамнинг қўлидан келмайди. Давр шамо-лига бўйсунмасдан илож йўқ. Асқад Мухтор ҳам Ватан учун, халқ учун, адабиёт учун нимаики қилган бўлса, давр тақозоси билан қилган. Вақт, тарих ҳаммасини жой-жойига қўяди, эзгу хизматларни унутмайди. Ундан сохта қаҳрамон яшашнинг ҳождати йўқ. Кат-та шахсларни, улуғ сиймоларни эслаганда холисликка амал қилиш – фарз. Истеъдоди, улкан, эзгу хизматлари қатори хатоларини

хам, камчиликларини ҳам ёдга олиш жоиз. Зеро, ёдномга келгуси авлод учун ёзилади. Токи келажак авлод унинг эзгу ишларидан ибрат олсин, хато ва камчиликларидан тегилши хулоса чиқарсин, уни тақорламасин, токи замонасозлик қилиш келажакда ҳар қандай истеъдодли ижодкорнинг умр бўйи чеккан заҳмати, тортган машаққати, топган обрўсини йўққа чиқариши мумкинлигини англаб етсин. Миллий феъл-атвор, миллий ахлоқ, миллий рух, эзгулик, адолат ва ҳақиқат, инсонийлик хислатлари улуғланган асаргина қадрини йўқотмай, узоқ вақт яша-шини, бирор бир мафкура тегирмонига сув куйган асарнинг эса умри қисқа бўлишини билсин.

"Изм"ларга келсак, улар ҳақиқатан ҳам хавфли эди, ҳозир ҳам шундай. Нафақат миллий адабиётимиз ва санъатимиз учун, балки умуман миллий маданиятимиз, мил-лий тафаккуримиз, маънавиятимиз, мил-

зи сюрреалист рассом ва шоирлар (маса-лан, Атилла Йозеф) комфирқа аъзолигига ўтгани ҳам бор гап. Сюрреализм асосчила-ридан бири Луи Арагон эса коммунизмнинг ашаддий куйчиси сифатида ном чиқарган, шўро ҳукуматининг эркатойларидан бўлган. Хуллас, бу оқимларнинг вакиллари маълум даражада коммунистик ғоялардан баҳра олгани, коммунистик эътиқодга хизмат қилгани бор гап.

Дарвоқе, Асқад Мухтор тилга олган бу "изм"ларнинг ўзи нима? Баъзиларини қис-қача изоҳлаш жоиз кўринади.

Масалан, Асқад Мухтор "тушунмаган" ва "ҳазм қилмаган" абстракционизмни олайлик. Мавҳумликка асосланган, предметсиз санъ-ат. У зоҳирий реал борлиқни тасвирламай-ди. Реализмни мутлақо инкор этади, лекин санъат доирасидан чиқмайди. Унинг, Асқад Мухтор тахмин қилганидек, космосга, космос образига ҳеч қандай алоқаси йўқ. У бор-йўғи

Катта шахсларни, улуг сиймоларни эслаганда ҳолисликка амал қилиш – фарз. Истеъдоди, улкан, эзгу хизматлари қатори хатоларини ҳам, кам-чиликларини ҳам ёдга олиш жоиз.

лиятимиз ва зеҳниятимиз, хуллас, ўзлиги-миз учун ҳам. Асқад Мухтор ҳақиқ танқид қилган. Аммо, афсуски, у бу "изм"лар ва "изм"чиларни бизнинг миллий онгимизга, миллий тафаккуримизга тажовуз қилувчи ғайримиллий куч сифатида эмас, балки ком-мунистик мафкурага қарши тургани, унга хизмат қилмагани учун қоралаб хато қилган. Ҳолбуки, бу "изм"лар айнан коммунистик мафкурага хизмат қилганига тарих гувоҳ. Жаҳон адабиёти ва санъати тарихини, бу-гунги кунини беш қўлда билган ўқимишли, зиёли Асқад Мухтор уларнинг аксарияти коммунистик ғоя билан сугорилганидан бе-хабар бўлиши мумкин эмас. Кубизм ҳам, сюрреализм ҳам, модернизм ҳам бадий оқим сифатида моҳият эътибори билан байналмилал эди. Сюрреализм назариёт-чиси Андре Бретон сўлчилар ҳаракатида иштирок этгани, ҳатто Троцкий билан ҳамкорликда инқилобда санъатнинг роли тўғрисида мақола ҳам ёзгани сир эмас. Баъ-

реал борлиқни мавҳум шаклларда ифода этади, холос. Абстракционизм санъат тари-ҳида инқилобий йўналиш ҳисобланади. Ўз вақтида Афлотун "Филеб" асарида табиий, дунёвий нарсаларга ўхшамаган яссиликлар ва кенгликларнинг ҳандасавий чизиклари "қинғир-қийшиқ" табиий шакллардан фарқли ўлароқ мутлақ характерга эга ва гўзалдир, деб ёзган, гўё абстракционизмнинг келаж-гини башорат қилган эди. Бироқ абстрак-ционизм узоқ яшамади, ўтган асрнинг олт-мишинчи йилларига келиб ўрнини бошқа йўналишларга бўшатиб берди. У адабиётдан кўра тасвирий санъатда кўпроқ из қолдирди.

Экспрессионизм тилимизда ифодавийлик деган маънони билдиради. Биринчи жаҳон уруши арафасида Германияда пайдо бўлган замонавий санъат йўналиши. Мақсоди – йўлдан озган, мажруҳ дунёга қарши шахсий эътирозни намоён қилиш, таркидунёчилик-ни, бошпанасизлик, паноҳсизлик, танҳолик туйғуларини ифода этиш, ҳалокатга юз ту-

таётган Оврупо маданияти фожиасини тасвирлаш. Мистикага, тушкунликка мойил. Борлиқни ўзгача изоҳлашга интилади, нарсаларни ўзгартиришга, охиразмоннинг ўзига хос фожиасини очишга уринади.

Кубизмни америкалик санъатшунос Ж.Холдинг "Ўйғониш давридан буён энг мукаммал ва радикал бадиий инқилобдир" деб таърифлайди. Бу оқимнинг номи тўғрисида ривоят ҳам бор. Эмишки, Жорж Бракнинг "Эстақдаги уйлар" расмини кўрган Матисс, булар менга уйдан кўра кўпроқ кубикларни эслатапти, деб ҳазиллашади. Худди ўша йили танқидчи Луи Воксель Жорж Брак ижоди тўғрисида мақола ёзиб, унинг расмлари кубикларга ўхшайди, дейди. Шу тариқа Матисснинг ҳазили янги мактаб номига айланиб кетган эмиш.

Кубизм тасвирий санъатда нарсаларни ҳандасавий шаклларда нафис ҳаракатлантириб тасвирлашга асосланган оқим. Кубизмда кенглиklar, опислиklar (перспектива) тасвирланмайди. Аксинча, бир нарса ҳар тарафдан тасвирланади. Модерн санъатлар орасида кубизм мешчанлар ғазабини энг кўп кўзгаган оқим ҳисобланади.

Шоир ва публицист Гийом Аполлинер кубизм етакчиларидандир. Унинг энг машҳур вакиллари – Пабло Пикассо, Жорж Брак...

Демак, кўрамизки, Асқад Мухторни даргазаб қилган кубизм, экспрессионизм, абстракционизм асосан тасвирий санъатга тегишли "изм"лар бўлиб чиқапти. Уларнинг адабиётга, хусусан, ўтган асрнинг олтинчи йилларидаги ўзбек адабиёти, нафақат ўзбек адабиётига, Асқад Мухтор "хас-хашаклар" деб балчиққа белаган "Доктор Живаго"га ҳам, "Бабиий яр"га ҳам, "Треугольная груша"га ҳам ҳеч қандай дахли йўқ экан. Чунки булар реалистик, дунёвий асарлар бўлса, улар мавҳум, хаёлий, рамзий, тутуруқсиз асарлардир...

Шу гаплардан кейин ҳам Асқад Мухторни модерн шоир ёки ёзувчи дейиш мумкинми? Қолаверса, шеър ҳақида унинг аниқ-тиниқ ўз фикри бор: "Шеър ёзиш ҳамма вақт сиёсий масала бўлиб келган... Шеър ёзиш бутун халқ билан муҳим муаммолар юзасидан бақамти, юракдан гаплашиш деган

сўз, халқ билан гаплашиш учун эса мен унга муносиб бўлишим керак, унинг даражасида бўлишим керак, унинг ўйларидан, қажрамонона ишларидан огоҳ бўлишим керак... унинг дилидагини, ўйларини билмаган шоир ертўлада ўсган картошка поясидай қонсиз, заиф, дардчил бўлади", деб ёзади у. Яъни, демоқچики, шоир ўқувчига керакли гапни айтсин. Ўқувчи шеърдан ўзига фойдали бирор фикрни, бирор туйғунни, ҳеч бўлма-са, бирор кайфиятни топсин. Сюрреалистик ёки модерн шеър ўқувчига нима беради? Одам ўзи тушунмаган нарсадан қандай завқ олади? Бемаъни нарсадан нима маъни топади? Унингча, бундай шоирларнинг айтадиган тайинли гапи, изҳор этадиган дарди йўқ. Шунинг учун аравани куруқ олиб қочади. Олиф-тагарчилик қилади. Ўйин қилади. Шеърни атай мураккаблаштиради. "Ёшларимизда замон ва замондошларимиз мураккаб деб услубни ҳам мураккаблаштиришга уриниш бор, – дея ёзгиради у ўша китобида. – Ёшларимиз... шеър ёзишнинг масъул сиёсий иш эканлигини билмаганликлари учун... шеърларимизда майдалашув бор. Ижтимоий масалалардан қочиш бор."

Хуллас, Асқад Мухтор шеърнинг сиёсий ишлигини қайта-қайта уқтиради. Бундай ўйлаб қаралса, шеърни сиёсийлаштириш уни давлатлаштириш дегани, яъни давлат мулкига айлантириш демакдир. Адабиётни давлат мулкига айлантириш эса мустабидликдан бошқа нарса эмас. Наҳотки, Асқад Мухтор мустабидлиқни ёқлаган бўлса? Йўғ-э! Яна ким билади дейсиз. Ахир унинг онги ленинча таълимот билан сўғорилганда. Ленинча таълимот эса "Адабиёт партиявийдир" деб уқтиради. Лекин у кезлар Асқад Мухтор худди шу дохийининг ўзи, рассом Юрий Анненковнинг ёзишича, у билан шахсий суҳбатда "Санъат мен учун ... ҳалиги... интеллектуал кўричакка ўхшаган нарса, унинг биз учун зарур бўлган ташвиқий-тарғибий роли ўйнаб бўлингач, биз уни "ғирч, ғирч" қилиб қирқиб ташлаймиз. Кераксизлиги учун..." деганини қаёқдан ҳам билсин?! Дарвоқе, ҳали у вақтда бутун дунё йўқсиллари дохийсининг асл башараси очилмаган эди-я...

Yog'ar edi yomg'ir shig'alab...

Умринг ўтган сари, айниқса, ёшинг бир жойга борганда, кўпинча кечалари ўтган-кетганларни — қариндош-уруғлар, устоз-шогирдлар, дўст-биродарлар, хуллас, узоқ-яқин кишиларинг кўз ўнгингда гавдаланиб, хотиралар жойланаверар, уйқунг қочаверар экан. Ахйри хотираларни ёзишим кераклигини, ёзмасам бўлмаслигини тушуниб етдим. Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миркарим Осим, Миртемир сингари улуг сиймоларимиз, олдинма-кетин яшаб ўтган Ўлмас Умарбеков, Рауф Парфи, Шукур Холмирзаев, Машраб Бобоев каби авлодни уйғотишга ҳисса қўшган адибларимиз, адабиёт, илм, санъатнинг бошқа аҳллари ҳақида аралаш-қуралаш битиклар ёза бошладим. Аста-секин уларни бир тизимга солдим. Энди хотираларимни ўқувчилар билан ўртоқлашиш мумкиндай туюлди ва улардан бирини ҳукмингизга ҳавола этаётirman.



“Болалик олами”

Ажаб, қачон, қасрда, ким таништирди мени рассом Шухрат Абдурашидов билан – ҳеч эслолмайман. Бунга ҳар қанча уринмай, бари беҳуда. Ёшларнинг “Илҳом” клубида илк кўргазмаси бўлган эди, дастлаб ўша ерда кўришдикмикан десам, ҳаёлимда уни бундан олдинроқ ҳам билгандек бўлавераман.

Сўнгга ўз-ўзимга савол бердим: бунинг нима аҳамияти бор? Нега эслашга тиришаман? Нега? Сабаби – у менинг ҳаётимга бир умрлик воқеа бўлиб кириб қолган эди. Энди усиз менга оламнинг энг азиз бир нарсаси етишмаётгандек туюлаверади. У шунчалар бевакът кетган-у, мен ҳамон яшаб юрганга ўхшайман. У бор-йўғи йитирма тўққиз йил умр кўрди-да. Мендан ўн тўрт ёш кичик эди, нега шум ажал уни бенавбат, бемаврид олиб кетди? Ҳар гал уни ёдга олганимда, кўзларимдан нам юлдузлар тўкилиб-тўкилиб кетади.

Ҳолбуки, янги танишган кезларимиз бир-биримизни хушламаганга ўхшардик. Бир-икки ўтиришда у мени қалақа қилаётгандек туюлар эди, нима десам, нукул эътироз билдирарди.

Эмишки, у бешинчи-олтинчи синфларда ўқиган чоғлари шеър ёзаркан. Мен “Ғунча” журналида ишларканман. У таҳририятга кўп қатнабди. Мен ҳар гал “Машкларингизда шеърга хос нимадир етишмайди”, дер эканман. Охири шеърдан кўнгли совибди, шоирлик ҳавасидан кечиб, рассомлик ўқишига кириб кетибди.

Шухрат бу гапни бир эмас, икки-уч марта такрорлади. Аввал гапига ишонгим келмади. Аммо кейин ўйлай-ўйлай тасаввуримда таҳририятга келиб-келиб юргувчи тўлагина, индамас бола сиймосини тикладим. Эсладим, тўғри! У келарди “Ғунча”га! Мен адабий ходим – шеърят саҳифаларига масъул эдим. Машкларини ҳам тахминан хотирладим. Чиндан ҳам шеър техникаси жиҳатидан бенуксон эди. Лекин айтадиган гапи йўқ эди хали. Балки бўлгандир, деб гумонсирайман гоҳида. Йўқ, агар биронта янги гапи бўлса, албатта ёдимда қоларди,

дейман. Ўшанда у ўзигача айтилган фикр, топилган шакллари такрорлар, ўзбек болалар шеъриятидаги қолиплардан қутулолмас, сатрларида биронта ёрқин тасвир ёки ташбеҳ учрамас эди. У ўзини ҳам, шеърини ҳам ҳимоя қилмас, гапларимга эътироз билдирмас, индамай чикиб кетаверарди. Мен эса ўз муносабатини билдирмай, “Суккут – розилик аломати” қабилида иш тутувчи ижодкорларни хушламас эдим. Балки Шухрат борасида адашгандирман? Орадан кўп йиллар ўтиб, у бир куни харқалай, чин дилданми ёки кўнгил учунми, “Миразиз ака, сиз ҳақ эдингиз. Мен ўз йўлим, ўз жанримни топмаган эдим у маҳаллар”, деб қолди. Ва болаликдаги эски машкларини кўрсатди. Уларни ўқиб чиққач, ўн йиллар бурунги фикримдан уялмадим. Бироқ “Илҳом” клубида Шухратнинг расмлар кўргазмасини томоша қилиб, унинг қалбини алангалатган, ижодга ундаган эҳтиросни сувратларидан топдим. У болалар кўзида қолган оламни, ёшликнинг энг гўзал, боқира лаҳзаларини, шунингдек, ҳаётнинг ўйдим-чуқури, керик-кемтигини тасвирлар ва буни бутун инсониятга кўрсатгиси келар эди.

“Болаликдан кейинги биринчи кун” картинасида ҳаёт тақозоси билан тўсатдан улғайиб қолган бола сиймосини шоирона тўлқин билан, ўртаниб ифодалаган эди. Бола нечук бирдан улғайиб қолганининг аҳамияти йўқ. Улғайган, вассалом. Болалик тугаган. Асарни томоша қилаётган киши хийла вақт унинг олдиндан кетолмайди. Унинг ўзгача сەҳри бор эди. Ҳаяжон, фикр уйғотадиган асар. Кишида бефарқлиқни ўлдирувчи, болага алоҳида меҳр ва диққат билан, жуда эҳтиёткор ёндашишни ўргатувчи, унга бу ёшда (12-13 ёш) дағал муомала қилиб бўлмаслигидан сабоқ берувчи расм эди.

Кўргазмадаги болалар ва ўсмирлар ҳаётига оид қартиналар, болалар адабиётига дахлдор одам бўлганимданми, менга каттиқ таъсир қилди, мўйқалам устасига эҳтиромим ошди.



**“Мака-
табга”** асари
марказида
портфель
оркалаган
ўспирин бола
билан ўсмир
қиз тасвири-
ни кўрасиз.
Уларнинг
10-синф
ўқувчилари

эканини пайкаш кийин эмас. Табиат ман-
зарасидан найсон пайтлари экани англа-
шилади. Бола билан қиз ўртасида дўстлик,
эҳтимол, илк севги туғилгани ва бу яқинлик
тақдир хали номаълумлиги, вақт эса шид-
дат билан илгариласган ёшлар қалбига
безовталиқ солаётганини уқиш мумкин.
Улар кўнглидаги ана шу ҳиссиётлар кўзла-
ридаги паришон ўй тасвири оркали берил-
ган. Балки бу ўй номаълум ва мавҳум ке-
лажак қаршисидаги ҳадикдандир: ўқишлар
тугаб, мактаб тамомланса, бу ёғи нима
бўлади? Тарқалиб кетишадими? Ўқишга
бирга-бирга киришармикан? Шу она қиш-
лок, шу кадрдон йўл, шу азиз мактаб, гоҳ
қувлашмачок ўйини, гоҳ аразу ярашиш-
ларга ўз бағридан ўрин берган, уларни
улғайтирган шу мўътабар маскан ва, энг
муҳими, хали ҳеч ким пайкамаган ардоқли
туйғу – буларнинг ҳаммаси нима бўлади?
Эҳ, кунлар нега мунча тез ўтмаса?! Бола
олдинга боккан. Аммо қаршисидаги уфкни
кўрмастир – чунки ҳаёл оғушида. Қиз ёнга
қараган. У ҳам ҳаёлчан. Хуллас, қишлоқ
мактабидан учирма бўлаётган ёшлар олами
сизни ўзига ошно этади. Мактаб, оила, дўст-
лик, ҳаёт, ватан туйғуларини китиклайди.

Умуман олганда, Шухрат Абдурашидов
ижодида болалар мавзуси тор микёсда эмас,
кичиклар ва катталар муносабати тарзида –
кенг қўламда қаламга олинади. Мана, жум-
ладан, **“Субҳидам”** картинасини мушоҳада
қилиб, “ўқиб” кўрайлик. Унда мактабга ке-

таётган бола ортидан остонада жим қараб
қолган ота-она тасвирланган. Келажақдан
умидвор ота-она. Уларнинг умиди – сиз-
нинг, бизнинг умидимиз. Бу – халқнинг,
миллатнинг ҳам умиди. Шу ота-онага
қўшилиб, бола саноат-омон улғайишини
тилайсиз беихтиёр.


Шухрат Абдурашидов халқ турмушини
оддий, камтар воситалар билан акс эттирар
эди. Хусусан, унинг **“Уйку”** картинасидаги
реалистик-ҳаётий деталлар ҳофизамда қат-
тик ўрнашиб қолган. Ёзги тахта сўри узра
беланчақда ухлаётган чақалок. Сўрининг
факат бир бурчаги: устундаги қозикка ота
қўйлаги ва сочик осилган; пастга палос би-
дан кўрпача тўшалган; палоснинг миллий
нақшларию кўрпачадаги ўйинчоклар – со-
пол хўтик ва копток; сўридан ташқарида
остидан арик ўтган сўриток, хув нарироқда
супа ва унга ёндош тандир – буларнинг бар-
часи юракка аллақандай яқин ва кадрдон.

Шунга ўхшаш халқ турмуши манзараси-
ни **“Рухимдаги доимий байрам”** карти-
насида ҳам кўрамыз. Аммо муаллиф туй-
ғулари бу асарда янада кучлироқ жўш уриб
туради. Энди қаршимизда ўша сўри бус-бу-
тунича намоён бўлади. Сўри тўрида оила
бошлиғи – ота, унинг ёнида она, қуйида
эса ёнбошида бешиги билан келин ўтириб-
ди. Сўрининг тўрт томонига палак осилган.
Кўхна ўзбек палаги. Ён томонда бир текисда
кўрпа-тўшаклар тахлоглик. Сўри остида
донлаб юрган товуклар. Ҳовлидаги ашёлар,
жумладан, деворга суяб қўйилган замбил,
юкоридаги уй билан унинг томидаги бостир-
ма, қалин пичан устида, бошини кўлларига
қўйиб, осмонга термилиб ётган бола, ундан
ҳам нарида олди айвонли уй. Айвондаги
дорга ювилган кийимлар осиглик – қисқаси,
меҳнаткаш бир хонадон, ўз нонини ҳалол
топиб ейдиган, ҳаётини ҳарқалай чироили
ўтказишга тиришувчи оила турмуши кўз ўн-
гимизда гавдаланади. Чордана қуриб ўтир-
ган, пайдор биқаларини чалиштирган ўк-
там ота бошлиқ оила томошабинда нафакат

хурмат, меҳр ҳам уйғотади. Сиз ҳам шу меҳнаткаш халқ вақилисиз. Демак, мусаввир рухиятидаги байрам сизга ҳам юқади.

Рассомнинг “Мангулик афсонаси” картинасида фикр сал кўтаринки оҳангда ифодаланган. Унда кадрдон кишисини сўнгги манзилга элтиш маросими акс этган. Елкаларда бораётган тобут атрофида тўн кийиб, бел боғлаган чуст дўппили мотамсаро жигарлар, орқада эса ўз инсонлик бурчини адо этаётган тобуткашлар дувури. Шу воқеанинг ўзиёқ киши туйғуларини ғуборлардан поклайди. Бундай мавзуда кўпчилик ижодкорлар сентименталликка йўл қўяди. Шухратда эса аксинча. Ортиқча йиғи-сиғига ўрин берилмаган. Картина томошабинда эркак кишига хос улугвор бир мотам ҳамда кўп ишлар қилиши мумкин бўлган-у, аммо улгурмаган инсон амалларини давом эттириш қайфиятини уйғотади. Узоқдан кўриниб турган тоғ бағридаги кимсасиз қабристон эса ҳаёт ва ўлим хусусида фикрлашга ундайди. Мен Шухратнинг ҳаётида чиндан-да эсдан чиқмайдиган ва ёш қалбини доғда қолдирган бирор воқеа бўлгандир, деб ўйлаб, ундан “Бу асар бирор ҳаётий воқеа муносабати билан яралганми?” деб сўраган эдим, “Ҳа, бу асарда Абдулхамид исмли акамнинг вафотидан кейин юрагимда қолган йўқотиш алами бор”, дея жавоб қилди у. Мен яна асар нима учун “Мангулик афсонаси” деб номланганига қизиққанамда, “Олдин “Мангулик йўли” деб атаган эдим. Аммо кейин “йўл”ни “афсона”га алмаштирдим. “Мангулик йўли” деганда, ҳамма ҳам ўлади, шунинг ўзи – мангулик, деган маъно кўринди. “Мангулик афсонаси” деганда эса, ўлим – бу мангулик эмас, ўлим – йўқотиш! Киши шу ўтқинчи ҳаётда чиндан мангуликка эришмоғи керак, мангулик афсона бўлиб қолмаслиги лозим, деган фикр ҳаёлимга келди”, деди.

Умуман, Шухрат ижодида ҳаётийлик, ҳаққонийлик жуда муҳим ўрин тутди.



“Бўсагада”

“Чойхонада” расми қаршисида етганимизда эса, ҳазин бир қайфиятда чой ичиб ўтирган, мусичадай беозор чол қиёфасига дуч келамиз. Қариянинг яхши-ёмон одамлар орасида баҳолиқудрат покиза умр кечирганини англаймиз. Буни унинг манглайидаги қават-қават тиришлари, ўтириш тарзидаги мулойимлик, мўлтиллаган маънодор қўзлари айтиб турибди. У ўтган умрию кундан-кун яқинлашиб келаётган сўнгги манзил ҳақида таъсирчан бир хотиржамлик билан ўй сураётганини кўриб, қалбимизда унга раҳм-шафкат, мурувват, меҳр туямиз.

Бу картиналардан Шухрат Абдурашидов ижоди ҳақида тугал тасаввур ҳосил қилдик, деб бўлмайди, албатта.

Шухратнинг бир қатор полотноларида ҳаёт ҳақида фалсафий мушоҳадани, халқ кечинмалари манзарасини, даврнинг

бетакрор онларини, эл фарзандларининг тўлақонли, баъзан гўзал, баъзан оғир, лекин ростакан ҳаёти тасвирини кўрамиз. Шухрат Абдурашидов ижодини англаш учун рассом дунёкараши қаерда ва не йўсинда шаклланганини билиш керак, деб ўйлайман.

Бўлажак рассом 1950 йили кўшни Қирғизистонда – Ўш вилоятининг Аравон туманидаги Тепакўрғон кишлоғида туғилди. Тепакўрғон тоғёнбағридаги хушманзара кишлоқ бўлиб, одамлари чорвадорлик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Шухратлар оиласи серфарзанд хонадон эди. Унинг Шавкат деган укаси, Январхон, Зиёдахон, Замирахон, Зарифахон исмли тўрт синглиси бор. Шухратнинг болалиги боғ кўчаларда ёнғок ўйнаб, кўй-кўзи, сигирбузоқ бокиб ўтди. У пичан йиғар – ёз кунлари баъзан баланд ғарам устида ухлаб колар эди. Осмондан гўё юлдузлар ёғилаётганга ўхшар, шунда юлдузларни ушлаб кўргиси келарди. Кейинчалик у Москвадаги Суриков номли Рассомлик институтида ўқиб юрган кезлари ана шу даврларни кўмсаб, эслаб кўярди. “Болалик хотиралари” (1976) картинаси ўша соғинчлар маҳсули бўлди. Шухратнинг отаси Абдурашид ака Саломов (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи) мактабда тил-адабиётдан дарс берар, ўғлининг ҳаётни, борлиқни ўрганишини диққат билан кузатар, дарахтлар, гуллар, ариқлар, китоблар хақида соатлаб гапирар эди. Шухрат доим гоҳ у-гоҳ бу муносабат билан отаси хақида хикоя қилишни яхши кўрар эди.

Отаси дастлаб китобдаги расмларни кўчиришни ўргатган экан. Бу борада бироз кўли келиши билан табиатга қараб (натурадан) расм ишлашни маслаҳат берибди. Қайсидир дафъа ўнларча расмидан бир нечтасини мактабда ва кўпроқ машқ қил, дебди. Шухрат шундай машқ қилиб юрган кезлари ўша вақтдаги болалар газеталари

– “Ленин учкуни” ва “Пионер Востока”да расмлар танлови эълон қилинибди. Ота-бола бир нечта расмни танлаб, тахририятга жўнатган экан, биттаси босилиб чиқибди...

Бир куни Шухрат отаси билан ариқ ёқалаб меҳмонга кетаётган эди. Атроф жимжит. Факат сувнинг шўлп-шўлп этиб оқиши, жонсарақ чивин тўдасининг визиллашигина эшитилар эди. Куёшда яйраб кетган чигирткаларнинг чириллаши Шухратнинг эътиборини тортади. Отаси бир чигирткани тутиб, Шухратга кўрсатади-да:

– Кўзларини қара, кўзларини! Худди кўзойнақ тақиб олгандек, а? Мана бу сакронгич оёқлари тиконли ўтларнинг чўпидай, – дейди.

Бироздан кейин эса Шухратнинг эътиборини дарахтларга қаратади:

– Анави япроқларнинг аста-аста силкинishiни кўр, қуёш нурида йилтирашини қара!

– Анави қоратол роса азамат эканми? Сояси хов баланд шийпондан ҳам ўтиб кетипти!

– Манави мажнунтол худди сочларини ариқда юваётганга ўхшайди.

Хуллас, бора-боргунча неки учраса, ўғлига таърифлаб, тавсифлаб борибди.

Шухратда табиатни поэтик идрок этиш туйғусини отаси атайлаб, қунт-хафсала билан шундай улғайтирган бўлса не ажаб?!

Ўша куни меҳмонга борган жойларида амакиваччаларидан бири ҳарбий хизматга кетаётган экан. Йигитлар машинага чиқканда, остонада тўпланган хотин-халаж, амма-холалар маъюс тортган, баъзилари рўмолча силкиб, баъзилари кўзёш тўкиб чувиллар эди. Йигитлар эса юк машинаси устида бири кузов бортини тутганча қийқарар, бири қизларга қараб ҳалеб қўл силқир, ўзида йўқ хурсанд кетиб борарди. Шухратнинг ҳам улар билан кетгиси келарди. Аммо аёлларнинг хомушлиги, ҳазинлиги уни ўйлантирарди.


– Дада, хотинлар нега йиғлаяпти? Ботир акам қайтиб келади-ку... хизматини ўтаб?!

— Она кўнгли — болада, бола кўнгли — далада! Ботир аканг кўрмаган жойларини кўражагидан хурсанд. Буларнинг эса уруш давридаги жудоликлар юрагини олиб қўйган. Ботир акангга ўхшаган қанча-қанча йигитлар урушга кетиб қайтиб келмаган. Ёшлиқда одам айрилиқ нималигини дуруст англамайди. Катталарга кийин: бола ўстириб, катта қилиб, бир кун тўсатдан йўқотиб қўйиш, яна қайтиб келиб қолармикан, дея илҳак кутиб ўтириш оғир. Тандирдан нон узилганда ҳам, дастурхонга таом тортилганда ҳам ҳар куни ёнма-ён ўтирадиган одамнинг бу ерда йўқлиги ота-она, айниқса, она кўнглини чўктираверади. Ўзинг ота бўлганда биласан буни, ўғлим.

Йигитларни қузатиш манзараси унинг хотирасига муҳрланиб қолди...

Кейинчалик Москвада ўқиб юрганида отасининг гапларини эслаб, хотирасида муҳрланиб қолган ўша манзараларни жонлантириб, 1941 йил йигитларни урушга жўнатиш мавзундаги **“Кузатув”** картинасини яратди. Устозлари ҳам, курсдошлари ҳам, ётоқхонада бирга турадиган дўстлари ҳам унинг бу асарини юксак баҳолади. Йигитлик бурчини адо этгани кетаётган ёшлар юк машинасига чиқиб олиб, такдири нима кечишини хаёлига ҳам келтирмай, қах-қах уриб бир-бирига суянганича, қўл қўтариб хайрлашар, уларнинг қай бири қайтишию қай бири қайтмаслигини ичидан, гира-шира хис қилаётган кузатувчилар ҳолати юксак маҳорат билан тасвирланган эди. Машина орқасидан қараб қолаётган оналар, холалар, оталар, боболар, бир кизнинг (севимли қўшни қиз, албатта!) рўмолчасини маънос-маънос силкиётгани — буларнинг ҳаммаси томошабинда ажиб сеҳрли ҳузун уйғотади. Шуҳратнинг дўстлари, унинг ҳаётни яхши билишини кўрсатувчи бадий деталлари ва асар руҳидаги “юкумли”, айни чоқда, улуғвор бир ҳавотирли ҳиссиёт ҳақида кўп гапиришган эди.

Шуҳрат Москванинг кўп қаватли уйлари қуршовидаги ётоқхонада яшаркан, ўз уйи,



“Буви ва набира”

қишлоғи, тоғёнбағридаги қинғир-қийшиқ, аммо файзли кўчаларни, ариқлар, кўприкларни соғинаётганини ўзи ҳам англамасди. Шу англашилмаган соғинч ва қишлоқ хотиралари **“Ишдан қайтиш”** картинаси яратилиши билан яқунланди. 1973 йили мойбўёқда ишланган бу расм ҳам факультетда қувонч ва мактов билан қарши олинди ва “Художник” журналида босилиб чиқди. Кичкина бир полотнода бутун қишлоқ ҳақида дилкаш таассурот уйғота олиш, томошабинда ўша ерларни бир кўриш истагини туғдира билиш, у гўшаларнинг меҳнаткаш кизлари сиймосиyo жайдари иморатлари шакл-шамойилини матога аниқ-тиниқ кўчириш ҳамма рассомнинг қўлидан келавермайди. Шуҳрат учун эса бу интилиш ҳаёт мазмуни эди. Халққа ва юртга муҳаббат туйғусини ҳам, отаси каби устозлари унга қайта-қайта уқтириб, вояга етказган эди.

Шухрат тасвирий санъат билим юртидаги устози – Александр Петрович Перовни майин табассум билан ёдга оларди.

– Бизга халқ ҳаётининг куйчилари керак, халқ туйғуларини ифодаловчи рассомларга муҳтожмиз, – дер экан у ҳар бир машғулотида.

Шухрат институтда сабоқ олиб юрган кезлари Корней Чуковскийнинг “Левитан” сарлавҳали эссе-портретини ўқийди, ундаги бир эпизод қаттиқ таъсир қилади... Рус рассоми Саврасовнинг бувиси унга ўлими олдида Сергей Родонежский ишлаган бутни ҳаёда этиб, “Болам, мана шундай расм солишни ўргангин, осмон ва ер гўзаллигидан одам руҳи тўлқинланади, беихтиёр йиғлаб юборади”, деган экан. Саврасовнинг ўзи эса Исаак Левитанга таълим бериб, “Мен Петергоф ва Ориенбаум манзараларини шунчалик кўп ишлаганманки, санаб адоғига етиб бўлмайди. Биз, ожиз-нотавонлар қаср ва гулбоғлар қаршисида хурмат ила бош эгибмиз-у, аммо шудрингли далаларимиз, кийшайган қумбаларимиз, ўрмон ораликларида бошимизга тегай деб турган осмонимизни кўрмабмиз. Мана, француз рассоми Коро кузги тумандан, кулранг осмондан, овлоқ сувлардан гўзаллик топибди-ку! Биз эса товук каби шабкўр эканмиз”, дер экан.

Шухрат эссе мутлоасидан сўнг Коми́л Коро (1796–1815) альбомларини кидириб топади, уларни диққат билан ўрганади. Чиндан ҳам Коронинг мукамал композицияли тарихий пейзажлари, кўтаринки руҳдаги лирик манзаралари деталларга бойлиги, қумушсимон-кулранг жилолари ғоят нозиклиги, ашёлар устини камраган туман пардаси майинлиги билан хайратга солган эди. Шунда Шухрат илк домласининг фикри нақадар тўғри бўлганини яна бир бор ҳаёлидан ўтказди. Талабалик йилларида у Левитанни, унга маслакдош бошқа рассомлар ижодини ҳам синчиклаб ўрганади. Виктор Попков, Николай Еришов, Нико Пиросманишвили асарларидан қаттиқ таъсирлана-

ди. Дарвоқе, кейинги уч рассомни қисқача таништириб кетсак, ортиқча бўлмас.

Виктор Попков (1932–74) рус рассоми ва графиги. Картиналари қучли эмоционал ва ниҳоятда жиддий бўлиб, инсонларнинг маънавий идеалларини акс эттирар эди. Айниқса, унинг “Ҳаёт ҳақида ўйлар” туркумидаги асарлари халқ ва олий идоралар эътирофига сазовор бўлган.

Николай Еришовнинг (1936–2004) болалиги Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. Кейинчалик кўп асарларида уруш давридаги болалик манзараларини акс эттирган. 1962 йили Москва Тасвирий санъат институтини тугатиб, хотини ва ўғли билан Оренбурга кўчади. У ернинг тарихи, бугунги ҳаётини ажойиб асарларида жонлантирди. Оддий кишлоқ кишиларининг ҳаётини тасвирлаш унинг сеvimли мавзуси эди.

Нико Пиросманишвили (Пиросмани) (1862–1918) – гуржи мусаввири бўлиб, ибтидоий, қадимий услубларда ишлаган, махсус тахсил кўрмаган, рассомликни ўз-ўзича ўрганган ижодкор эди. Асарлари самимияти, дунёни ибтидоий-шоирона назар билан кўриши-ла ажралиб турар, тантанали-улуғвор руҳга эгаллиги, пухта композицияси, бой миллий колорити билан қатта шухрат қозонган эди (Масалан, “Киттай-киттай тортиб ўтириш”, “Махалла қоровули” картиналари). Пиросманишвили қахрамонларининг миллий энгилбош, юриш-туришидаги ўзига хосликлари, миллий ашёларнинг нозик тафсилотлари Шухратнинг завқини келтирарди.

Шухратнинг биринчи кўргазмасидан кейин бўлиб ўтган бир суҳбат ёдимда қолган:

– Баъзи асарларингизда Флоренцияни кўргандай бўлдим, Флоренция рассомларидан таъсирланганмисиз? – деб сўради санъатшунос олимлардан бири.

– Йўқ, йўқ... Албатта, Флоренция рассомлари ижодини ўрганганман, лекин улардан таъсирланган эмасман. Мен асарларимда қатъат Ўзбекистонни, айниқса, ўзим туғилиб

ўсган ерларни тасвирлайман. Мен таъсирланган бўлсам, факат Пиросманишвилидан таъсирланганман, – деган эди мусаввир.

Мендан “Миразиз ака, сиз кўргазмам ҳақида бирон нарса демайсизми?” деб сўради. Шунда мен “Ҳозиргача ўзим кўрган ўзбек рассомлари кўргазмалари ичида энг яхшиси сизники бўлди”, дедим.

– Камчиликларим ҳам бордир? – деди у яна.

– Камчиликми ё бошқа нарсам, билмадим. Лекин менга “Шоир ва рассом” деган картинагизда патетика меъёрдан ортиқроқдек, туйғу бўртиб кетиб, рассом билан шоир ички олами кўринмай қолгандек туюлди. Ижодингизнинг дастлабки босқичидаги баъзи портретлар ҳам шундай. “Биринчи қор” картинагиз жуда ажойиб, лекин ундаги одамнинг юз ифодаси статик, яъни турғундек кўринди.

– Бизга монументал тасвирий санъатдан сабоқ берган устозимиз Клавдия Тугеволя “Монументал, патетик асарлар ҳам керак, бу – томошабин руҳини бир поғона бўлсада кўтаради, ғурурини оширади”, дер эди. Шу фикрлар таъсирида чизганман бу картиналаримни.

– Менга бошқа асарларингиз кўпроқ маъқул, – дедим.

– Ўзимга ҳам... – деди у. – Лекин улардан ҳам воз кечолмайман.

– Мен ҳам, воз кечинг, демайман. Уларнинг таъсири камроқ, шу ҳолос.

– Тўғри... тўғри...

* * *

Шухрат билан дўстлигимизнинг бошлалиши шундай бўлган эди. Сўнгра ўтиришлар... Ҳеч қандай низомсиз, ҳеч қандай дастурсиз тўғарак ҳолига келган ўтиришларимиз. Рауф Парфи билан Дилором (шоирлар), Азиз билан Матлуба (рассомликка ўқиётган талабалар), Исфандиёр билан Дилбар (рассомлар), Омон Азиз (қандакор), Азиза Маматова (рассом), Мамасоли (шоир),

Аҳмад (носир), Камол Комилов (шоир ва Матбуот кўмитаси ходими), гоҳо Хуршид Даврон (шоир) ва ахён-ахёнда Илҳом Жаббор (хайкалтарош) йиғинларимиз иштирокчилари эди. Бирда Шухратникида, бирда бизникида, бирда Азиза Маматованикида ўтирардик. Ундан ҳам кўпроқ Шота Руставели кўчаси 20-уй ертўласидаги рассом ва хайкалтарошлар устaxonасида, баъзан “Светлана” магазини ортидаги Исфандиёрнинг устaxonасида йиғилардик. Албатта янги асарлар ҳақида фикрлашардик. Ичкиликни ҳам қанда қилмасдик. Рауф билан Дилором, Исфандиёр билан Дилбар, Азиз билан Матлуба ҳали оила қурмаган-у, севишиб юрган жұфтлар эди. Мамасоли, мен, Омон Азиз оилали эдик, аёлларимиз дўстларимиз меҳмонга келса, яхши кутиб оларди, аммо ўзлари ўтиришларга бормасди. Шухратнинг хотини Азизахон, ҳар доим бўлмаса-да, ҳарқалай ўтиришларга борарди. Орамизда аёллар бўлгани учун йиғинларда ҳеч қачон чегарадан чиқилмас, суҳбатлар иззат-икром доирасида кечарди.

Гурунглarning бирида Исфандиёрнинг “Самарқанд. 1920. Етимлар” асарида гап очилиб, Шухрат “Агар асар турмуш, қундалик ҳаёт тафсиллари билан бойитилса, янада зўр бўларди” деганда, Исфандиёр “Томошабин бошқа нарсаларга алаҳсишини истамадим”, деди. “Миллий озодлик жангига кетган эранларнинг жигаргўшалари – етим болалар халқ закосининг ўлмас намунаси бўлган буюк обида этагида очликдан сулайиб тупроққа беланиб ётаркан, бунинг жавобини кимлардир бериши керак!”, “Бу миллатни асло енгиб бўлмайди!” деган ғоялар бор бу асар мағзида”, дедим мен ҳам. Шухрат хафа бўлди, “Мени тушунмаясенизлар”, деди.

Қайси гал Шота Руставели кўчасидаги ўша ертўлада, Шухрат менга бир бюстни кўрсатди. Бу Илҳом Жабборнинг “Рауф Парфи” асари эди. Қадимги юнон хайкалтарошлик намуналари билан беллаша оладиган, чунон-

чи, Эсхил, Софокл, Эврипид бюстлари қадар кучли бир асар эди. “Буни эҳтиёт қилиш керак, сиз айтнинг, сиз айтнинг...” деди Шухрат менга. Бусиз ҳам шу ҳақда ўйлаётган эдим. “Дўстлар, Илҳом Жабборни бу асари билан табриклаймиз. Аммо устахона анча тартибсиз. Бюстни бу ердан олиб, бирор беҳавотир жойга яшириб қўйиш, ҳеч бўлмаганда, уни тўрт тарафидан фотосуратга тушириб олиш керак”, дедим. Бошқалар ҳам фикримга қўшилди. Аммо эртасига яна шу ерга йигилиб, асарни кимдир уриб синдириб ташлаганини кўрдик. Жуда каттик ўқиндик. Шухрат кўзларимга қараб мўлтирар эди. Илҳом Жаббор “Хафа бўлманглари! Мен бундан ҳам зўрроқ қилиб ишлайман”, деди. “Исмингиз Илҳом бўлса ҳам, ўшандоқ илҳом билан уни қайта яратолмайсиз”, деди Шухрат. Илҳом яна Рауфнинг бюстини яратди, аммо чиндан ҳам бу галгиси унисидек эмасди.

Бир куни даврада бахт ҳақида баҳс очилди. Биров бахтни муҳаббатда, биров мўл-қўлчиликда, биров тинчилик-хотиржамликда кўрарди. Ўшанда Шухрат “Менимча, бахт – нисбий тушунча. Бу – халқнинг, миллатнинг баркамоллиги билан боғлиқ”, деди.

Шухрат негадир доим шошарди. “Мир-азиз ака, менга вақт ажратинг, портретингизни ишлашим керак. Биласизми, нима? Қўлингизни қандай тасвирлашни ўйлаб қўйганман!” дер эди. “Ҳали бутун келажак олдинда... Шошманг, улгураимиз ҳаммасига”, дер эдим мен. Баъзан ярим кечаси уйимизга келиб, кўчага қараган деразамизни тақиллатар, “Мен... Мен... Шухратман”, дер эди. Олдига чикиб, уйга судрасам қўнмас, ошхонага кириб, шу ерда ўтирайлик, дер эди. Қўйнидан “яримта”ни чиқариб, “Тазаги сиздан”, дея музлаткични очар, боримизни ўртага қўйиб, ўчоқбоши суҳбатимизни бошлаб юборардик. Бу “жинни ўтиришлар”имиз у пайтларда ўзимизга жуда бетакрор ва гўзал бўлиб кўринарди.

Яна бир кун бизникига келганида, оилавий альбомимизни варақлай бошлади. Отам-

нинг 1930-йиллардаги фотосуратларини қайта-қайта кўздан кечириб, “Дадангиз жуда ажойиб йигит бўлган эканлар. Мен портретларини ишлайман”, деб қолди ва бир неча суратини олиб кетди. Икки-уч кунда “иш”ни битказиб келиб, онамга кўрсатди.

– Туришлари, энгил-бошлари, юз ифодалари – ҳаммаси жойида. Факат кўзлари бошқачароқ, сал ғилайга ўхшаш-у, аммо ғилай эмас, куралай кўз эдилар раҳматли дадаси, – деди онам. Эртасига кўзларини ишлаб, яна олиб келди.

– Кам бўлманг, худди ўзлари-я, – деди онам бу сафар. Шундан кейин портретнинг оркасига дастхат битиб, эсдалик деб ташлаб кетди. Портрет кизил фонда ишланган, “30-йиллар ўқитувчиси” деб номланган эди. Бунинг сабабини у шундай изоҳлади: ўша замоннинг жуда қўп тарбиячилари совет тузумига ишонган, уни қўллаб-қувватлаган ва чин қўнгилдан хизмат қилган самимий инсонлар эди. Олий Бош қўмондоннинг ўқитувчиларни урушга жалб қилмаслик тўғрисида фармони бўлганига қарамай, дадангизнинг урушга қўнгили бўлиб кетгани ҳам фикримни тасдиқлайди...

Рауф Дилором билан, Исфандил билан, Азиз Матлуба билан бир оила бўлиб кетишди. Йигинларимиз бироз сийраклашса-да, аммо узилмай давом этарди. Бахсу мунозараларга бой учрашувлар ўта-ўта машъум 1979 йилга ҳам етиб келдик. Шухрат ҳалиям негадир яшагга шошарди. Асарлари тезроқ халққа етиб боришини истар, “Келаси йил ўттизга қираман, ахир...” дер эди. Мен у ҳақда ёзишга ваъда берган, ёндафтаримга қайтлар ҳам қилиб юрардим.

15 декабрь куни эрталаб кимдир дарвозамизни тақиллатди. Шоир Камол Комилов экан. Ранги ўчган, овози бўғик.

– Кеча кечкурун Шухратни такси уриб кетибди. Мияси заҳаланган. Ҳозир “неотложка”да. Тез ТошМИга борайлик, у

ерда жуда зўр, бутун Ўзбекистонга машхур нейрохирург бор. Танишим... – деди.

Нейрохирургни олиб “неотложка”га бордик. Шухрат махсус бўлимда хушсиз ётарди. Врач юраги соғлом ва бақувват эканини айтди. Амалиётдан яхши чиқса, тез тузалиб кетаркан. Амалиётга ҳозирлик бошланди, биз ҳаммамиз – 40 чоғли киши – шоирлар, рассомлар, қариндошлар, дўст-орқадошлар – кимимиз келиб, кимимиз кетиб, ховлида ҳаяжонда турар, юрар эдик.

Азизахон кичкиналари билан уйда қолган эди. Ундан хабар олиш керак, деган ўй билан машинада уйига бордик. Азизахон йиғлаб ўтирар, энди-энди юра бошлаган бир ўғли дераза раҳини тишлаб-тишлаб еб, чака қилиб ташлаган эди (афтидан, унга кальций етишмасди). Болани бир-икки эркалаб, Азизахонни юпатиб, касалхонага қайтдик.

Йўлда воқеанинг бутун тафсилоти-ни айтиб беришди. Кечкурун дўстлар Шухратникида қизгин бахс-мунозаралар асносида пивохўрлик ҳам қилиб ўтиришипти. Пиво тугагач, тарқалишипти, Шухрат уларни кузатгани катта кўчагача чиқипти. Ёмғир шигалаб ёғарди... Шу орада кимдир “Озгина етмай қолди-да” депти. Кўчанинг нариги бетида пиво сотадиган дўкон бор эди. Шухрат “Мен ҳозир...”, дея ўша дўкон сари кўчани кўндаланг кесиб югуришти. Шу пайт катта тезликда келаётган бир такси уни уриб юборганча тўхтамай ўтиб кетибди. Шухрат машина урган жойдан олти метр нарига боши билан асфальтга урилиб тушган...

Мен Рауфга қарадим. “Озгина етмай қолди-да” деб фақат у айтиши мумкин эди, назаримда. “Мен айбдор эмасман. Такдирнинг иши бу”, деди у. Даврада мен ҳам бўлганимда, бундай қор-қол рўй бермас эди, деб ўйладим ва дарҳол ўзимга ортиқча баҳо бераётганимни ҳаёдан ўтказдим.

Касалхонага қайтдик. Беш соатлик амалиётдан сўнг профессор хонадан чиқди. “Кўлимиздан ҳеч иш келмайди. Мия каттика айланиб кетган. Фақат уни қийна-

ганимиз қолди. Юраги бақувват экан, шунинг ҳисобига яшаяпти...” Кимдир “Юраги кучли бўлса, мўъжиза юз бериши мумкин эмасми?” деб сўради. Жаррох “Оллоҳ биледи”, деб жавоб берди-да, биз билан хайрлашди. Қамол уни кузатгани кетди. Биз кеч бўлгунча бу ердан ҳеч қайска жилолмадик. Ўзи хушсиз-у, юраги уриб турарди. 16 декабрда ҳам эртадан кечгача у ердан кетолмадик. Ҳамон юраги тепар эди. Биз мўъжиза тилардик. Окшом тушганда эрталаб йиғиладики бўлиб тарқалдик.

17 декабрда сахар соат тўртга яқин эшигимизни аллаким қаттиқ-қаттиқ тақиллатди. “Ўтибди!” деган хавотир билан эшикка югуриб чиқдим. Икки милиционер... “Тез қийиниб чиқинг, биз билан 150-мактабга борасиз. Ҳарбий ўқув йиғини бўлади. Сиз ҳам қатнашишингиз шарт”, дейишди. Хуллас, мен Афғонистонга хизматга қақирилган эканман.

19 декабрда Ҳайратон кўприги яқинида бир саҳрода тўхтадик. Мен усти ёпиқ юк машинаси кузовида сандикка ўхшаган металл дастгоҳ устига ўрин солиб ётдим. Икки кунлик узоқ йўлдан кейин толгин-толгин уйкуга чўмибман. Бир маҳал Уни олиб чиқаётганларини кўрдим. Юрагим кинидан чиққудай “Шухрааат!” дея бақириб, олиб кетаётганлар ортидан отилдим. Дастгоҳ устидан учиб тушибман. Машина ортида дупур-дупур қадам товушлари эшитилди. Уч-тўрт одам билан турган батальон командирининг “Ағзамов! Ағзамов! Что с вами?” деган овозидан хушимга келдим. Кўзёшлардан юзларим жикка ҳўл эди. “Ағзамов! Что с вами?” деб сўради командир яна. “Сейчас, в эту минуту умер мой друг...” дедим. “Да во сне всякое бывает...” “Это не сон, это правда: когда я уезжал он лежал присмерти”. “Да успокойтесь вы. Мы все смертны...” деди у.

Афғонистонда ҳарбий хизматни ўтаб Тошкентга қайтганимда билдимки, Шухрат чиндан ҳам ўша 19 декабрда вафот этган экан...

Абдулҳамид ИСМОИЛ

ANKABUT

Ҳикоя

...Ҳолбуки, энг заиф уй – ўргимчак тўридир.

Куръон (29:41)

Носир қорини пашша чақиб уйғотди. Бомдоддан кейин ҳайит намози-га ҳозирлик кўриб, янги маҳсисини кийганича болишга бирпас ёнбошлаганида кўзи андак илинган экан, хира пашша ўлгур рўзада оқариб кетган билагидан чақиб олса бўладими, азбаройи қичишдики қўли! Бир зумда ғўра солиб шишди. Ҳозиргина кўз ўнгида турган саҳарги тушининг енгил ҳовури бузилиб, энтикиб қўйди. Носир қори сулагини қўлига сўртиб кўрди, пуфлаб кўрди – пашшаси ҳам рамазондан оч-наҳор чиққан эканми, ҳеч захри битса-чи... Токчадаги кўнғироқбош соатга қаради: вақт энди олтиларга яқинлаша бошлабди; шу ерда бир пайтлар “илондори” ётгич эди, чол эмаклаб токча томон силжиди-да, чўккалаб, қўлини соат орқасига узатди, сулакланган бармоғига юмшоқ бир нарса ёпишгандек бўлди. Қараса – токча бурчагини ўргимчак ини босиб кетибди. Анкабут... Қария ижирганиб қўлини тортди. Тўр бир силкинди-ю, ўртасида ўргимчак эмас, қандайдир пашшанинг қуриган жисми кўринди... “Ўл-а! Кунинг шу экан-у!” дея аламини анави чаққан пашшадан олгандек бўлди Носир қори, аммо “илондори”га қайтиб қўл чўзмади. Ўрнидан турди-да, алланечук шахдамликда ҳовлига, қайта таҳорат ушатгани чиқди.

Носир қорини ошна-оғайниси бир умр Носир қора деб чақирган. Юзининг кулранглигигами, бароқ қошлари қўшилиб кетганигами, ё чак-касидаги қақапулдек қора холигами – ким билсин. Тенг-тўши бирин-кетин ўлиб-битиби, атрофида қолган ёш-яланг уни Носир қора ака дейишга иймандими, ё тили келишмай ортиқча товушни “ютиб” юбордими, бора-бора у Носир қоракага, демакки, Носир қорига айланди-қўйди. Рост, бунга бошқа сабаблар ҳам қўшилди. Жўраю эшларининг бари қариб-чуриб, у дунёга риҳлат қилди демадикми, қўшни қишлоқлик қиёматли ошнаси

– Ёлғуз чол ҳам ўғлининг кетидан Сибирга жўнаб ўша ёқларда дараксиз кетгач, Носир қори чор атрофдаги қишлоқларда ҳар маросимга бош-қош, соч-соқолига оқ оралаган арзанда қария бўлиб қолди.

Мана бугун ҳайит эмасми, Носир қорининг бозори чаққон: намоздан кейин борадиган жойи қанча. Рассийдан, ҳайит баҳона, ота-онасини йўқлаб келган ёш-яланг уни қўлма-қўл қилиб, маъракаларига навбатлаб қўйган – ўзининг Чашмасой адирларидан қишлоққа тушиб, кун бўйи машинама-машина кўча чангитиб санғийдиган... Шу ўйларда у мустаҳабини янгилаб, артингани илгакка қўл узатса – қоғоз йўқ, ноилож пақирдаги кесакдан олмоқчи эди, ҳўл кўлига чип-чип пахмоқ ўралди – пақирни ҳам ўргимчак ини босибди. Рўзада келину неваралар тақвога берилиб, супурсидирдан қўли чиқиб кетибдими, бу сафар ҳам тўр бир силкиндио бир чеккасида тилларанг пашшанинг ичи бўм-бўш, қақраган жасадчаси ярқ этиб кўзга ташланди. Бироқ энди кеклангани йўқ Носир қори, балки ўкингандек бўлди: ҳаммаёқни ўргимчак тўри босибди, кузак кириб қолибди-да...

Уйда майда-чуйда ҳам уйғонди чоғи, кимидир радио қўйди, ҳайит мақомлари ўрнига негадир пианино товуши – эрталабки гимнастика оҳанглари янгради.

Носир қори аслида қори-пори эмаслигини айтдик. Рост, қариганида бесоқол домлалар қўлида Қуръонда сабоқ олиб юрган невараларига бошқалар камроқ ўқийдиган суралардан бир-икки оятни ўрис ёзувида ёздириб, чалакам-чатти ёдлаган эди, "маликин-нос" деган жойини рост-камига "маники нос" деб анави шумтакаларни қиқир-қиқир кулдирарди.

Носир қори ёшлигида қишлоқнинг мусиқа мактабида аккордеондан дарс берган. Шунинг кетидан боя айтганимиз рус тили ўқитувчиси Ёлғуз билан қадрдон дўст бўлган. Носир қори Ёлғузни эсладио юраги эзилди. Шишиб кетган билаги баттар қичишди. Пашша чаққанмикан ўзи ё бошқа бир баломи, дея кўнглига ғулғула тушди чолнинг. Бу палакатни дўхтир-пўхтирга кўрсатмаса бўлмайдиганга ўхшайди. Майли, ҳайит намозидан кейин бирор қаланғи-қасанғининг мошина-пошинасига илашиб балнисага ўтиб келар...

Оталари Сибирга кетган бу уч оиланинг хотин-халажию бола-бақраси Носир қорига мерос қолган. Одатда мерос дегани отадан ўғилга ўтгич эди, бу қалтанг-қултанг замонида одат ҳам терсига юрди. Бирининг кўзёшинию бошқасининг мишиғини артиб, тирик етим бошларини қовуштириб юрибди. Хайриятки, Ёлғузга ўхшаб у ҳам Рассийга ўғилларини қувлаб кетгани йўқ. Ана, энди жон жўрасининг неварачевараси тўзиб-тарқаб, бировга керак бўлмасдан, кими детдомда, кими қамоқда, кими тиланчилик қилиб юрибди. Ит эгасини, мушук бекасини танимай қўйди-да...

Шу хаёлларда Носир қори суюкли невараси – кўзини очолмай турган Нозим муллабаччани илаштирди-да, "Биз – қишлоққа, мачитга!" дея кўчага йўналди. Қишлоқ пастда – воҳада сийрак чироқларини милтиллашиб ётарди. Носир қори бир вақтлар аччиқ қилиб қишлоқни тарк этгану Чашмасойнинг мана шу адирларига кўчиб чиқиб, уй солган. Қишлоқ чироқлари

сийраклашган дедик. Дарвоқе, кўчалари-да хувиллаб қолган. Эрлари мусофирчиликда, хотин-халаж рўзғор юмушидан ортмайди: томорқаларда ўсмирлари билан кетмон чопганми, тўртта мол боққанми ё таппи ёпган, илгаригидек кўчага чиқиб валақлашишга фурсат қаёқда дейсиз. Чашмасой адирларидан қишлоққа қараб кетган мана шу тупроқ кўчаларда бир кезлар тўп тепиб дунёни бузган болакайлар ҳам энди тўрт сўм топсам деб жони ҳалак – кими бозорда арава тортган, кими қўни-қўшни молини далага ҳайдаган, кими – муштумдек бошига рўмол танғиб, ўроқ-машоқда...

Ундай деса, ҳали барвақт, кун эндигина оқараётир, бироқ ҳайит намозига чиқадиғаннинг ҳам уруғи тансиқ... Икки чақиримча келадиган бутун йўл бўйи уйқусираган неварга бувасига иккиқўллаб осилар экан, Носир қорининг билагадаги шиш бирам қичишдики, қизаришга қизарди-ю, тентак қони тешик топиб чиқмади. Қаший деса – бу қўлига мудроқ бола ёпишган, хира пашшани сўкай деса – таҳорати бузилади, азоб аралаш ғазабини сўндирилмай туфуги билан қўшиб ичига ютди чол. Нозим болакай эса чала қолган тушларини узук-юлуқ кўриб, майишиб-майишиб борар, ҳув бир вақтлар буваси масжиддан нишолда олиб келишини кутишларию отасининг бензин ҳиди буруқсиб ётадиган машинасида рул бураб ўтиришини бемаҳалдаги йўл машаққатига аралаштириб, шу ернинг ўзида ерга ястанишга тайёр эди. Аммо бувасининг қаттиқ панжалари уни билагидан тутиб, шатакка олгандек судраб кетаверди, кетаверди... Қаерга мунча шошаётган экан буваси? Ўзи ҳар икки гапининг бирида "Шошилган қиз эрга ёлчимайди" дейди. Шошилган чол нимага ёлчиркан?..

Бирор ярим соатда улар ўзга юртларда ишлаб юрганларнинг бойиброқ қолганлари кургану ташлаб қўйган қишлоқ масжидига етиб келишди. Бу ерга Носир қорини демаса, уни маъракаларига чорлаб турган уч-тўрт мусофир йигитгина тўпланган, на закотчи, на тиланчи кўринади; эшик тагида эса теварак-атроф чурвақаларига Қуръон ўргатиб кун кўриб юрган, шу масжиднинг айни пайтда имомою ноиб, мугаваллисию сўфиси, қоровулию фарроши бўлмиш Тўлавоёй букур келганларни қаршилаб, ичкарига бошлади. У жамоани қатор тизиб, ўзи меҳробдаги минбарга ўтган эди, унинг ортидан пештоқнинг бурчагига қараган Носир қори ўргимчак тўрини кўрдию юраги шиг этди. Ё пештоқ сувоғи майда-майда дарз кетганмикан? Носир қорининг хаёли чалғиб, Тўлавоёй букурнинг йиғин аҳлига ҳайит намози тартиб-қоидаларини минғиллаб тушунтирганини деярли илғамди, намозни ҳам паришонхотирликда бирнав адо этди, фақат имом аталмиш намоздан кейинги ваъзиде йиғлаб-сиқтаб, рамазоннинг шариф машаққатларидан эсон-омон чиққанларни алқаётиб, негадир орага қўшиб кетган ояти карима уни сескантириб юборди. "Эй одамлар! Бир масал айтилмиш, унга қулоқ тутинг! Албатта, Оллоҳни қўйиб, топинаётган санамларингиз барчаси бирлашса ҳам, битта пашша яратишга қодир эмас. Ва агар пашша улардан бир чимдим гўштни олиб қочса, ундан ўшани тортиб ололмайдилар. Толибу матлуб заифдурлар!" Носир қорининг хаёллари ҳар томон пашшадек тўзғиди. Нега бу сўзлар-

ни айтди Тўлавоё букур? Кимга шаъма қилди? Манави – ризқини ко-
фирлардан териб юрган ёш-яланггами, ё қори номини олиб қаримаган
Носир қорагами? Энди қўлига қўшилиб юраги ҳам қичишиб кетгандек
бўлди – ваъзнинг сўнгига қадар зўрға ўтирди чол.

Ваъздан кейин ҳориб, хийла бўшашиб қолган Тўлавоё букур билан
андак гаплашай деса, анави мўр-малах – бири Тўлавоё имому бошқаси
Носир қорига ёпишиб, машиналари томон тортқилай кетишди. Яна денг,
кимнинг машинасига тушиб қолибди Носир қори – Бабанинг ўғли Қудрат
тиртиқ машинасига! Шу ерда “кундоши Бабанинг” деб айтишимиз ке-
рак эди-ю, эр кишининг ҳам кундоши бўладими деган саволдан қочиб,
ҳозирча бундан тийилдик. Майли, Қудрат тиртиқнинг шалоғи чиққан ма-
шинасида уйқуга ҳануз тўймаган Нозим болакай пишиллаб ухлайверсин,
биз эса Носир қорининг эски ғавғоларидан сўз урайлик.

Гап шундаки, Носир қорининг кўз очиб кўргани раҳматли Асолат бир
пайтлар уни ташлаб, ана ўша Баба деганларига турмушга чиққан эди. Шун-
дан биз Бабани Носир қорига “кундош” атамоқчи бўлдик. Энди эса нима
эмиш: “Ота, сиз табаррук оқсоқолсиз, падари бузрукворимизга бағишлаб
биргина фотиҳа тушириб берсангиз, у ёғидан ўзимиз рози қиламиз!” деб,
Қудрат тиртиқ уни мазорбошига олиб кетяпти... Бу бола Бабанинг ол-
динги хотинидан, чамаси, анави савдолардан беҳабар... Боя юрагининг
қичишганича бор экан, энди ичак-чавоғини улкан бир пашша чаққандек,
ўзини қўярга жой тополмай кетяпти чол. – Болам, – деди у зўр-базўр.
– Дуо бўлса ўқирмиз. Мени, шу дегин, боягинда пашшами, чивинми,
арими қақиб олибди. Билагим шишиб, қўлим дуога ҳам кўтарилмаса ке-
раг-ов. Зип этиб балнисага ўтиб келолмаймизми, а? “Илондори”дан сур-
каб қўйилса, зора шиши қайтса.

Қудрат тиртиқ ҳам ортиқча тихирлик қилмади:

– Ҳа, балнисайиз йўл-йўлакай-ку, ўтсак ўтибмиз-да! – дедию маши-
насини тўғри йўлдан сал чапроққа олди. Ўзича эса тиртиқ лабини бу-
риштириб қўйди: “Билжироқ чолнинг шу инжиқлигига чидасак чидаб-
миз-да! Ахир, бошқалардан зўрға тортиб олдим-ку уни!”

Хайриятки, касалхона дегани идораларга ўхшаб соат тўққиз-ўнда очил-
майди, туну кун кимдир навбатда – истаган вақтинг кириб бораверасан,
дардинга малҳам топилади... Қудрат тиртиқ машинасини тўғри касалхона
ҳовлисига ҳайдади. Кираверишда ўша-ўша ганчдан ясалган улкан ҳайкал
– қандилсимон идишу унинг дастагига ўралиб чиқаётган илон. Ачиқ хо-
тиралар чулғади Носир қори хаёлини. Бундан элликми-олтмиш йил бурун
худди шу ҳовлига, синиқ қўлини белбоғ ила бўйнига осиб кириб келгани-
да мана шу ҳайкал остида ҳолдан тойиб, унга суяниб қолган. Ана ўшанда
бу қишлоққа амалиёт ўташ учун юборилган шаҳарлик танноз ҳамшира
Асолат билан илк бор танишган эди. Унинг оппоқ майин қўллари Носир
қоранинг дағал юнг босган, чангу офтобдан қорайиб кетган билагига
аста тегиб, момиқ бармоқларидаги қон уриши синган суякнинг лўқ-лўқ
оғриғига ҳамоҳанг бўлганларини гўё қайта туйди чол...

Шунча йил ўтибди-я?! Кўзини юмса худди куни кеча бўлгандек! Ҳеч нарса ўзгармабди бу ерда: ўша-ўша димоқни ўядиган хлор ҳиди, ўша-ўша оч-зангори рангга бўялган совуқ деворлар... Қудрат тиртиқ мусофирчиликда ҳар хил идоралар тартибини анча ўзлаштирган чоғи, аллақердан мудроқсинган ҳамширани топиб келди-да:

– Оқсоқолнинг қўлини бир нима чақиб олибди, чойчақаси мана, бир йўлини қилинг, сингил! – деди.

Ёшгина ҳамшира нақд ўн дўлларлик чойчақага эриди шекилли, уйқусираган кўзларини шаҳло-шаҳло очиб, стулда қисиниб ўтирган отанинг енгини шимарар экан, Қудрат тиртиққа пинҳона нозлана бошлади:

– Акажўн, чет элда ишлайсизми? Бизга ҳам у ерларда иш топиладими? Телефўн-пелефўнийззи ташаб кетинг...

Носир қорининг гаши келди, қартайган ёшига қарамай, буларни бир-биридан қизганди: “Қизим, гап сотмай ишингни қилсанг-чи!” демоқчи бўлди ё Қудрат тиртиққа қараб, “Нима қилардинг бунингга пул қистириб, ахир қарияларга қараш текин бўлмаганида ҳам, савоб деган нарса бор-ку!” демоқдан зўрға тийилди. Бироқ шу пайт ҳамшира қизнинг муздеккина қўли қичишиб турган шишига тегдию Носир қорининг боши айланиб, кўзлари тиниб кетди, қаерда экани, не дардда келганини-да унутди-қўйди. Ҳаҳ, Асолат-а! Кўз очиб кўрган Асолати-я! Синган қўлини тузатиб, эвази-гамикан, ёш умрини қарсиллатиб синдириб кетган Асолат-а!

“Илон захридан сурт, қизим, ачишиб куйдирсин! Ачишиб куйганидан миямга зое хаёллар келмасин!” демоқчи бўлди чол, лекин қани энди тили калимага келса! Ҳамшира унинг билагига боғлаган дока мисол миясини ҳам пахмоқ тўр ўраган...

Ҳамшира қиз ҳар қанча синчиклаб тикилмасин, ўлсин агар, чолнинг билагида биронта жонзот чаққан из-пизни кўра олса! Таваккалига, жичча қизарган шиш устига ёғини ҳам суртди, пахтаю докасини ҳам босди. Ким бўлди экан бу қария манави барно йигитга – бурга чаққанига ҳам ўн дўллар тўлаб турса?.. Қудрат тиртиқ эса бу бадбўй хонадан тезроқ чиқиб кетиш пайида бўлиб, қизу чол рўпарасида очиқчасига тоқатсизланарди. Бир пайтлар болалигида ёрилган лабини тиктириш учун шу касалхонага олиб келганларида эртаси куни уни калбош болалар ўраб олиб, негадир бари:

*“Кал-кал, омода кал,
Эски чопонини ямоди кал.
Кал боради порага,
Кетин қўяр тоғорага...”*

деб масхара қилган. Уларнинг бошига хинаранг қўланса бир бало суркалган эди, ана шу ҳид ҳозир ҳам хонадан анқиб тургандек. Мунча имилламаса бу чол! Манави сатанг ҳам бурама кичикларини жа ошириб юборди-да...

Кейин, Қудрат тиртиқнинг машинасида уйғониб кетган Нозим болакай “Уф-э, нима сасияпти?” деб ўқчиганида, машина ойнасини тушираётган Қудрат “Бувангни сассиқпопишак чўқиб олди” дея ҳазиллашди, паришон-

хотир ўтирган Носир қори мунғайганича ортига – анави ганч ҳайкалга бир боқиб, оғир хўрсиниб қўйди. Ҳиди димокни ёрадиган илон ёғидан қўлининг қичиши қолгандек эса-да, кўнгил ғашлиги сира тарқамади. “Асолат-а, Асолат! Аскарликдан мерос аккордеоними сен учун чалмаганим-дим?! Бошқалар каби дала-тузда кетмон чопиш ўрнига, сенга ёқаман деб қишлоқда мусиқа мактаби очиб, ҳаммага калака бўлмаганимдим?! Аммо ўрис-пўриснинг лапариними, поляк-молякнинг мазуркасиними, немис-пемиснинг вальсиними чалганимда оқ қанот капалак мисол ҳамшира халатингда ўз-ўзингдан рақсга тушиб кетган сен эмасмидинг?! Асолат-а, Асолатим!”

Мана, энди “қоработир” Бабанинг мозорбошига кетяпти у. (Айтгандай, шу гўрсўхтанинг лақаби нега бундай эди, ҳозир эсида ҳам йўқ...) Бир баҳона қилиб тушиб қолсамикан мошиндан? Эндими?! Бошиданоқ сал журъатлироқ бўлмайдимиз?! Ё ёт элларда ишлаб келган бу бойваччанинг юз дўлларига учдими? Манави тирик етимларга жилакурса ҳайит куни қанд-курс, ё бир кило-ярим кило гўшт оларман деган хаёлга таслим бўлдими? Ким билсин...

Шу хаёлларда – машина қабристонга етиб келганини ҳам сезмай қолди Носир қори. Қуёш эндигина найза бўйи кўтарилган, нурлари узун-узун соялар билан туташиб-чулғаниб, кўзларни ёшлантирарди. Машинани дарвоза тагида қолдириб, хувилаб ётган қабристонга кириб боришди. Қудрат тиртиқ бу ерларга анчадан бери қадам босмаган шекилли, каловланиб қолди: аввал чап йўлга қараб юрди, кейин ўрта йўлга қайтиб, чор атрофга аланглади-да, бир аломатни аниқ топдими, ўнг томонга чопди.

Хўбки, Асолатнинг жасадини ўгай отаси мошинга ортиб, шаҳарга олиб кетган экан! Ҳозир лоп этиб бирор қабртошда сурати чиқиб қолсами, қай аҳволга тушарди Носир қори?! Яна дурустки, “қоработир”нинг гўри буларнинг орасидан ёриб чиқмабди... Носир қори ўзига ўзи ёзгирди: “Нималар деб алжираяпсан, галварс? Ахир ҳали тириксан-ку!”

Қудрат тиртиқ ажриқу янтоқ босган мозорлар оралаб юриб, ахийри отасининг кунгураддор темир панжара билан ўралган қабрини топди-да, кетидан судралиб келаётган Носир қорию Нозим муллабаччага имо қилди. Мана қаерда ётган экан Баба... Носир қори рақибининг қабр бошига етиб, чўккалади. Занглаган панжара найзалари орасини оппоқ ўргимчак ини босиб кетибди, буни кўриб чол на сесканди, на ўкинди. Илиқ шабада тўр – уяларни тебратар, баъзиларида ниначимиз ё арининг пўст-пўчоғи, бошқаларида эса такаббур ўргимчақларнинг ўзи минг қайғуни кўзгаб, ҳайинчалак учарди. Носир қори томоқ қириб олиб ояти “Ла юкаллифу”ни бошлади. Қизғимтир тош босилган гўр устидаги қовжираб-қувраган ўт-ғиёҳлар унинг товушидан мутаассир каби бош эгиб олган, нарироқда сим ходага кўниб ўтирган қарға ҳам қағиллашдан тиниб, чолнинг беўхшовроқ кироатига қулоқ тутгандек эди. Ёлғиз бир тиниб-тинчимас чумолигина Носир қорининг ялтироқ қавушига тирмашгани тирмашган. Қори “Раббана, вала туҳаммилна малатоқаталана биҳ” – “Раббимиз,

гарданимизга биз бардош беролмайдиганни юклама", дея илтижо этганида ана шу – чумоли бекор-беҳуда чирмашаётган сирпанчиқ қора кавушга чип этиб бир томчи тушса бўладими... Бунинг кўзёш эканини англаб етгани йўқ Носир қори. "Кўзёш ҳам шунчалик оғиру лойқа бўладими?" деган ўй ўтди кўнглидан. Ҳаёли қочганидан овози титраб чиқди. "Ваъфуанна, вағфирлана, варҳамна"ни уч марта тутила-тутила ўқиди: "Афу эт бизни, истиғфор айла, раҳм қил!" Бир амаллаб оятни охирига етказди.... Дуосига нималарни пичирлади – буни на панжаранинг зангидан мулзам тортган Қудрат тиртиқ, на бувасининг чала тажвидидан тоқатсизланган Нозим муллабачча эшитди.

Мозордан чиқаверишда Қудрат тиртиқ Носир қорининг киссасига пул тикди – ажру ниёзини берган бўлди-да:

– Энди қаерга обориб кўяй? – дея машинасини ўт олдирди.

– Бозорга! – деди Носир қори, лекин невараси енгидан тортиб қўйгач, – Ҳа йўқ, бонкага обориб кўяқол! – деди.

"Бонкага", деди-ю, яна эти увишди. Ахир, Баба бутун умрини ана ўша бонкада жарақ-жарақ пул санаб ўтказмаганми! Асолатнинг Носир қораю унинг жарангдор аккордеонидан юз ўгиришига ҳам ана ўша даста-даста пул сабаб бўлмаганмиди! Ё Носир қори ҳозир шундай деб ўйлаяптими? Ишласа ишлагандир-да! Бугун Баба қайдаю Носир қори қайда?! Ундай деса, Асолати-чи, Асолати қани?! Нима, нариги дунёда топишибдими ик-киси? Носир қорининг ичи ачишиблар кетди. "Бўлди, шаҳарга кетаман, ўқийман! Қари онамга қарайман!" дея Асолат уни ташлаб, шаҳарга эмас, хотин қўйган Баба билан жуфтлашиб қўшни қишлоққа кўчганида ҳам юраги шундай ачишган эди. Нима қилишни билмай қарахт бўлиб қолган ўшанда. Асолатни ўлдирай деса – қолган умрга ўзини бахтсизу номурод қилади. Бабани пичоқлай деса – Асолатнинг пешонасини баттар шўрлайди, ўзини чавақламоққа эса пуч умид қўймайди... Сой бўйига чиқиб қиз боладек сим-сим йиғлагани эсида. "Бахтим қоралигидан нишона экан лақабим", деб эзилган эди ўшанда... Энди ҳам шундай қилсинми? Кўрди-ку узок умри давомида – на кўзёш, на пуч орзулар инсон паймонасини тўлдирар экан, энди нимасига йиғласин-у, нимасига беҳуда ишонсин?!

Қудрат тиртиқ рўпарасидаги кўзгудан Носир қорига қараб-қараб қўяр: чол худди васвасага учрагандек ўз-ўзича нималарнидир пичирлар, бир – кўзларидан ёшми-шапоғини артар, бир – беҳосдан дока тасма устидан билагини қашлаб қўяр, бир – беихтиёр бурун тортгандек кескин нафас олар эди. Бутун бошли қишлоқда ягона фотиҳағўй бўлиб юриш ҳам осон эмасдир, деб ўйлайди Қудрат. Раҳматли отаси негадир шу одамдан бегонасирадди. Ундай деса, банкда жарақ-жарақ пул ўйнатган отаси кимни ёқтирадди ўзи?... Улар эски спорт мактабию нураб ётган ёзги кинотеатрни ортда қолдириб, банк биноси олдида тўхташди.

– Раҳмат, болам. Берганингга рози бўл, топган-тутганингга илоё барака ато этсин! – деб қўлини дуога очди чол.

"Қутиб турайми?" дейишига қўймай, эшигини ҳам очтиргани йўқ, қуюқ ва пала-партиш дуолар билан Қудратни жўнатиб юборди. Бобосининг нега

бундай қилганини ҳатто бола ақли билан Нозим муллабачча ҳам тушунди. "Western Union"дан оладиган пуллари бор-йўғи эллик дўллар, бун Нозимнинг дадаси Нодир пирра Ёкутистондан ҳайитлик тариқасида юборган эди.

Топ-тоза ойна ортида Бабаларнинг уруғидан бўлган сўхтаси совуқ Тўлан маймоқ ўтирарди. Унинг икки оёғи акашак бўлиб, эвазигами, қўллари нақд магасникидек ўсиб кетган, анави зорманда эллик дўллари сўмга чақиб, майда қоғозларни шир-шир санар экан, чиндан ҳам ўргимчакнинг бир туридек туюлди у Носир қорига. "Ё алҳазар!" деб юборди чол, бамисоли ёмон тушдан халос бўлмоқчидек. Овози баралла чиқиб кетибдими, Тўлан маймоқ бир ўқрайди-да, бармоқларига туфлаб олиб, қоғозларни қайта шириллатишга тушди. Шуларнинг бир дастасини Носир қорига тутқазганида, чип-чип сўлаги худди бу чипталарда қолгандек, чол пулни санаб ўтирмади, эпсизроқ бир тарзда ён чўнтагига соламан деди-ю, камзули этагидан сирғанган пул ерга паррак-паррак бўлиб сочилди... Яхшиямки, Нозим эпчиллик қилиб, уларни бир лаҳзада йиғиб олиб, бувасига узатди. Тўлан маймоқ эса ойна орқасидан пашша пойлаган ўргимчакдек суқини қадаб турарди... Бабани эслади шу он Носир қори. Асолатини унга олдириб қўйгач, бирор йилдан сўнг бутун умр "ўғай" кўрган хотини Таваккалга уйландию қишлоқдан бош олиб чиқиб, Чашмасой адирларига уй соладиган бўлди. Ана шунда банкдан қарз олишга келган эди. Баба ҳам манави Тўлан маймоққа ўхшаб ойна орқасида ўтирган эди, кўзларини лўқ-лўқ олайтирган ўшанда. Аввалига ёқалашгани келди деб кўрқдими, ранги оқариб кетди, бироқ Носир қора довдираб, мақсадини узуқ-юлуқ қилиб базўр айтганида Баба бақрайган кўзларини ундан узмай, бирдан дадилланиб қолган эди: "Ҳаҳ, қўлимга тушаркансан-ку!" Ҳолбуки, ўшанда унинг қўлига тушадиган на жисми зори, на рўзгори қолган эди Носир қоранинг. Пучу пўкак қораси, демаса...

– Бува, кетайлик! – деб чолнинг енгидан тортди Нозим муллабачча. Бобосига рўза шунчалик таъсир қилибдими, турган жойида меровланиб қоладиган одат чиқарибди. Боя ҳам мазорбошида дуо ўқиб бўлгач, чўккалаганича бир нуқтага тикилиб қолди. Агар у ерда ҳам ичи пишиб кетган Нозим болакай баландроқ овозда "Оллоху акбар!" демаганида, буваси кўзларини дуога ёзган кўйи Қудрат тиртиқ билан тек қотиб ўтираверармиди...

– Қаерга? – деди чол сесканиб.

– Бозорга! – деб эсга солди невараси.

– Ҳа-а, – деди Носир қори, банк остонасидан ташқари ҳатларкан қайта ёруғ дунёга чиққандек бўлди у.

Қишлоқнинг марказий олонини айланиб ўтиб бува-невара бозорга кирдилар. Йўлда Нозим муллабаччанинг ўйлаб-орзиқиб боргани – отаси юборган пулдан буваси унга ваъдалаган интернет флешкаси бўлди. Носир қорининг хаёлида гир-гир айлангани эса – унга еттиёт бўлган Баба ўғлининг ўз ўғли Нодир пиррадан икки баробар кўп пул бергани эди. Қаригач мен Носир қорига айланганимдек, кун келиб Нодир пирра ҳам Нодир пирга эврилармикан, деб ўйлади чол ва мийиғида кулиб қўйди.

Бозорнинг ҳам – бегим куними, ҳайитми – барибир файзи-таровати қочган, шаҳарга тушиб заифона тўр-тўр мол ташиган уч-тўрт киракаш-ни демаса, санаки бозорда на сотувчи, на харидор бор. Яна – давлат очиб қўйган икки кўримсизгина дўкон, бўсағасига биров оёқ босмайди. Авваллари кўрмабсиз бу ерларни: ҳаддига одам сиғмай – дўппи сотган хотин-халаж бир тараф, мол сотган жаллоблар бошқа тараф – бозорга кирадиган йўللари иккала дарвозадан тўсиб ташларди! Асолатга ошиқ бўлиб юрган кунлари эрталабки дарслардан кейин аккордеонини елкасига осиб, севгилиси билан бозор айланишарди. Бир куни ширакайф ўрис йигит: "Сыграй, заплачу!" деб қолса бўладими! Асолат ҳам қистаб туриб олди. "Ол-а!" дея Носир қора бозорнинг қоқ ўртасида "Тальяночка"дан тортиб "Амурские волны"гача – билганича чалакетди. Анави ўриснинг "Заплачу"си аввалига "Заплачу"га айланиб, тоза кулги бўлди, лекин завқ ўтида бозор аҳли гоҳ "Лазги"ни, гоҳ "Андижон полька"сини чалдириб, пул қистира бошлади. Ярим соатда икки юз сўм ишлабди ўшанда аккордеончи. Бозордан чиқмасданоқ, жухуд заргар Исҳоқ малладан жамиласига тўрсимон бир зебигардон олиб берган эди... Носир қори хувиллаган бозорга юраги гуп-гуп уриб кириб борар экан, ўша тақинчоқнинг ҳам тўрсимонлигини эслади. Асалини Бабадан қизганиб илк бор у билан жиғиллашганида Асолат ўша тўрсимон бўйинчоқни бўйнидан юлиб, Носир қоранинг оёғи остига улоқтирган эди... Кейин қаёққа кетди ўша зебисийна? Кошки эсига тушса...

Бозорда Носир қори тоқати тоқ бўлган неварасини аввалига гўшт рас-тасига бошлади. Оладиган ярим кило гўштини ярим соат танлаб, тилагига етаёзган боланй йиғлагудек аҳволга солди. Кейин эса, "Манави онангга, манави аммаларингга!" дея, бўғча кўтаравериб ўзлари-да бўғчага айланган олибсотар хотинлардан, ҳайитликка хитойи ипак рўмолчалардан танлаб-танлаб олди. Шундан сўнггина кўзида ёши қуриб бўлган боланинг ғамини еб, ажнабий мусиқанинг варанглашидан зириллаб турган дўкончага яқинлашди, анави "интернат пилешкаси" деган миттигина матоҳни дунёнинг пулига, қўллари қалтирай-қалтирай олиб берди... Сарфлаган пулидан оғизлари қақраб кетди чолнинг. "Бир пиёла чой ичай!" деб, уйга интиққан неварасини сой ёқасидаги бўм-бўш чойхонага етаклади. Нозим муллабачча компьютерига ошиқса-да, бувасининг ҳимматига ҳиммат билан жавоб қайтармоқчи бўлдим, хархашасиз унга эргашди. Эҳ, илгарилари бу чойхонага етар жой бўлмас эди-я! Бир чеккада йигит-яланг пирраю шахмат ўйнаган, бошқа бурчида қирчиллама ёшлилари аския айтиб, қаҳқаҳалари билан сойдаги қурбақаларни чўчитган, яқин-яқинларгача анави супада Носир қори жўраси Ёлғуз яна учта-тўрт мўйсафид билан эски ҳаётларидан чўпчагу хангомалар қилиб ўтиришарди. Бугун эса унинг куни хувиллаган чойхонада манави мишиқи неварасига қолиб ўтирибди...

– Пилешка деганини олишга олдинг, энди каромати нима экан бу матоҳингнинг?!

Бола чой пуфлаган бувасига астойдил тушунтира кетди:

– Интернет деганини биласизми? Компьютерлар бир-бирига улана-ди-да. Тўр бўлади-ю, ашинақа! Бутун дунёни ўраволган тўр-да!

Бошқа пайт қўл силтаб, майданинг гапини писанд қилмайдиган чол негадир бу сафар жонқулоқ бўлиб Нозимнинг билжираётган оғзига бакрайиб қолган эди. Нозим муллабачча “у-бу ёмон сўз айтиб юбордим-микан?” деган ўйда таққа тўхтаб, ҳушёр тортиди.

– Тўр дегин-а? Бутун дунёни ўраган...

– Йў-ўқ, – дея бувасининг хавотирини аритишга уринди зукко бола, – шунчаки айтяпман-да... Дадам билан энди текинга гаплашсак бўлади, шунга...

Отасиз ўсяпти-я бу болапақир... Оғзи ялоқ хотин-халаж орасида “Носир қорининг Нодир пирраси Ёкутистонда уйлиниб олган” деган миш-миш ҳам тарқалган эди. Ростмикан шу? Носир қори ҳам оғайниси Ёлғузга ўхшаб ўғлининг кетидан қулаб борсамикан? Лекин, мана, Ёлғузнинг ўлимтик неварачевараси нима бўлди – сочилиб-тўзғиб кетди-ку! Ёлғузнинг ўзидан эса бирон хабар йўқ. Тирик бўлса ҳам гўрга! Нодир пирраси қорасини ўчириб, бу маъсуму маъсумаларни ҳам бетоле қилди. Ундай деса, Носир қорининг ўзи бир умр шу қишлоғидан жилмай бахтини топдими?! Дунёни, мана бу тирмизак айтганидек, бир тўр қоплаган экан-да! Талпинасанми, типирчилайсанми, тинасанми – барибир ундан қутулолмас экансан... Чол аччиқ чойни аччиқ ўйларига бўктириб ичаркан, бу тахир таъмдан ичлари ачишиб, сой бўйидаги чойхонанинг эски завқи ҳам талхи ком бўлгандек эди. Боя қичишишдан тинган қўли энди лўқиллаб оғрий бошлади. У пиёла тагида қолган лойқани ерга сепдию ликобчага чойчақасини ташлаб, “Кетдик!” деди неварасига.

Тақачилар маҳалласи томон чиқиб боришса, бозор оғзида ҳашаматли “Мерседес”ини йўлга қўндаланг қўйиб, Шомурод раиснинг ўғли Шопўлат тарнов турибди.

– Э ота, сизни қидирмаган жойим қолмади-ку! Уйизгаям бордим, ма-читгаям, Қудрат тиртиғу бонкага... мозоргаям, бозоргаям! Бор экансизу!

“Ҳа, тинчликми?” деса Носир қори, сурбету шартаки Шопўлат тарнов ўтирган еридан:

– Отамми эслаб дастурхон ёзган эдик, шунга битта потаҳа қилиб юборасизми деб келдим. Ўтиринг! Қалам ҳаққийзиям тайёрлаб қўйганмиз, – деб ҳазиллашди.

Бошқаларнинг боласи тўрт танга топиш учун шаҳарга кетган бўлса, Шопўлат тарнов туман газетасида ишларди, манави калондимоғлигию ҳазил-мутуйибаси ҳам шундан. Чол ноилож машинанинг орқа эшиги томон юрган эди, невараси дафъатан енгидан тортиб, хархаша қилмаса-да, юзини бужмайтариб йиғига созлади.

– Ҳа? – деди Носир қори жеркиброк.

– Уйга... – деб ғингшиди Нозим муллабачча.

– Манавини уйга ташлаб кетайлик... Гўшт олганмиз, ҳидланиб қолмасин, – деб баҳона топди чол.

Шопўлат тарнов номига ғудраниб қўйди-да, бош ирғади. Салони муз-деккина “Мерседес”га жойлашиб олгач, Носир қорининг эркалиги тутди:

– Болам, йўлимизда аптика бор, шунгаям бир тўхтаб қўясанми?

– Зўйзўтувнани аптикасими? – деб сўради Шопўлат.

– Ҳа, биларкансану! Рост, Зўйзўтувнанг ҳам ўтиб кетди. Беш йилча бўлди, – деб қўлини юзига суртди чол.

Буларнинг Зўйзўтувна дегани эски қишлоққа маълуму машхур доричи Зоя Зотовна исмли жиккаккина ўрис аёл эди.

Асолати касалхонада тежалган дориларни Зўйзўтувнага арзон-гаровга хуфёна пуллаб турарди. Шундан уч-тўрт танга чиқариб, ўзига посон кийимми, пошнали пойабзалми оларди. У Носир қоранинг аккордеонини ташлаб Бабанинг пулларига учганида, аламига чидаёлмаган Носир бир куни ичиб олиб манави Шопўлат тарновнинг отаси Шомурод раис олди-га борган-да, Асолатнинг кирдикорини фош этмоқчи бўлган. Унинг маст турқини кўрган раис бува ади-бади айтишиб ўтирмай шундай тарсаки тортганки, Носир қоранинг кайфи бир зумда тарқаб, кўнглидаги фитналари ҳам чил-чил бўлган... Зап одам эди-да Шомурод раис. От минса бели букчайиб, қуйруғи биланглаб, туёқлари ерга кириб кетарди...

– Мана аптикайиз! – деб эшик ойналарини туширди Шопўлат мошинасини ғийқиллатиб тўхтатаркан. Носир қори “Ё пирим, мадад!” дея неварасининг енгидан тортиб мошиндан чиқди. Ўша-ўша аптика – дорихона, олдида уч бўғин зинали айвонча, бир пайтлар шу айвонча тагида Носир қора ичкари кириб кетган Асалини пойлаб ўтирарди. Ким ишларкан энди бунда? Илгарилари дорихона Зўйзўтувнанинг уйига тутах бўларди-да... Уч бўғин зинадан юқорига чиқиб борди Носир қори. Таниш айвонча, таниш эшик... Эшикка отнинг калласидек қулф осилган. Қулф атрофини эса ўргимчак ини босган... Илон ёғининг кучи кетибми, қўли баттар қичиша бошлади. Бу азобда на неварасини ярим кило гўшт билан Чашмасойдаги уйда қолдирганларини, на Шопўлат тарновнинг дала ҳовлисига етиб келганларини сезибди чол. Мана, худди шу эшик тагида Шомурод раисдан тарсаки еган эди. Энди қўлига қўшилиб бетлари қизий бошлади унинг.

Носир қорини ҳовлининг тўрига бошладилар. Тавба, ажаб замонлар келди-да, мана, худойими-зиёфат берияпти, ҳамма нарса бордек: тўкин-сочин дастурхон, қозонда биқир-биқир қайнаётган мохораю самоварларда чой, ҳув нарида – хонтахтада паловга деб тўғралган бир тоғора сабзюю овлоқдаги супада сўппайиб ўтирган машшоқлар... Аммо буларнинг бари-га бошлаб келадиган одамнинг йўқ. Беш-олтита амма-холани демаса, тек чолнинг ўзи.

Рўзага ўрганган муштдек ошқозон тушлик ҳам тусамайди, анавиларнинг эриниб бошлаган тинғир-тинғир нағмалариям кўнгилга унча ётмайди. Пешин вақти ҳам етиб қолган, панароқ жойга ўтиб намозини ўқиб олсамикан? Недандир чолнинг кўнгли нотинч – қичишаётган қўлию бетига қўшилиб ич-ичини ҳам нимадир тирнагани тирнаган... Суюқ-қуюқ таомлар еб-ичиб бўлингач, Носир қори дуои фотиҳа ўқиб қўзғалай деб

турганида, эшик тагига яна бир мошин келиб тўхтади. Шопўлат тарнов чолни ёлғиз қолдириб, бирпас ўтгач, ҳовлига Мидҳат чўлоқнинг ўғли Ринат сартарошни бошлаб кирди. У ҳам бугун неварасини ётқизиб, Носир қорини хонадонига олиб кетгани келганмиш. Шопўлат тарнов табиятан қизиқувчанроқ эмасми, суриштириб кўрса, Ринатнинг ўзи устарасини олармиш-да, қамиш найини пачоқлаб, бола этидан бир парчасини дарзга қистириб кесармишу куйган пахта босиб қўярмиш.

– Э, абзи, сан нечинчи асрда яшаяпсан ўзи?! – деди довлашиб дангалчи Шопўлат. – Болани дўхтирга оборасан, тўйини бизникига қўчирасан! Ана, ош қопкетяпти, меҳмон-пеҳмонингни бошлаб ке! Нима, эшитмадингми, ҳамма жойда тўйлар қўшиб қилиняпти!

Қийшайиб кирган Ринат бу гапгау бу шаҳдга кўнақолди ва тарашланмаган бошини силкий-силкий шалпайиб чиқиб кетди.

– Чўлоққи ўғли ўлоққаям энди потаҳайззи аямасиз! – дея ушлаб қолди раиснинг ўғли энди ўрмаламоқчи бўлиб турган Носир қорини.

Раҳматли Мидҳат чўлоқ ҳўб ажабтовур одам эди-да. Асолат қирққа кирмай Баба қўлида жувонмарг бўлганида қишлоққа овоза тарқалди: “Асолатнинг ўғай отаси шаҳардан келиб жасадни олиб кетармиш”. Ўша куни ҳеч ким чорламаса-да, бутун қишлоқ марказий майдонга чиқиб Асолат билан видолашадиган бўлди. Носир қора ҳам бир баҳона топиб бозор атрофларида санғиб юрди. Шаҳарча нўмирли юк машина касалхона ўликхонасидан марказга қинлашганда атрофни одам босди, ҳайқириғу айқириқ кўтарилиб, оломон ўпир-тўпир оёққа қалқди. Ана ўшанда Носир қора бир панада “Чиқсамми ё чиқмасамми?” деган андишада каловланиб турса, Мидҳат чўлоқ қўш ҳассасини бир чеккага улоқтириб юк мошиннинг орқасига осилган, ёлғиз ёғоч оёғида лўкиллаганча, “Биззи кимга ташлаб кетяпсан, қизим!” деб фарёд урган эди...

Фақат асрга келиб, Ринат татарнинг суннат қилдиргани касалхонага етказилган невараси номига ҳам мохораю ошларнинг қолган-қутгани ейилгач, чойлар шамасига қадар ичилгач, нағмаю дуоларнинг бари бажо этилгач – Носир қори қўққисдан гап нимадалигини тушунгандай бўлди. Эрталаб бомдоддан кейин кўзи бир он илинмаганмиди, ўшанда учкур бир туш кўрган экан, ана шу туши лоп этиб эсига тушдию руҳининг зулмат пучмоқлари бирдан ёришиб кетди... Носир қора елкасига аккордеонини осиб Асолатнинг уйига борганмиш. Эғнида янги кастим-шим, соқол-мўйлови топ-тоза қиртишланган, атирланган. Лекин негадир яп-янги кастими доғмиш – аллақандай чип-чип шира. Бармоғини тегизиб кўрса – асал эмас, мураббо. Қаердан юқибди экан? Фақат енгидами деса, мураббо килкиллаб этағида ҳам ялтираётганмиш. Тузукроқ қараса – чўнтаги ҳам қотган қонсимон қиёмга тўла. Ҳа, афтидан, астарига тўкилган шира аврасида юзага чиққан... Атрофда гўнғиллаб пашша-машша уча бошлайди. Носир қора шу аҳволда бу ерга не муддаода келганинию нима қилиб турганини-да унутди-қўяди. Бутун фикри-зикри – манави чип-чип кастимини ечсаю улоқтирса... Худди шу пайт уни пашшами, қовоқарими, чаён ё илонми чақиб уйғотворган чоғи. Қанча тиришмасин, тушининг давомини

эслолмади. Туш таъсири вужудингни шундай чулғаб оладики, кейин на маъносига етасан, на таъбирини топасан... Носир қори ҳам кўрган туши оғушига қайта кирди-ю, олти оёғи ширага ёпишган пашшадек тутилди-қолди. Ёшлигимиди бу тушнинг шираси, аккордеоними, пўрим кийимими, ё сулув Асолатими? Ёки шуларнинг баримиди? Тили ҳануз ўша қуюқ қиём тотини сезиб турибди... Шу ўйларда у аср намозини ҳам ҳардамхаёлликда ўқиб олди-да, раис бува руҳига қайта-қайта дуои фотиҳа қилиб ўрнидан қалқди. Шопўлат тарнов, қўлида бир бўғча, у билан олдинма-кетин ташқарига чиқиб, мухташам машинасининг орқа эшигини очди. Носир қори яна бир бор орқасига – Шомурод раиснинг қишлоқдаги илк жим-жимадор дарвозасига қаради ва раис буванинг ўшандаги даккисини-да дафъатан эслади: "Сан, расво, бировнинг хасмига қоровул бўлдингми энди?!" Шунинчидан эсладию енгил табассум ўрнига оғир уф тортиди...

– Уйгами? – деб сўради рулга ўтирган Шопўлат.

Чол бироз мижғовланди-да:

– Пўштага, – деб қўяқолди. Шопўлат ҳам ортиқча гап қилмай, радиосидан тинғир-тинғирини қўйдию уловини қишлоқ томон ҳайдади.

Аккордеони қаерда экан Носир қорининг? Ўшанда Асолат билан ора-ларидан қора мушук ўтгандек, у бир нималарни сезар, лекин бундан ўзи уялиб, ўзи ижирғанар, Асолатнинг эрка қилиқлари-да сохта туюлар ва яна гумону рашк ичини кемиргани кемирган эди.

Шопўлат тарнов эса пешонадаги кўзгуга ҳар қараганида, орқада ўтирган чолнинг доқа тасма устидан билагини қашийганини кўрар, бурга ё бит чақяпти деб ўйламаса-да, машинасининг бахмал ўтиргичларини қизғаниб кетарди. Шунданми, у машинасини тезлатди ва чолни қишлоқ почтасига уч-тўрт дақиқада етказиб келди. Яхшики, почта ҳам очиқ экан, бояги бўғчани Носир қорига тутқазди-да:

– Бизга рухсатми энди? – дея жавобини ҳам кутмай, машинасига ўтирдию ёв қувгандек жўнаворди.

Носир қорининг почтага киришдан мақсади – Ёлғуз жўрасидан хат-пат борми деб сўраш баҳона пенсияси келган-келмаганини билиш эди. Почта эшиги очиқ эса-да, ичкарида зоғ ҳам кўринмасди. Носир қори томоқ кирди, йўталиб қўйди – ҳеч ким қаршилаб чиқавермади. Ноилож бир чек-кадаги харракка ўтирди-да, ўйларига берилди.

Ана ўша шум шубҳаларию қизғанчлари ичини кемириб юрган бир кун у мана шу ерга келмаганмиди? Гажак соч пўштачи қиз Мавлуда "Асалингизга хат бор, бериб қўясизми?" дея унинг ҳафталиқ обунасига қўшиб бир парча қоғоз тутқизса бўладими! Аввалига виждони ўрлаб, қайтариб бермоқчи ҳам бўлди, лекин қўлининг қалтироғидан уялиб, хатжилдни апил-тапил киссасига тикдию эшикка отилди.

Осами бунини очмасе? То уйга етгунча бир тўхтамга келолмай ўзи билан ўзи олишган. Ниҳоят ўзини енгил ва шундан озроқ бўлса-да фахрланиб уйга кирса – Асолати йўқ. Ана шунда юраги гуп-гуп уриб, эзилиб-янчилиб ўтирган ва ахирий хатни очган... Бабанинг хусниҳат билан ёзган ишқномаси... Ўшандан кейин – Асолат кечқурун уйга қайтгач, Носир қора

елкасидан аккордеонини, жамиласи эса бўйнидан зебигардонини узиб улоқтирган эди. Шу-шу, Носир қорининг қўли қайтиб созга тегмаган...

Кимдир гапиргандек бўлди. Дафъатан Носир қорининг қўллари қичишиб кетди. Аккордеонга бўлмасин бу, деб ўйлади у бехос. Қулоғига чалинган ҳам мусиқа эмасмикан? Йўқ, ичкаридан чиқиб келган бир жу-вон мулойим овозда нимадир демоқда эди...

Билса – жўрасидан хат ҳам йўқ, пенсияси ҳам келаси ойникига қўшиб берилармиш. Майли, бугуннинг ўзида ҳайит шарофати билан уч-тўрт танга ишлаб олди-ку! Болалигида тенг-тўшлари билан рамазон кунлари айтган ашуласи ёдига тушди:

*"Рамазон айтиб келдик эшигийизга,
Қўчқордек ўғил берсин бешигийизга.
Ё Расул, рамазон айтган билан тўяманми,
Бурунгининг қаъдасини қўяманми?
Осмонда бир кўприк бор ағал-дағал,
Янгамга ўғил берсин мулла Бадал.
Оқ танга, қўк танга,
Чиқарақолинг, жон янга!"*

Ҳа, кўчага чиқиб қишлоқ қирими томон аста йўл олар экан, Носир қорининг қулоғида чиндан ҳам мусиқа янграрди. Лекин қанақа оҳанг эканини у ҳеч англаб етолмасди. Пашшанинг ғинғиллашими, ваъзнинг қироатими, мошинанинг зувиллашими, ҳув касалхонадаги жин садоларми, мозордаги ўт-ўланнинг тебранишими, боя бонкадаги пулнинг шитирлашими, оқар сойнинг шовуллашими, мақомми, вальсми ё полька?..

Кун ботишига у Чашмасойга чиқиб борди. Куёш икки адир орасига думалаб, қай бирининг ортига бекинишни билмагандек, маҳзун боқиб турарди. Осмонни қизғиш ёғду чулғаган. Паришон бир кўйда ҳовлига кириб борса, ҳаммаёқ хувиллаган, бирон чурвақаю келин-кепчик йўқ. Носир қори кенжа неварасининг отини тутиб чақирган бўлди. Хиёл ўтиб ичкаридан сочи тақимини ўпиб турган келини Дилафрўз чиқиб келди.

– Қани ҳамманг? – деб сўраса, келинчак:

– Энгтўрбет кўрётган эдик, – деди қимтиниб.

– Нима? – деди чол тушунмай.

– Энг-тўр-бет, – дея дона-дона қилиб такрорлади Дилафрўз. Носир қори анграйди:

– У нима деганинг?

– Нозимийизга ўзийиз оберибсиз-у! Кампутурга қўядиган-чи... – дея баттар қимтинди навжувон.

– Ҳа, энтирнит дегин!

Чол қўлидаги бўғчани Дилафрўзга тутқазди-да, маҳсисини ҳам унга тортириб, бир-бирига ёпишиб қолган бармоқларини ёзгач кавушга тикди. Сўнг ариқ бўйида турган обдастасини олиб, шом олдидан таҳоратини янгиллагани холижой томон юрди. Келин бўғчани кўтарганча зипиллаб ичкари кириб кетди. "Сулаймон ўлди, девлар қутулди экан-да", деб қўйди Носир қори ўзича. Негадир шу маҳал бутун дунё бир тарафу

ёлғиз ўзи бир тараф бўлиб қолган каби юрагини зулмат босди. Таҳорат ушатар экан, кўзи бу ерда ҳам силкиниб турган ўргимчак тўрига тушдию дафъатан қочоқ фикрини тутиб олгандек, энди кўнглидагини яққол англади у. Обдастани шу ерда қолдириб, юз-қўлини шоша-пиша белбоғига арта-арта, ишком тагида ётган нарвонни кўтарди-да, олиб бориб томга тиради. Аввалига, енгилроқ бўлиш учун оёғидаги кавушни ечай деди, кейин – билиб бўладими, томда ҳар бало бордир деган хаёлда, ечмасданоқ нарвонга тирмашди. "Ё, пирим!" дея чиқа бошлади. Шафақнинг ётоқ нурлари томдаги моғор босган уводаю эски ашқол-дашқолни бўрттириб кўрсатар, чол эмаклаганча пахмоқ чанг ва ўргимчак тўрлари оралаб таниш бир нимани излаб олдинга интилар эди. Мана, ниҳоят, кун бўйи уни еган-емирган сароблар ичида омон қолган яккаю ягона матоҳ – эски эшию замондоши – аккордеон қутисини пайпаслаб топди. Кейин зўр бериб уни "ботмон-ботмон" чангу тупроқ орасидан озод қилди-да, торта-торта қуёшнинг ожиз нурлари остида чордоқ чеккасига олиб келди.

Мана, энди бу қутининг занглаган қулфини бир амаллаб очади, насронийларнинг тобутига ўхшаш қип-қизил бахмал ичида ётган эски сирдошини кўриб, бирдан унга раҳми келадию ўзини тиёлмай ҳўнграб юборади. "Сенинг ҳам ичингдаги ғам-ҳасрат шунча йил янграмай, тош қотиб ётганмиди, оғайни?!" дея кўнглида нола қилади. Ҳамон оҳорини йўқотмаган бу "тирик жон"ни у "тобут"дан халос этиб, кўксига босади... Аккордеон ҳам йиллар оша айнан шу меҳрни зориқиб кутгандек, камарлари ила чолнинг қоқсуяк елкаларини оҳиста кучади... Чол сув тубидан улуш олиб қирғоққа интилаётган қисқичбақа ё ҳозиргина пашша тутган магас мисол, чордоқнинг қалин гардию ис-тўрларига боққан кўйи ортга тисарилиб, оёғини нарвонга илинтиради ва аккордеонини авайлаб бағрига босганча пастга туша бошлайди... Аммо бирдан кавуши сирпаниб, оёғи тойиб кетади ва жонҳолатда чолғусига ёпишган қария чалқанчасига нарвондан ерга қулайди. Оқшомги осмон қуёшнинг енгил тўрларида бир силкинадию чолнинг устига келиб тушган чолғу нола тартиб, гўёки бир хўрсиниб қўяди...



Баҳодир КАРИМ

Maxtumquli va Vamberi



**Фикр дарёсига ақлим кемасин
Ботирмишам, кеча билмам, найлайн?!**

Махтумқули



Ҳар миллатда уни дунёга танитадиган етук адабий сиймолари бўлади. "Фикр дарёсига ақл кемаси" ила чўккан Махтумқули Фироғийдек донишманд шоир туркман халқининг фахридир. Нафақат туркманлар, балки барча туркий халқларга бирдек қадрли, ҳикматли шеърлари билан миллионлаб одамлар қалбидан жой олган шоир ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш асносида адабиётшуносликда махтумқулишунослик соҳаси юзага келди. Махтумқулишунослик биргина миллат адабиётшунослиги доирасида қолиб кетмади. Ўзига хос бадиий тафаккурга эга шоир асарлари дунё олимлари назарига тушди. Махтумқули шахсияти XIX асрда Марказий Осиёга келган сайёҳларни ҳам қизиқтирган. Шундай сайёҳлардан бири элшунос ва тилшунос олим Ҳерман Вамбери (Қаранг. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Нашрга тайёрловчи Сироҷиддин Аҳмад. Т., 1990; Вамбери Ҳ. Туркий халқ. "Ўзбеги" мажмуаси. Т., 1992, 114-128-бетлар. Немис тилидан Турдйбой Шодмонов таржимаси).

Махтумқули бадиий оламини, унинг таржима қилинган асарларини ўрганишга киришган тадқиқотчи, табиийки, мазкур

адабий-илмий масаланинг тарихига назар ташлайди ва албатта Ҳерман Вамбери номига ҳам дуч келади. Вамбери "Ўрта Осиёга саёҳат" асарида бундай ёзади: "Махтумқули шеърлари биз учун фавқуллодда аҳамиятли; чунки у, биринчидан, соф туркман лаҳжаси намунасидир; иккинчидан, бу шеърят бизга шарқ халқлари ҳақида бошқа шарқ ёзувчилари адабий асарларида сўйланмаган маълумотлардан батафсил сўзлайди..." (Петербург. 1-жилд, 1865 йил, 159-бет) Аҳмад Закий Валидий. Девони Махтумқули. "Шўро" журнали. 1913 йил, 13-сон) Рус тилида босилган бу манба мутахассисларга маълум. Бироқ махтумқулишуносликда Вамберининг "Туркман тили ва Махтумқули "Девон"и" мақоласига оид изчил тадқиқий фикрлар деярли учрамайди. 1879 йили Лейпциг шаҳрида "Германия кунчиқар жамияти журналы"да ("Zeitschrift der deutschen Morgenhandischen Gezellschaft") босилган ушбу мақола сар-



лавҳага мос равишда икки қисмдан иборат. Олим мақолага Махтумқулининг ўттиз битта шеъри ва ўнта шеърли парчасини немис тилига ўгириб, шунингдек, арабий имлода аслини ҳам илова қилади; махсус изоҳлар ёзади. Тўғриси, бу адабий-илмий манба Вамберининг билим даражасини, у туркий халқлар маданияти, хусусан, туркманлар ҳаёт тарзи, удумлари, улар яшайдиган жўғрофий муҳит ва туркман тилининг табиатини пухта ўрганганини кўрсатади. Масалан, олим туркман тилининг фонетик хусусиятини бундай изоҳлайди: "Агар биз туркман тилининг замонавий салжуқий тили, яъни усмонли турк тили билан қариндошлигини назарда тутсак, уларни бир-биридан ажратиш қийин; жанубий ва шимолий қўшнилари – ўзбек ва форс тиллари таъсири ҳам кузатилади. Муқояса қилинса бу яққол кўринади. Туркман тили фонетикасида энг аввал усмонли турк тилидаги сингари юмшоқликка мойиллик кўзга ташланади. Сўз охирида келувчи "ka" ва "ke" аффиксация туфайли аксар ҳолларда "g"га, баъзан "j"га айланади, "ja" эса бутунлай йўқолади. Шу алфоз-

да "dokmek", "kilmak" феъли "dokmege", "kilmaga" ва усмонли турк тилидаги "dejlil" – "deel", чигатой тилидаги "tegil" – "togul"га (ундай эмас) эврилади. Ушбу муносабат тиш товушлари "t" – "d" ўртасида янада кучлироқдир. Бу ерда нафақат сўз охиридаги, балки кўпинча сўз бошидаги "t" товуши "d"га юмшайди. Масалан: "turmek", "tatli", "toje" сўзлари "durmak", "dadli", "doje" сингари кўриниш олади".

Олимнинг кузатувлари лингвистик нуқтаи назардан асосли. У Махтумқулини дарвешлар сирасига киритиб, Шарқнинг мутафаккир шоирлари Аҳмад Яссавий, Ғузулий, Сўфи Аллоҳёр, Машраб қаторига қўяди. Махтумқули ҳам шеърларида "Анал ҳақ" деб ҳайқирган Мансур Ҳаллож, хирқа кийган Хожа Аҳмад Яссавий, қарами жўш урган Шоҳ Нақшбанд, товонидан сўйилган Насимий, Мавлоно Жомий ва Ҳазрат Навоийни зикр этган. Шоир фикрича, бу улуг зотларга мансуб йўлдан боришнинг шарти бор, яъни "ҳақиқат йўлига кирган дарвешлар"га муршид лозим. Чунки манзил олис, йўлда эса жин-арвоҳ, арслон, бўри, хавф-хатар, қайғу, дард бисёр. Бордию шайтон йўлдан урса, барча эзгу амалу ниятлар беҳуда кетиши ҳам ҳеч гапмас. Умуман, шоир ўз салафлари каби умрнинг елдек ўтишини, бу дунё инсон ақлини шоширадиган "ажиб бир қарвонсарой", ўлим эса ҳар бир тирик жон тотадиган "аччиқ шарбат" эканини яхши билади. Отанани ранжитмаслик, тилни ғийбатдан тийиш, кибр-ҳаводан кечиш, бегонага сир бермаслик, хушёрлик ва мардликка қакиради; нафсни аждаҳога, амалсиз олимларни мева-васиз боққа, танадаги жонни меҳмонга ўхшатади; закотсиз мол-дунё йиғмаслик, номард билан йўлдош, кўнгли қора билан улфат бўлмасликини маслаҳат беради. Хуллас, шоир одамларни эзуликка чорлайди, ёмонликдан қайтаради. Шу маънода, Вамбëри шоир "ғазалларида асосан диний ва ахлоқий нуқтаи назар етакчилик қилади", дея тўғри таъкидлайди. Аслида, Махтумқули ижодининг тағзаминида Қуръон оятлари ва ҳадиси шариф ётади. Шоирнинг "Умидли бўл Юсуфдек", "Сабрли бўл Аюбдек", "Ҳалил ўғли Исмоил қурбондир, қурбонда", "Инсу жин-

га подшоҳ бўлган Сулаймон", "Асҳоби Каҳф ётар қоим" каби мисралари мағзини айнан фурқоний қиссалар асосида чақиш мумкин. Шоир охиратни, қиёмат кунини қайта-қайта эслатади; дину имонидан кечган, "кўзи боғли қушдай учиб" кетаётган ҳаромхўрлардан нафратланади; ўзи Ҳақни ёд этиб, Унинг фармонида бўйин эгади.

*Махтумқули, шукр эт сен Худога,
Ўлим баробардир шоҳу гадога.
Бесабр қул тез йўлқар балага,
Сабрли қул тура-тура шод бўлар.*

Оллоҳ берган ризққа шукр, мусибатига сабр қилади, чексиз кудратини кўриб фикр этади.

Махтумқули шеърятини тадқиқ этган Вамбери Ғарб ва Шарқ – икки қутб, икки маданий муҳитни кўрган шахс сифатида муайян хулосага келади. Марказий Осиё халқлари ҳаётини ўз кўзи билан кўрган, чуқур ўрганган ва Европа ҳаёт тарзи билан таққослаган назари ўткир сайёҳ-олим "Агар биз ўғрилиқ, талончилик ва разолат ҳукм сурган жамиятда ўғриларга қарши шеър айтсак ёки юртдошларимизни тамаки чекиш зараридан огоҳлантириб, уларда кўркүв ҳиссини уйғотадиган ғазал ўқисак, бу балки эриш туюлар", деб ёзади.

Ҳар бир оқил одам моддий ва маънавий неъматлар қийматини билиши, уларнинг қадрига етиши лозим. Тўрт мучанинг бутлиги, соғлом ақл ва тафаккур – улуғ неъмат. Расулulloҳ (с.а.в.) айтадиларки: "Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат билинг: ўлимдан олдин тирикликни, бетобликдан олдин саломатликни, бандликдан олдин бўш вақтни, кексаликдан олдин ёшликни, фақирликдан олдин бойликни".

Махтумқули ушбу ҳадиси шарифни қуйидаги шаклда назмга солади:

*Соғлиқнинг қадрини қилгил, хаста бўлмасдан бурун,
Хасталик шукрини қилгил, токи ўлмасдан бурун.
Қуруқ ер қадрини бил, дарё тошмасдан бурун,
Кемада ҳушёр ўтиргил, гирдобга келмасдан бурун,
Ёшлиқнинг қадрини бил, то кексаймасдан бурун.*

Яқин ўтмишда адабиётшунос олимлар Махтумқули ижодининг асл негизи оят ва

ҳадисларга, Шарқнинг улуғ мутафаккирлари тафаккурига уйғун эканини очиқ эътироф эта олмас эди. Бугун эса шоир ижодининг концептуал моҳиятига тўғри ва холис баҳо бериш лозим, янги давр адабиётшунослари шундай имкониятга эга.

Дарвоқе, Вамберининг "Махтумқули мадраса кўрмаган эди" қабилидаги фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки шоир Хивадаги Шерғози мадрасасида таълим олгани, ўша муаззам даргоҳга бағишлаб:

*Макон айлаб, уч йил едим тузингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози!*

деган мисралар билан бошланадиган "Гўзал Шерғози" хайрлашув шеърини ёзгани маълум. Бу шеърни Вамбери ўқимаган чоғи.

Мажор олими туркман шоири ижодидаги етакчи бир мавзуга диққатни қаратади: "Махтумқули ахлоқий анъаналар билан бирга жанговарлик руҳини ҳам тараннум этди. Жангчи, унинг оти ва қуроли қандай бўлиши кераклигини тасвирлайди; ёвмут, гўклан ва така каби туркман қабилалари мардлигини доим кўкларга кўтаради". Бу эътирофларга эътироз йўқ. Чиндан ҳам, шоир шеърларида "Отлан, ҳо, отлан!" десалар, ўйноқлаган арабий отига минган, қўлига "олмос сулфокор", "ўткир қилич, қалқон, совут"ини олган "мард йигит мисоли сиртлон"дек йўлга отланади. Мақсади – "душман қўл урмасин қизил гулига". Мард йигит учун эл-юрт эрки, номусу ор ҳар нарсадан устун.

Вамбери туркман тилининг ўзига хослиги, Махтумқули шахси ва ижодини Европа илм аҳлига таништирган экан, унинг бу хизматини туркий халқлар маданиятига, хусусан, улуғ шоирга ҳурмат ва холис муносабат деб билмоқ лозим. Чунки олим, камтарлик билан, бу ишга "дастлабки ва ожиз бир уриниш деб қараш"ни сўрайди. Қолаверса, унинг қўлидаги "Девон" нусхаси сифатсизроқ бўлган: "Шунинг учун нафақат ғазални тушуниш, балки уни ўқиш ҳам мушкул ва бир қадар ишончсиздир. Масалан: دوتيا ўрнига دوتيا, ёки قوتات ўрнига قوت тарзида ёзилган арабча сўзлар орфографиясида хатолар бор. Эҳтимол, хаттот Эронда таваллуд топган ва туркий сўзлар имлосидан беҳабар бўлгандир.

Шу сабабдан бўлса керак, нафақат ҳарфлар, балки ҳатто сўзлар ҳам буткул тушириб қолдирилган, бу эса мавжуд нусхани тўғри ўқишни қийинлаштиради", дея қайд этади.

Назаримизда, Германияда дунё юзини кўрган ҳажмдор адабий-тарихий мақолани ўқиш, таҳлил қилиш ва қиёсий ўрганиш бугун Вамбери хизматлари қадрини ойдинлаштиради. Арабий матн ва немис тилига қилинган эркин таржима матни тадқиқи эса шоир шеърларининг янги маъно қатламларини очишга ёрдам беради. Махтумқулининг биргина "Тошлар била" шеъри таржимасини қиёслашнинг ўзи фикримизни қувватлайди. Туркманча, ўзбекча ва Вамбери нусхаси ўртасида шеър мазмунига таъсир қиладиган талай фарқлар бор.

Туркманчада:

*Гарры дунё ал ичинде,
Адамзат хыял ичинде.*

(Мағтымгули. Шығырлар. Хч томлук. I том. Ашгабат, "Туркменистан", 1992, сах. 286).

Ушбу мисралар ўзбек тилига бундай ўгирилган:

*Қари дунё қуради дом,
Инсон ҳаёл сурар мудом.*

(Махтумқули. Шеърлар. Т. 1. "Академнашр", 2013, 48-49-бет). Таржимада шеър таркибидаги сўзлар ва қофияланиш сезиларли ўзгарган.

Бошқа бир нусха:

*Қари дунё ол ичинда,
Одамзод ҳаёл ичинда.*

(Махтумқули. Сайланма. Т., "Фан", 2004, 106-бет). Шеър берилган саҳифада арабча "ол" сўзининг "ҳийла, фариб" маъноси борлиги тўғри изоҳланади.

Вамбери нусхасида матн бир сўзга фарқланади:

*Қаро дунё ол ичинда,
Одамзод ҳаёл ичинда.*

Вамбери "ол" сўзини "der Trug", яъни "ёлғон, алдов" деган маънода беради. Аммо дунё "қаро"ми ёки "қари"? Қайси бири Махтумқули дунёқараши ва фалсафасига яқин? Икки сўз арабий имлода бир-бири-

га яқин шаклда ёзилади. Эҳтимол, Фарба дунё "қора" (In Trug ist diese schwarze Welt) тусда кўринар, бироқ Шарқда дунё одатда кўҳна, қари, эски дея сифатланади. Қолаверса, Махтумқули бошқа шеърларида ҳам "кўҳна дунё" бирикмасини қўллаган ("Ким биларки, кўҳна дунё, Ё Раб, неча ёшиндадир?!", "Қолмамиш бу кўҳна дунё Рустам ила Золингга").

Шеърнинг давомида ҳам мулоҳазали ўринлар бор:

Туркманчада:

*Кеп көйлер биле отурдим,
Билмедим не иш битирдим (1992).*

Ўзбекчада:

*Кўп кўйлар билан ўтирдим,
Билмадим не иш битирдим (2004).*

Яна: *Кўп ўйлар суриб ўтирдим,
Билмадим, не иш битирдим (2013).*

Вамберида:

*Кўп гўйлар лабима уйирдим,
Билмадим, на иш битирдим.*

Биринчи мисра "Кўп сўзларни лабимга келтирдим, кўп гапириб қўйдим" маъносини англатади. Вамбери форсча "гўй" сўзини немис тилида "нутқ, гап", яъни "die Rede" деб ўгиради. Бир мисрадаги "көй", "кўй", "ўй" ва "гўй" сўзларининг охиригисида бадий мантиқ кучлига ўхшайди.

Яна тафовутга мисол.

Туркманчада:

*Бикер гойма өмүр тагты,
Ояндырсак уюмыш багты (1992).*

*Бикер гоймай өмүр тагты,
Ояндырсак оймуш багты.*

(Мағтымгули. Ашгабат. 1977, сах. 550).

"Уюмыш" ва "оймуш" сўзларининг қай бири тўғри? Улар ҳақиқатан ҳам "ухлаган" маъносини англатадими? Турк тилида "уйимиш"нинг "ухлаш" маъноси бор. Ўзбек тилига ўгиришда ҳам шу назарда тутилибди:

*Бекор кўйма умр бахтин,
Ўйготсак ухлаган бахтин (2004).*

Бекор кўйма умр тахтин,

Уйғот ухлаб ётган бахтни (2013).

Вамбери нухасида эса "тахт" ўрнида "та-
лабчан, қаттиққўл, оғир" ва бошқа маънолар-
ни англатадиган "сахт" сўзи қўлланган:

Бекор кўйма умр сахти,

Унидёрсан уймиш бахти.

Вамбери "умр сахти" бирикмасини "das
schwere Leben", яъни "кучли, қудратли
ҳаёт" деб таржима қилади. Таржима маз-
мунан "умр сахти"га мос келади. Аслида,
"уймиш" сўзи "уйилган, жамланган, бўйин-
сунган, эргашган" маъноларида ҳам келади.
Махтумқули ижодида бу сўз айнан шу маъ-
носида ("нафсинга уйма", "Қуръонга уйдим")
кўп қўлланади. "Уймиш бахт" бирикмаси-
ни Вамбери "das gunstige Schicksal", яъни
"қулай тақдир" деб беради. Вамбери нуха-
сида ушбу мисралар: "Сен қудратли, кучли,
соғлом ҳаётингни беҳуда ўтказма, акс ҳолда
сенга қулиб боққан бахтни, тақдир инъомини
унутасан", деган мазмунда ифодаланган.

Биргина шеър ва унинг таржимаси усти-
даги баъзи қиёсий кузатишларда шеърнинг
маъно такомилига таъсир этадиган бир қанча
тафовут мавжудлиги маълум бўлди. Бундай
жиддий фарқлар, маънонинг мутлақо ўзга-
риб кетиши бошқа шеърларда ҳам учрайди.
Мисол учун "Майдон йўлиқса" сарлавҳали
шеърнинг бир бандини қиёслайлик.

Туркманчада:

Йигит бардыр сөзүн тапмаз, суррудыр,

Йигит бардыр **деми дашлар эридир**.

Жай еринде гайра галса гаррыдыр,

Гоч йигидиң **аты** чаман ёлукса.

(I том, 1992, сах. 101).

Ўзбекчада:

Йигит борки, сўзи дилига оғритар,

Йигит борки, **дами тошни эритар**,

Узоқ жойда ёлғиз қолса қаритар,

Мард йигитнинг **оти** чаман учраса.

(2013, 257-бет).

Яна:

Йигит бордир – сўзлайман деб чиритар,

Йигит бордир – **дами тошни эритар**,

Узоқ ерда якка қолса, қаритар,

Мард йигитнинг **оти** чаман учраса.

(Махтумқули шеърлари. Т., "Фан", 2007, 58-
бет). Ҳар икки бандда ҳам таржимон закова-
ти ва маҳорати кўриниб турибди.

Вамбери нухаси эса юқоридagi матн-
лардан бирмунча фарқ қилади:

Йигит бордир сўзин топмаз, сўрийдур,

Йигит бордир **дамдошина ихрийдур**.

Жой еринда ғариб бўлса, қурийдур

Қўч йигитнинг **оти**, чаман йўлиқса.

"Дами тошни эритар" деган сўз бирик-
маси Вамбери нухасида "дамдоши" шак-
лидаги ясама сўз билан ифодаланган.
Немис тилига "ihre Umgebung (Genosse)",
яъни "атрофидагилари (дўстлари)" деб
таржима қилинган. Вамбери "дамдош"ни
матндан ташқарида "яқин қариндошлигига
кўра ҳамроҳ, ҳамнафас" деб изоҳлайди.
"Ихрамоқ" – бақирмоқ, иргимоқ, ташланмоқ
маъносида. Чунки таржимон уни "verachten",
яъни "ёмон кўради, ҳурмат қилмайди" деб
ўғирган. Туркманча ва ўзбекча – барча нух-
халарда банднинг тўртинчи мисрасидаги
"от" сўзи жонивор маъносида келади. Вам-
бери эса "от" сўзини "йигитнинг номи, донги,
қахрамонлиги" тарзида тушунади ва немис-
чага шу маънода таржима этади. "Чаман" сў-
зини "гулзор" – "die Flur" деб ўғиради. Унинг
матнида "қариш" эмас, "қуриш" ҳақида сўз
бор. Умуман, Вамбери нухасидаги шеър
матни немис тилига ўғирилган таржима
ёрдамида қуйидагича тушуниш мумкин:
"Шундай мард йигитлар борки, айтар сўзи
бўлмаса, бирор нарсани билмаса, албатта,
бошқалардан сўраб олади. Шундай номард
йигитлар борки, ўзининг энг яқин кишисини
– дамдошини ҳам ҳурмат қилмайди. Агар
беғона жойларда ғариб бўлиб юрса, мард
йигитнинг шаъни-довруғи-оти – гарчанд у
чаман-гулзордек обод масканда яшаса ҳам,
худди ариқ суви қуригандек қуриб қолади".
Эҳтимол, дастлабки варианти тўғрироқдир.
Балки Вамбери нухасига ишониш керак-
дир. Зеро, тазод санъати ҳам, ёт элларда-
ги сарсон-саргардонлиқни қоралаш мотиви
ҳам Махтумқули шеърятига хос муҳим ху-
сусиятлардандир.

Махтумқулининг турли давр ва жойлар-
да босилган "Девон"и матнида баъзи тафо-

вутлар бор. Буни мутахассислар яхши билади. Зеро, ҳар бир туркий миллатнинг ўз тили ёки лаҳжасига мослаган қўлёзмалари бўлиши ҳам табиий. Вамбери қайси хат-тот қўчирган қўлёзмадан фойдалангани эса маълум эмас. Бироқ Вамбери нусхаси (1879) билан Махтумқули шеърларининг Ашхободда босилган охириги нашрларидан бири (I томи 1992 йил; II томи 1994 йил) қиёсланганда кўплаб матний фарқлар борлиги аниқланди. Унда маънога таъсир кўрсатмайдиган *юрак* – *кўнгил*, *аёл* – *хотин*, *тоши* – *атрофи*, *алдин* – *қўлдин*, *уят* – *ҳаё*, *жўшиб* – *тўлиб*, *оҳ чекар* – *оҳ деяр* каби бир қанча синонимик фарқлар учрайди. Шу билан бирга *қаро дунё* – *қари дунё*, *амалинг* *надир* – *аслиг* *надир*, *ёлғончи дунё* – *толлончи дунё*, *йилдан тўлмади* – *пуддан тўлмади*, *насихат* ортар – *фасод* ортар; тоғлар *ҳақинг нажидур* – тоғлар *ернинг михидир*; бир номардинг *кўп тоғли* ошиндан – бир номардинг *кўп миннатли* ошиндан каби маъно, шеър оҳанги ва вазнига таъсир кўрсатадиган ўнлаб тафовутли ўринлар бор. Фарқли жиҳатлар адабий матндаги жой ва исм номларида ҳам кўринади (Масалан, *Ҳомун* – *Харун*; *Фаргона* шахрина – *Дарганинг* шахрина).

Вамберининг Шарқ тилларини яхши билганини арабий имлодаги матнга ҳошияда ёзган юздан ортиқ изоҳидан ҳам билиш мумкин. Масалан: “*Қорумисен*, ё сайид-мисен, ё хўжа” мисрасидаги “қори” сўзини *قارى kari = Vorleser, Koranleser, eigentlich ein Hafz, der den Koran auswendig kennt*” (яъни овоз чиқариб ўқувчи, Қуръон ўқувчи, аслида ҳофиз, Қуръонни ёд билгувчи) деб аниқ-тиниқ изоҳлайди. Демак, жорий нусхалардаги “*қорачамисен*” сўзини Вамбери “*қорумисен*” шаклида нотўғри ўқиган, деб тахмин қилиб бўлмайди.

Махтумқулининг “*Ҳақ сени раъйинг била қўймиш жаҳонда*, / *Эта биланинг эт мунда, чилимқаш*” мисралари билан бошланадиган шеъри бор. “*Чилимқаш*”ни Вамбери немис тилида қуйидагича изоҳлайди: “*Cilim kes = Tabakraucher, eigentlich Pfeifenraucher, vom sagataischen Worte cilim = Wasserpeife. Das turkomanische Zw. ist jedoch cilim cekmek, und*

nicht cekmek wie im Osman”, яъни, зукко таржимон “*чилимқаш*” сўзининг чигатой тилидаги “*чилим*” – “*сувли чилим*” эканини, туркманлар “*чилим чекмоқ*” дейишинию бу сўз усмонли турк тилида “*чилим ичмак*” шаклида қўлланишигача ёзади. Шунингдек, шеърий матнларда келган “*Лув йили*”, “*даст бермоқ* – *қўл бермоқ*”, “*бази қурдинг*” каби сўз бирикмаларига ёзган изоҳлари ҳам олимнинг Шарқ муҳити ва туркий тилларни пухта билганидан далолат беради.

Арабий имлодаги шеърда қўлланган баъзи сўзлар билан уларнинг ҳошиядаги ёзув шаклида ҳам фарқлар бор. Масалан, “*Камлик ила камол бор, манлик ила завол бор*” (15-шеър) мисрасидаги “*ила*” сўзи арабий матнда “*илма*”, яъни “*м*” ҳарфи орттирилган ҳолда хато ёзилган. Изоҳда эса “*билан*” – “*ила*” маъносида, яъни немисча “*mit*” дея тўғри кўрсатилган.

Бошқа бир мисол: “*Ёмонни қўй, яхши йўл бор, шайтон иши бевод қолсун*” мисрасидаги “*бевод*” сўзи *برباد* (барбод) = *zerstört*, яъни “*вайрон бўлсин*” деб изоҳланади. Ҳолбуки, шеърий матнда “*барбод*” сўзи арабий ҳарфлар билан “*بيباد*” (бебод) деб нотўғри ёзилган. Бизнингча, бундай ўринларга Вамбери эмас, журнал ходимлари, ҳарф терувчилар йўл қўйган хато деб қараш керак.

Вамбери матнидаги баъзи сўз, сўз бирикмалари ва ҳатто мисралар қўлимиздаги мавжуд нусхалардаги муқобилига қараганда асослироқ бўлиб туюлади. Масалан: “*Сирка айтур: “Бол манам”, зифт ўзини ёғ саяр*”. Ўзбекча ва туркманча нусхаларда “*зифт*” ўрнида “*нефть*” (небит) қўлланган. “*Зифт*” – арабча сўз; лугавий маъноси – *елим, смола*. Ўйлаб кўрилса, қимматбаҳо, қора олтин сифатида тавсифланадиган “*нефть*”га қараганда қадрсиз “*елим, смола*”нинг (зифт) ўзини “*ёғ*” санаб манмансираши мантиқан тўғридир. Арабча “*з*” ва “*н*” ҳарфларининг ёзилишидаги ўхшашлиқ табиладилчиларни чап-фитган бўлиши мумкин.

Бошқа бир мисол:

*Махтумқули айтур: “Алҳукму лиллаҳ”,
Давлат боқийсини ўзинг бер, Оллоҳ.*

(Вамбери нусхаси).

Жорий ўзбекча ва туркманча нусхаларда:

Махтумқули айтур: “Алҳамдулиллаҳ”,

Давлат боқийсини ўзинг бер, Оллоҳ,

(Мағтымгулы. Шығырлар. Х4 томлук. II том.

Ашгабат. “Туркменистан”, 1994, сах. 84).

“Алҳукму лиллаҳ” — “Хукм Оллоҳга оид-дир” деган маънони билдиради. “Алҳамдулиллаҳ” — “Оллоҳга ҳамд бўлсин” демак-дир. Боқий давлат тилаётган одам Оллоҳнинг берган неъматларига “Алҳамдулиллаҳ” дея шукрона айтиб, уни янада зиёда этишини сўраши мумкин. Айни чоқда, боқий давлат сўраётган одам ризқ ўлчаб берилишига имон келтириб, “Алҳукму лиллаҳ” — “Хукм Оллоҳга оид” эканини тан олиб, тақдирга қўнган му-сулмон бўлиши ҳам мумкин. Шу маънода мантикий тарафдан ҳар икки арабий бирик-

ма тенг кучли бўлиб, қайси бири қўлланса ҳам хато саналмайди.

Махтумқулининг номи улуғ, лафзи табар-рук. Шоирнинг юракдан чиққан сўзи юраклар-га етиб боради. Бугун махтумқулишунослар сафи тобора кенгайиб бораётир. Зеро, Махтумқули шеърларидан бирини, ҳеч курса бирор мисрасини тадқиқ этган ҳар бир олим-нинг меҳнати, эзгу ғоялар тараннум этилган шеърларини бошқа тилларга ўғириб, тарғибу ташвиқ этган ҳар бир таржимоннинг хизмати таҳсинга лойиқдир. Жумладан, мажор олими Ҳерман Вамберининг ҳам.

Вамберининг ушбу таржимаси Махтум-қули “Девон”ининг мукаммал танқидий мат-нини тайёрлаш ҳамда шоир шеърларини немис тилига ўғиришга бел боғлаган мута-хассисга албатта асқатади.



O'zimizning "ajnabiylar" yoxud nutqimizdagi lotin iboralari

Лотин тили аллақачон "ўлик тил"га айланган бўлса-да, бугун ҳам маданий ҳодиса сифатида илмий-амалий аҳамиятини йўқотмаган. Лотин сўзлари кириб бормаган соҳани топиш мушкул. Ушбу кўҳна тилни ўрганишу иборалари маъзини чақишга иштиёқ ҳамон сўнмаган. Лотин иборалари жарангдор бўлиши билан бирга фикрни ёрқин ва лўнда ифода этишда ҳам қўл келади. Лотин тили католик черковининг расмий тилидир. Ватикан давлати ўз ҳужжатларини ушбу тилда юритади.

Ҳар қандай ибора ўз тарихи, тақдирига эга. Қуйида асрлар давомида истеъмолдан қолмай келаётган айрим лотин иборалари билан танишасиз. Улар антик давр кишиларининг руҳияти ва тафаккури ҳақида муайян тасаввур уйғотса ажаб эмас.

Ad calendae graecas.

Юнон календигача. Римликлар календ деб ҳар ойнинг биринчи кунини назарда тутган, шу кун қарз берган ва уни талаб қилган. Юнонистонда эса бундай одат бўлмаган, шу сабабли "юнон календигача" ибораси "амалга ошиши даргумон иш" маъносида истифода этилган. Бугунги кунда мазкур ибора ваъдасида турмайдиганларга нисбатан қўлланилади. Ушбу ибора ўзбек тилидаги "туянинг думи ерга текканда", "қизил қор ёқканда" ибораларига мазмунан яқин.

Ab ovo usque ad mala.

Тухумдан олмагача. Бошидан охиригача. Қадимги Римда тушлик одатда тухум ейишидан бошланиб, мева тановули билан ақунланган.

Amor non est medicabilis herbis.

Ишқ дардини даволашга гиёҳлар ожиз.

Aquila non captat muscas.

Бургут пашшага қиё ҳам боқмайди.

Calamitas virtutis occasio.

Муҳтожлик – ироданинг маҳак тоши.
(Сенека)

Charta (epistula) non erubescit.

Қоғоз (мактуб) "қизармайди". Ушбу ибора Цицероннинг "Дўстларга" асарида ишлатилган. Оғзаки айтишга истиҳола қилинган фикрни ёзма тарзда билдириш мумкин, деган маънони англатади.

Concordia parvae res crescunt, discordia maximae dilabuntur.

Муроса баъзан кичик давлатларни бир-лаштиради, баъзан эса йирик мамлакатларни парчалайди.

Corruptio optimi pessima.

Эзгуликнинг мағлубияти – энг аламли мағлубият.

Ducunt volentem fata, nolentem trahunt.

Тақдир ҳам интилгани бошга қўтиради, интилмагани оёқости қилади.

In vitium ducit culpaе fuga.

Хато қилишдан қўрққан албатта хато қилади. (*Горацій*).

Amicus Plato, sed magis amica veritas.

Афлотун менинг дўстим, бироқ ҳақиқат ундан азизроқ. Дастлаб Афлотунга нисбат берилган ибора манбаларда “Сукрот менинг дўстим...” шаклида учрайди. Кейинчалик “Сукрот” “Афлотун”га ўзгарган ва ибора Арастуға нисбат берилган. Ушбу накл ҳақиқат – барча нарсадан устун, на дўстлик, на севги унга тўсик бўлмаслиги керак, деган мазмунда истифода қилинади.

Auri montes polliceri.

Олтин тоғ ваъда қилмоқ.

Artes molliunt mores.

Санъат тийнатни юмшатар.

Barbam video, sed philosophum non video.

Соқоли бор одамни кўряпман, файласуфни эмас. Айтишларича, кунларнинг бирида юқори мартабали римликдан соч-соқоли ўсган киши пул сўрайди. Римлик унинг кимлигини сўраганда соқол ташки кўринишига ишора қилиб, файласуфлигини айтади. Шунда римлик “Соқолли одамни кўряпман, файласуфни эмас” деб жавоб беради.

Divide et impera.

Бўлиб юбор ва ҳукмронлик қил. Тарихий

манбаларда ҳикматнинг келиб чиқиши борасида турли маълумотлар учрайди. Жумладан, қадимги Римда у ташки сиёсат шиори сифатида қабул қилингани қайд этилади. Шунингдек, бу иборани Александр Македонскийнинг отаси Филипп (мил.авв. 382–336), француз қироли Людовик (1423–1483) қўлагани тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Уни француз иқтисодчиси ва файласуфи Пьер Жозеф Прудон (1809–1865) оммалаштирган.

Dura lex, sed lex.

Конун – чинакам конун.

Errare humanum est.

Инсон борки, адашар.

Festina lente.

Шошилмасдан шошил. Тарихчи Светонийнинг (70–140) ёзишича, мазкур иборани Рим императори Август (мил.авв. 63–14) кўп такрорларди.

Faber est suae quisque fortunae.

Хар ким тақдирини ўзи яратади. Ибора Рим консули ва шоири Клавдийга нисбат берилади.

Feci quod potui, faciant meliora potentes.

Мен қўлимдан келганича қилдим, бошқа биров дурустроқ уддаласа, бажонидил... Манбаларда ёзилишича, ушбу иборани Рим консуллари лавозимидан бўшаш вақти – сўнгги нутқида қўллаган.

Fortes fortuna adjuvat.

Мард одамни тақдир ҳам қўллайди. Манбаларда ибора Теренций ва Вергилийга нисбат берилади.

Usus magister est optimus.

Тажриба – энг яхши муаллим. (*Цицерон*)

Hos unum scio, idest nihil scire.

Мен ҳеч нарса билмаслигимни биламан.

Сукротни Юнонистоннинг энг оқил кишиси деб мактаган одамга файласуф шундай жавоб берган.

Iacta alea est.

Куръа ташланди. Манбаларда ёзилишича, бу сўзларни ҳокимиятни қўлга олиш арафасида Рим ҳукмдори Юлий Цезар (мил. авв. 44 йил) ёки Рубикон дарёсини кечиб ўтаётганда айтган.

Imperium in imperio.

Давлат ичидаги давлат.

Iurare(in verba magistri.

Устоз сўзи ҳаққи. Қадимда устоз катта обрў-эътиборга эга бўлган, шу сабабли шогирдлар унинг ҳар бир сўзини эътирозсиз қабул қилган.

Breve enim tempus aetatis, satis longum est ad bene honestque vivendum.

Умр қисқа бўлса-да, муносиб яшаш учун етарли.

Amicus incommodus ab inimico non differt.

Нобон дўстнинг душмандан фарқи йўқ.

Canis timidus vehementius latrat, quam mordet.

Қўрқоқ ит қаттиқроқ хуради.

Docendo discimus.

Ўргатиб, ўрганамиз.

Homines amplius oculis, quam auribus credunt.

Одамлар эшитганидан кўра, кўрганига кўпроқ ишонади. (Сенека, "Мактублар")

In magnis voluisse sat est.

Буюк ишларга бел боғлашнинг ўзи таҳсинга лойиқ. (Проперций, "Элегиялар")

Melior tutiorque est certa pax, quam sperata victoria.

Насия ғалабадан нақд тинчлик афзал.

Non fructificat autumnus arbor, quae vere non floruit.

Баҳорда гулламаган дарахт кузда ҳосил бермайди.

Oderint, dum metuant.

Ёмон кўрсалар ҳам майли, қўрқсалар бас. Шафқатсизлиги билан донг таратган Рим императори Калигула ушбу ибора муаллифи сифатида қайд этилади. Тарихчи Светонийнинг ёзишича, гарчи Калигула бу иборани кўп қўллаган бўлса-да, унинг муаллифи аслида бошқа. Ибора дастлаб Рим ёзувчиси Акцийнинг (мил.авв. 170–90) "Атрей" трагедиясида тилга олинади.

Omne ignotum pro magnifico est.

Ноаён нарса улуғвор туюлади.

Omnia mea mecum porto.

Бор бисотим – ўзим билан. Инсоннинг чинакам бойлиги унинг маънавияти, билимидир. Мазкур ибора Элладанинг етти донишмандидан бири Биантга (милл. авв. 590–530) тегишлидир. Қайд этилишича, Биантнинг она шаҳри Приенани форслар забт этгач, маҳаллий аҳолига ўзи йстаган мол-мулкни олиб кетишга рухсат берилади. Шунда қўлига илинган қимматбаҳо буюмларини ташиб кетаётган одамлардан бири донишмандга "Ҳеч нарса олмайсанми, нахотки биронта ҳам қадрли буюминг бўлмаса?" қабилида савол берганида, "Omnia mea mecum porto" дея хотиржам жавоб қайтарган экан донишманд.

Omnia mutantur, nihil interit.

Ҳеч нарса йўқ бўлмайди, ўзгаради, ҳолос.

Omnis ars imitatio est naturae.

Ҳар қандай санъат – табиатга тақлидир.

Per risum multum debes cognoscere stultum.

Аҳмоқни кўп кулишидан билиб олса бўлади (ўрта асрлардаги ибора).

Bene vincit, qui se vincit in victoria.

Ўзини идора этолган киши ҳеч қачон ютқазмайди.

Sermo datur cunctis, animi sapientia paucis.

Ҳамма ҳам чиройли сўзлаши мумкин, аммо доноликка хосларгина муяссардир.

Ne credes aurum quidquid resplendet ut aurum.

Ялтираган нарсанинг ҳаммаси ҳам олтин эмас.

Nosce te ipsum.

Ўзингни англа! Қадимги Грециянинг етти до-нишманди (Фалес, Питтак, Биант, Солон, Кле-обул, Мисон ва Хилон) Аполлон ибодатхонаси пештоқига шу иборани ёздирган экан.

Novus Ordo Seclorum.

Янги аср тартиботи. Ушбу ибора АҚШ дав-лат муҳри ва 1 долларлик банкнотнинг орқа то-монида битилган. Илк марта 1782 йили шиор тарзида эълон қилинган. Давлат муҳрини яса-ган Чарльз Томсон АҚШ янги даврга қадам қўяётганини шу ибора билан ифодалаган.

Primus inter pares.

Тенглар аро биринчи. Қадимги Римда Юлий Цезар шундай аталган.

Repetitio est mater studiorum.

Такрорлаш – билимнинг онаси.

Si vis pacem, para bellum.

Тинч яшашни истасанг, урушга хозирлик қўр. Манбаларда ёзилишича, бу иборанинг муаллифи Рим тарихчиси Корнелий Непот-дир (мил. авв. 94–24). Бугун ҳам сиёсат аҳли нуткида кўп қўлланилади.

Veni, vidi, vici.

Келдим, кўрдим, енгдим. Юлий Цезар за-фарли юришларини шу тарзда – лўнда ва содда шаклда ифодалаган.

Verba volant, scripta manent.

Сиёҳ билан ёзилгани болта билан ўчириб бўлмайди.

Aurea mediocritas.

Олтин мўътадиллик.

Citius, altius, fortius!

Тезроқ, баландроқ, кучлироқ! – Олимпиада ўйинлари шиори. 1913 йили Халқаро Олим-пия қўмитаси томонидан қабул қилинган.

Cogitations poenam nemo patitur.

Фикрлагани учун бировни жавобгарлик-ка тортиб бўлмас.

Dies diem docet.

Кун кундан “ўрганар”. Бошқача айтганда, эртанги кун – бугуннинг “шоғирди”.

Аброр ЮСУПОВ тайёрлади.

ADOQSIZ SUHBATLAR

Nabi JALOLIDDIN
mutolaa qiladi

ИНСОН ЯРАТГАНГА ҲАМИША МУҲТОЖ

Михаил Булгаков. Уста ва Маргарита (Қодир Мирмуҳаммедов таржимаси).
Тошкент, "Ёш гвардия", 1987 йил.

Инсоният дунёсида Худонинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги баҳс, мунозара азалдан бўлган. Бу ҳол тўрт илоҳий китоб юборилганига қарамай мудом давом этмоқда. Тўғри, аслида баҳс ҳам, мунозара ҳам деб аташ ножоиз мазкур жараён, аввало, ҳар бир одам қалбида, шуурида пинҳона кечади ва нима сабабдандир у тугёнга келгандагина ташқарига чиқади ҳамда кўнгил қатларида яшири-ниб ётган иштибоҳларни уйғотиб, гоҳида дунёни ларзага солган воқеа-ҳодисаларга сабаб бўлади.

Ҳар бир нарсa ўз мазмун-моҳияти, моддийлиги ва аслияти билан муайян қимматга эга. Башарнинг турфа динларга мансуб жамики олиму уламoси соғ-носоғ, маст ёки рост ҳолда шу ҳақда бош қотириб, аслида Худо эмас, ўзининг мавжудлигини исботлашга уринган. Зотан, ҳар бир одам дунёга, борингки, атроф-муҳитга ҳамиша ўз аҳволига муносабат билдиради. Бундан ортигини кутиш одамзодга бегона фазилатларни тиркаш билан баробар. Шунинг учун унга Худо керак, зарур! Акс ҳолда, одам боласи ўзи каби онгли бошқа бирон мавжудотнинг, ҳатто Худонинг-да "хаёли"га келмаган (ифода ноҳўя чиққан бўлса Ўзи кечирсин!) ёвузликларни, ўзбекона-шарқона айтганда, номаъкулчиликларни қилишга қодир.

Қаранг, Рим прокуратори Понтий Пилат (императорнинг ноиби, яъни ишончли киши) ўз тахтида ўтирибди, боши оғриқдан ёрилай деяпти, фикри-ёди – шу азобдан фориг бўлиш. Шу тобда унинг олди-га маҳбус олиб кирилади. Прокуратор уни ҳукм қилиши керак. Аммо



махбус кургур бошқачароқ чиқиб қолди: уни "саховатли (балки яхши) одам" деб атади. Шунангиси ҳам бўладими? Ахир, одатда, маҳкумлар ёлворади, шафқат сўрайди, бошқа жиноят қилмасликка сўз беради. Бу эса ҳадеб ўз гапидан қолмайди – ҳаммани "саховатли одам" атайверади. Ҳатто юзини пачақлаб ташлаган каллакесар Каламуш-кушни ҳам. Бундай олижанобликни, эзгуликни ким бағрига сиғдира олади? Худо ёки унинг элчиси – пайғамбар-да! Прокуратор қаршисидаги пажмурда махбуснинг ҳамон "саховатли одам" деяётганига, ўлгудек азоб бераётган бошоғриги ариганига, теграсида қалдирғоч уча бошлаганига, шўрлик махбусга чин дилдан яхшилиқ қилгиси, уни афв этгиси келганига, рўпарасида худдики пайғамбар турганига қарамай, уни қатлга ҳукм этди.

У бор-йўғи Рим давлатидаги кўпхудоликни инкор қилиб, адолатли жамият ҳақида гапирган эди. Бу даъват эса унинг қалбига Худонинг изни билан кирган...

Москванинг Патриарх кўли бўйида иссиқдан жизғанақ бўлиб ўтирган шоир билан муҳаррир Исо алайҳиссалом ҳақида баҳсга киришган. Ўша он рўпараларида "ажнабий одам" пайдо бўлади. У инглиз, немис, француз, поляк, ҳатто ўрис бўлиб кўринади. Ҳамма тиллари билиши-чи! Шоир муҳаррир Худо йўқ, Исо алайҳиссалом ҳам бўлмаган, дейди. Худо бўлмаса, бу дунёни, ҳаётни ким бошқаради? Албатта, инсоннинг ўзи-да, дейди билагонлар пинак бузмай. Ахир, дунёни бошқариш учун ҳеч йўқ "минг йиллик" режа керак-ку?! Одам боласи эса, ўз умрини режалаштириш тугул, бир соатдан кейин нима бўлишини ҳам билмайди. Алқисса, муҳаррир Аннушка тўккан мойга сирғалиб кетиб, трамвай остида қолади – калласи чўрт узилади.

"– ... мамлакатларинг қанақа ўзи, нимани сўрасанг – йўқ!.."

Авалроқ эса "Иблис ҳам йўқ дегн?" деб сўраган эди ажнабий. Икковлон Иблис-ни ҳам инкор қилган эди. Аслида эса Иблис уларнинг қаршисида профессор Воланд қиёфасида турарди. Одамзод уни кўриб турибди-ю, яна инкор этяпти. Қизиги, ҳатто Иблис ҳам Худо бор, унинг пайғамбари Исо алайҳиссалом чиндан бўлган, дея эътироф этяпти. Лекин одамзод ишонмаяпти бунга. Шундан сўнг Воланд – Иблис худосизлардан ўч ола бошлайди. Бироқ ёмонлик қиламан деб яхшилиқ қилади, яъни уларнинг асл ниятини рўёбга чиқаради...


Михаил Булгаков ўз даврининг (воқеалар XX аср 30-йиллари собиқ СССР худудида кечади) чинакам манзараларини, фожиаларини бор-борича чизиб беради. Худосизлик, хиёнат, чакув, очлик, қатағон авж олган таҳликали даврда яшаб, уни ҳаққоний ёритиш том маънода жасорат эди. Умуман, ёзувчининг романлари, қисса ва ҳикоялари, пьесалари, ҳатто мақолаю фелъетонларини ўқиб, ҳайратланмай илож йўқ: уларда реализм ҳам, фантастика ҳам, юмор ва сатира ҳам, дунёвий ва диний фалсафа ҳам бор. Шу маънода, гоҳо ўша даврда бизнинг адабиётимизда нега бундай асарлар ёзилмаган, дея ўқинганим рост. Ахир, бизда ҳам не-не истеъдодли қаламқашлар бор эди-ку?! Демак, ҳаммаси (жасорат ҳам) одамнинг (ижодкорнинг) ичида экан-да...

Булгаков "Уста ва Маргарита"ни ўн икки йил мобайнида ёзган. (Романнинг русчасини ҳам ўқиганман.) Умрининг охири кунларигача аёли ёрдамида тузатишлар қилган, дейишади. Қизиқ, ёзувчи яна беш ёки ўн йил яшаганида, роман қай аҳволга келар эди? Асарда сюжет, фикр шу қадар қўйма ва бетакрорки, биронта детални ортиқча дейиш қийин. Бунинг устига, романда бош қаҳрамоннинг ўзи йўқ, тўғрироғи, персонажларнинг ҳар бири бош қаҳрамон; улар қусурлари, фазилатлари билан тирик одамлар даражасига кўтарилган.

Ўрислар бу ёзувчини (романини ҳам) бежиз мистик (илоҳий) ҳислатларга дохил, дейишмайди. Чунки у XX аср дунё адабиётига Худонинг чинакам инъоми эди.

Буюк Булгаковни шунинг учун ҳам қадрлаймиз-да!

ДАҲО ИСЁНИ



Умар Х а й ё м. Рубоийлар. “Радуга” нашриётининг
Тошкент бўлими, 1985 йил.

Қизиқ-да, одамзод ақл топиб белгиллаган шартли йигирма аср, яъни икки минг йилдан ортиқроқ муддат ҳаммамизни асир этган. (Агар мусулмон тақвимида ҳисобласангиз, бу янада оз – ўн беш аср.) Ушбу муддат мобайнида қовриламиз, ёнамиз, ақл-тафаккуримизга ўзимизча, посангилар кўямиз, тарихдаги кимлардандир ибрат оламиз, кимлардандир нафратланамиз, хуллас, замонага қараб, ўзимизга ҳам (ҳар хил қирову қорлардан сақловчи) “пўстин” бичамиз, ҳеч йўқ шунга уринамиз...

Диний, дунёвий, ҳатто баъзи тасаввуфий олимларнинг битикларини ўқисангиз, худдики ўтмишда одамлар эмас, нукул фаришталар яшагандек. Гўё боболаримизнинг барчаси оқилу доно ва фақат Худо билан “гаплагандай” туюлади. Диний-тасаввуфий илмлардан бохабар бир марҳум шоир ҳазил аралаш айтган эди: “Фалончи (буюк аллома) олим-мутафаккиримизда, аслида, ҳозирги ўзинчи синф боласининг (ўн йил олдинги гап бу) ҳам билими йўқ эди”. Филҳақиқат ўша даврда ҳам, ундан олдину кейин ҳам ҳамisha ўзимиз сингари одамлар, оддий одамлар яшаган, шуни унутмаслигимиз керак.

Дейлик, Умар Хайёмни (ҳозирги ТВсиз, Интернетсиз ҳам) бутун дунё халқлари ўқиган, ўқийди. Хайём рубоийлари ҳар йили дунёнинг кўплаб тилларида миллионлаб нусадада чоп этилади, у ҳақда илмий, бадиий асарлар яратилади. Бизнингча, агар у оддий одамлик, яъни бандалик борасида гапирмай, бирон дин, мазҳаб, тил ёки қайсидир табақа манфаатини кўзлаганида, номи минг йил оша яшамас эди. Бизнингча, Форобий ҳам, Хоразмий, Беруний ҳам, Навоий ёки Бобур, борингки, Машраб ҳам оддийгина одам эди ва эҳтимол, оддийгина одамга нисбатан буюк ишлар қилгандир.

Баъзилар (айниқса, бизда) Хайёмни илоҳийлаштиришгача бориб етмоқда. Гўё XI асрда оддий шоир, олим эмас, илоҳиётчи имом, ҳозирги давр тилида айтганда, қори-мулла яшагандек. Тўғри, у ўз даврида диний илмларни чуқур эгаллаган, форсий, арабий, туркий тилларда сўзлай олган, шунингдек, дунёвий соҳаларда ҳам ҳануз қимматини йўқотмаган кашфиётлар қилган инсон эди. Лекин уни бутун дунё, энг аввало, рубоийлари орқали билади, севади. Бировлар бу рубоийлар Хайёмники эмас, дейди, кимлардир уни даҳрийга йўяди, бошқаси салкам авлиё, пайғамбар даражасига кўтаради... Бироқ кўпинча Хайёмнинг оддий одамликка интилгани четлаб ўтилади. Очиқ айтмай, XIV асрдан кейин пайдо бўлган тасаввуфий истилоҳларни (жом – кўнгил, май – ишқ, ёр – Оллоҳ) ҳам унга тиркай бошлашди.

*“Илоҳиёт илмин ўргат”, деди дил,
Агар ўзинг билсанг, менга баён қил.
“Алиф” деган эдим, “бас”, деди менга,
Бир ҳарф ҳам етади ким бўлса оқил.*

Ёки:

*Улким, гўзалларга хандон лаб бермиш,
Дард аҳлига жигар қонин зап бермиш.
Қисматимиз шодлик бўлмаса, не ғам,
Шодмиз, чунки ғамни минг-минглаб бермиш.*

Яна:

*Тупроқни топтайди нодон оёғи,
Билмаски, бу жонон юзин тупроғи.
Сарой гунгирасин беазаган ҳар гишт –
Султон калласи ё вазир бармоғи.*

Энди мана бунисига қулоқ тутинг:

*Каъбаю бутхона – қуллик хонаси,
Бутхона занги ҳам шум таронаси.
Меҳробу калисо, тасбеҳу салиб –
Барчаси қулликнинг бир нишонаси.*

Буюк мутафаккирнинг ўзи айтиб турибди – у дин, миллат деган тушунчалардан юқори кўтарилиб, мутлақ эркин истаган, одамзод турли қонун-қоида, аҳкомлар, бординки, одатларни кашф этабориб, ўзи беихтиёр ана ўшаларнинг қулига айланиб қолишдан изтироб чеккан.

Гоҳо Хайёмни дахрийликда, Оллоҳга исён қилишда ҳам айблашади. Йўқ, шоир Яратгувчининг чинакам ошиғи, уни жони-жаҳони билан севган. Аммо рубоийларида “ҳаммаси сенинг измингда рўй беради”, “ҳаммасини ўзинг биласан, биласан-у, нега мени жазолайсан ёки сўроққа тутасан” мазмунидаги фикрларни айтаркан, инсон нақадар ожиз, айланиб-ўргилиб яна Яратгувчига муҳтож бўлади, акс ҳолда, унинг аҳволи хароб демоқчики, бу зинҳор Оллоҳга эмас, одамзоднинг ўзига исёндир.

Хайём ҳақида сўз борганда, қандай давра бўлишидан қатъи назар, албатта май, яъни маст этувчи ичимлик борасида ҳам гапирилади. Майхўрлар (айниқса, ўрисларда ва Ғарб халқларида) унинг рубоийларидан ўқиб, қадаҳ кўтаради. Аслида, кишининг ичиш ёки ичмаслигиёқ бир нарсани ҳал қилмайди. (Атрофимизда яшаётган, қолаверса, дунёдаги буюк шахсларнинг феъл-атвори, нуқсонлари қадимда ҳам одам – одам бўлганини яна бир бор ёдимизга солади.) Бу борада ҳам Ҳазратнинг ўзига мурожаат қилақолайлик:

*Ҳушёр бўлсам, мендан ҳушнудлик йироқ,
Маст бўлсам, ақлимдан ажрайман бироқ.
Мастлигу ҳушёрлик оралиғи бор –
Ҳаёт шу, унга қул бўлсанг яхшироқ.*

Яна:

*Мен майни қуенамоқ учун ичмайман,
Шодлик деб одобу диндан кечмайман.
Мақсадим – ўзликдан кетиб бир нафас,
Ором олса, беҳуш бўлиб жону тан.*

Буниси-чи!

*Бир кўлда Қуръону битмасида жом,
Баъзида ҳалолмиз, баъзида ҳаром.
Фируза гумбазли осмон тағида
На чин мусулмонмиз, на кофир тамом.*

Хўш, бу ерда шоирнинг исёни кимга, деб ўйлайсиз? Асло Яратганга эмас! Ўз манфаати йўлида минг бир тусда товланаётган, ўзига ҳар қанча турфа фазилатлар тиркамасин, инсон барибир гуноҳу хатодан холи бўлполмаслигига – ожизликка қарши исён бу!

Айтинг-чи, маросимларда дунёю охиратдан ваъз айтиб, сўнгига соҳиби хонадоннинг “кўкиш” кафтига қараб турган ёки Оллоҳнинг сабр-бардош, нафс ҳақидаги йўриқларини сўзлаб бўлиб, иккинчи ёш хотинининг қўйнига шошилган, уч-тўрт сўм пул

учун ўн олти ёшли қизчани эллик-олтмиш яшар кишига никоҳлаб қўйган қори домланинг гуноҳи кўчада ширакайф ҳолда қўшиқ ёки Қуръон оятларини хиргойи қилиб кетаётган одамникидан камми?! У ёғи Худого аён. Бу борада ҳам шоирнинг ўзи очик-ойдин айтиб қўйган:

*Мастни таъна қилма, ичмасанг соғар,
Ғийбат – дoston қилма, бўлма ҳийлагар,
Кеккая кўрма ҳеч май ичмайман, деб,
Сенинг қилмишларинг бундан бешбаттар.*

Математика, геометрия, астрономия, фалсафа каби фанларда буюк кашфиётлар қилган, Қуръон ва Ҳадис илмининг пешқадами, беназир шоир Умар Хайём бутун дунё халқлари учун бирдек сеvimли – шунинг ўзи унга берилган юксак баҳодир. Чунки у ҳеч бир тама ва иддаоларсиз ҳақиқий инсон мақомига кўтарила олди.

Халқимиз шоир рубойларини атоқли хайёмшунос ва мутаржим Шоислом Шомухамедов таржималари орқали билди, ўқиди. У кишининг руҳига дуоларимиз бисёр. Аммо Хайём рубойларини янада мукаммал ўгириш пайти аллақачон келган.

Ҳазрат бундай ёзади:

*Кўплар донишманд деб билдилар ўзни,
Худонинг зотидан очдилар сўзни.
Ҳеч бири билолмай азал сирларин,
Алжираб-валжираб юмдилар кўзни.*

Мен ҳам ушбуни алжираб-валжираб тугаллаётгандекман...

“...ТОКИ ҚУЁШ ШАРҚҚА БОТСИНИ”

Альбер Камю. Избранное. Москва, “Радуга”, 1988 год.

Бундан ўн-ўн беш йиллар илгари олиму ёзувчиларимиз Альбер Камюни (Кафкани ҳам) роса “байроқ” қилишди. Шу баҳона унинг баъзи асарлари ўзбек тилига ўгирилди.

Шахсан менга Камюнинг “Бегона”, “Вабо” каби шов-шув қилинган асарлари ёқавермайди. Турган-битгани рутубат, зулмат. Эҳтимол, улардаги “буюк фикрлар”га каминанинг ақли етмас. Аммо “Калигула” пьесаси хайратга солгани рост.

Камю бу асарни 32 ёшида ёзган экан. Мен эса уни 38 ёшимда бир ой ичида она тилимизга ўгирдим ва у “Жаҳон адабиёти” журналининг 2013 йил ноябрь–декабрь сонларида (Камюнинг 100 йиллигига) босилиб чиқди. Ҳа, Камю киму сен ким, бу ерда ёшнинг нима алоқаси бор демоқчисиз-да?.. Ҳақсиз. Аммо ақл-тафаккур ва унинг маҳсулини ифода этиш борасида, ёшнинг аҳамияти бор-дек (гарчи “Ақл ёшда эмас, бошда” бўлса-да).

Авалло, Камюдек бир неча йирик роману қисса, ҳикояю эссе ёзган одам нега энди “Калигула”ни пьеса “қилиб қўяқолди”? Нима, у романга ёки қиссага арзимасмиди? Арзирди, албатта. Лекин муаллиф дунё ва инсон ҳақидаги фикрлари, изтиробларини бир ўзанга тизиб чиқишни истагани учун ҳам шу жанрни танлагандай туюлади. (Аслида, қадимги Рим императори Калигула – тарихий шахс, бироқ Камю Калигуласи ундан фарқ қилади. Тарихдаги Калигула, ёзишларича, том маънода ёвуз, ваҳший ва ахлоқсиз бўлган. Камюнинг Калигуласига бу сифатларни тираб кўринг-чи!)

Калигуланинг баъзи гапларини ёдингизга солсам: у саҳнага биринчи парданинг учинчи кўринишида этни-боши ифлос, лойга беланган, аянчли бир аҳволда кириб келади. Геликон ундан қаерда бўлганини сўрайди.

"Калигула: Топиш мушкул бўлди.

Геликон: Нимани топиш?

Калигула: Излаган нарсамни.

Геликон: Нени излагандинг?

Калигула: Ойни.

...

Геликон: Нечун?

Калигула: Шунчаки. ... У менда йўқ нарсаларнинг бири".

У – император, истаган нарсаси мухайё. Унда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Ўйлаб қараса, фақат "шахсий ойи" йўқ экан.

У айтади: "Назаримда, мавжуд нарсаларнинг тартиботлари бутунлай яроқсиздир... Бу оламни шундайлигича қабул қилиб бўлмайди. Шунинг учун менга ой керак, ёки бахт, ёки абадий ҳаёт, майли, қанақадир ақл бовар қилмас нарсамни, зарур, фақат у мана шу оламдан бўлмаса бас".

Калигула чексиз-чегарасиз эркидан, ҳаётидаги мислсиз сазоворликлардан зериккан. Одамларнинг ёлғонга, хушомадга муккасидан кетгани, қулликка кўникиб, уни бахт каби қабул этиши жонига теккан. Одамзоднинг умри мантиқдан йироқ ёки у мантиққа бутунлай бўйсунмайди.

У шундай фармон берадики, барча бойлар, мулкдорлар ўз фарзандларини меросдан махрум қилсин. Шундан сўнг меросхўрсиз қолган оталарни турли усулларда ўлдириб юбориш кўзда тутилади. "Бошқариш – талаш демакдир. – дейди Калигула, – бу ҳаммага аён. Фақат турли усуллари бор. Мен эса ошкора талайман. Бу қуйи табақани озод этади". Яна дейди: "Ва ниҳоят мен ҳокимиятга недан наф келишини тушундим. У имконсиз нарсаларга аллақандай имкониятлар беради. Бугун ва келажак барча замонларда менинг эрким чегарасиздир". Яна: "Мен адабиётчиларни ёқтирмайман, уларнинг ёлғонларига тоқат қилполмайман. Улар ўзини тингламаслик учунгина гапирди. Агар улар ўзини тинглаганида эди, нақадар тубан эканликларини тушунарди ва унлари ўчарди. Бас, етар. Мен ёлғончилардан нафратланаман".

"Одам бўлмоқ нақадар оғир ва аччиқ".

Ана, энди Калигуланинг қалби очилади: "Агар мен дунё тартиботларини ўзгартиролмас, токи куёшни Шарққа ботадиган, токи қайғу-азоблар йўқолиб, одамларни ўлмайдиган қила олмас эканман, менга қаттиққўлликнинг бу мисли кўрилмаган қудратнинг не кераги бор?"

Энди "Уста ва Маргарита" романи эпиграфини эсланг:

"– Кимсан, айт!

– Мен ҳаргиз ёмонлик тилаб –

яхшилиқ қилгучи кучнинг бир қисми".

Гёте. "Фауст".

Бу – Воланд, яъни Иблиснинг тутуми, гоёси.

Қаранг, Калигула дунёни ўзгартириш, одамларга боқий умр ва бахт тўхфа этиш учун шунча ваҳшийликлар қилаётган экан. Агар шу эзгулик бўлса... Калигула "Худонинг иши"га аралашмаяптими, сизнингча?

Қуллик инсонни аянчли, жирканч аҳволга солганидек, чексиз куч-қудрат ҳам уни ёвузликка етаклайди.

Калигула бундай дейди: "Мен осмон ва денгизни аралаштириб, гўзалликни расволик билан қориштириб, азобдан қулгининг парчаларини ажратиб олмоқни истайман".

Калигула худолик даъво қилаётгандек, одамлар ўлмаслиги ва бахтли бўлиши учун уларга бир мураббий керак, деб ўйлайди ҳамда ўз тимсолида ана ўша мураббийни кўради. Қадимги Мисрда Фиръавн шу тарзда пайдо бўлган эди.

Калигула – бағоят кучли ақл-тафаккур соҳиби. Агар у имонли ҳам бўлганда, асло шаккоклик қилмасди, эҳтимол, авлиё мақомига ноил бўларди. Унинг фожиаси – йўлни йўқотишни йўл деб билишидир.

Шу ўринда Ҳазрати пир – Баҳоуддин Нақшбанддан иқтибос зарур кўринади: "Бу қавм улуғларининг сўзлариданки, бу йўлда юргувчи ўз нафсини Фиръавннинг нафсидан юз марта баттар деб билмаса, демак, бу йўлда эмас".

Калигула яна бундай дейди: "Мен яшаяпман, мен ўлдирыпман, мен маъбудлар қудрати унинг олдида ожиз бир тақлид бўлиб қолгучи бузғунчининг фавқулдда бир қудратига эгаман. Мана шу – бахтиёрлик дегани. Ақл бовар қилмас хурлик, оламдаги борки нарсадан, атрофдаги қон ва нафратдан жирканиш, бир нигоҳ билан бутун ҳаётини қамраб олгучи инсоннинг мислсиз ёлғизлиги, жазога тортилмаган қотилнинг адоқсиз қувончи, инсон умрини... мажаклаб ташлагувчи бешафқат мантиқ – мана шунинг ўзи бахт".

Калигула ўлаётиб бундай дея ҳайқиради: "Мен ҳали тирикман!"

Калигула – ҳали тирик!

"Калигула"ни ўқисангиз, мен айтолмаган гаплар ҳам кўп. Уни ўзбек саҳнаси ҳам кутаётир.



ЖИДДИЙ ҚИССА ВА... ҲАЗИЛ ТАЛҚИН

Эрнест Хемингуэй. Чол ва денгиз (Иброҳим Ғафуров таржимаси). Тошкент, "Ёш гвардия", 1986 йил.

"Чол ва денгиз" кичкинагина қисса, лекин... каттагина шеърга ўхшайди. Бир нафасда ёзилгандай. Шу қадар самимий, шу қадар дилга яқин.

Чолнинг тушлари. Камбағал, қуриб-қақшаган, ҳеч кими йўқ чолнинг тушлари нақадар гўзал! Болакайнинг унга бўлган меҳри-чи? Мана шу чолга ҳам ҳавас қилгучи, уни севгучи бор-а! Ёзувчи бунга ишонтира олган.

Устоз Хемингуэй денгизда кўп бўлган, ов қилган. Адиб бу қисса сюжетини балки денгизда юганида кашф қилгандир. Мен эса денгизни ҳатто кўрмаганман. Аммо ёзувчи тасвирлари... Бепоен денгиз. Қайиқда ёлғизсан. Атроф – сув, сув, сув... Денгизнинг улуғворлиги, кимсасизлик юракка ваҳм солади. Қартайган чол денгиз – ҳаёт билан юзма-юз. У бир умр орзу қилган улканбалигини тутди, лекин қирғоққа етгунча унинг устухони қолди, холос. У мақсадига эришди, бироқ қуруқ кўл билан қолди. Инсоннинг умри ҳам шу-да.

Чолнинг тушлари эса яшайверади...

Бу қисса ўрис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам шўро даврида нашр этилган. Нега уни пессимистик – тушкун асар дейишмаган? (Нобель мукофоти берилгани учунми?) Балки дейишгандир. Мабодо, ушбу асарни ўшанда менга ўхшаган ўзбек адиби ёзганда сюжет куйидагича бўларди: ихчам соқол-мўйлов кўйган, бошига дўппи кўндириб, эгнига чакмон илган чол (балки ҳожидир) сув бўйида дуо ўқиб ўтирибди. Шу пайт тилла балиқ пайдо бўлиб, ундан аҳвол сўрайди. Чол катта балиқ тутмоқчи эканини айтади. Тилла балиқ бориб катта балиқни бошлаб келади. Чол уни ушлаб олади ва ниятига етиб, хурсанд бўлади. Катта балиқни уйга олиб келиб пиширади ва болачақаси билан мазза қилиб ейди. Ортганини худойи қилиб, охирида ҳеч йўқ (коммунистик) партияга раҳмат айтади. Тилла балиқ эса раҳматсиз қолади... Оббо-о, яна тушкунлашиб кетди-ку!..

Устоз Хемингуэй уруш кўрган. Одамзод руҳиятини, феълени яхши биларди... Мен "Чол ва денгиз"ни такрор-такрор ўқийман.

ТУН ЯРМИДАН ОҚАНДА...



Ўткир Ҳошимов. Дунёнинг ишлари. Қисса ("Сирли юлдуз" тўпламида). Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985 йил.

"Эҳтимол, сизда ҳам шундай ҳоллар бўлгандир: тун ярмидан оқанда бирдан уйғониб кетасиз... Шундай пайтда кўз ўнгимда тўсатдан онам пайдо бўлади. Қоронғи хонанинг бир бурчагидан чиқиб келади-да, маъносиз жилмайган кўйи бошим устига эгилади. Йиллар заҳматидан дағал тортган бармоқлари билан пешонамни силагандек бўлади... Ўпкам тўлиб, ўзимни тутолмайман. Бирдан туш каби узук-юлуқ хотиралар ёпирилади, юрагим гурсиллаганча ўрнимдан туриб кетаман".

Бунақа ҳолат менда ҳам кўп бўлган. Ўн ёшимда бу ёруғ оламни тарқ этиб, уни зимистон қилиб кетган онажонимни такрор-такрор эслайман...

"Дунёнинг ишлари" дастлаб эълон қилинганда биз ўсмир, боринг, ана, мактаб битирувчиси эдик. Мактаб-интернатимизда, аниқроғи, синфимизда отасиз, онасиз ёки иккисидан ҳам жудо бўлган болалар кўп эди. Бу асарни йиглаб-йиглаб, қайта-қайта ўқиганмиз, бир-биримизга таассуротларимизни, соғинчларимизни жўшиб сўзлаганмиз... Қисса жудаям дилга яқин эди, худди бизнинг, mening кечмишларимни ёзгандек туюларди. Масалан, болалигимда мен ҳам баъзан онамнинг (биз буви дердик) олдига борардим-да, "Буви, тикан қўлингиз билан елкамни қашиб қўйинг", дея ёнига дум тушиб ётиб олардим. (Отасиз эдик, мен ёлғиз ўғил, балки мени бошқача суярмиди, доим айтганимни баҳо қиларди.) Онам майкамни қайириб, елка ва куракларимни шунчаки силарди, лекин кафту бармоқлари этимни тирнагандек бўларди. Буни йиллар ўтиб тушунганман — қўллари меҳнатдан ёрилиб кетган экан-да... Ўткир Ҳошимовнинг ёзганларига ўхшайди, а?..

Ёки мана бу воқеани олинг: етти-саккиз ёшларда бўлсам керак. Кеч куз эди. Шаррос ёмғир ёғаяпти. Совуқ. Шамоллаганман шекилли, иситмам кўтарилиб, алаҳсирай бошлабман (у пайтда буни ўзим тушунмаганман). Онам бечора мени олишиб, ўзимиздан дадам раҳматлининг чопонини ёпиниб, амбулаторияга чопиб кетган. Дўхтирхонагача икки километр бор эди. Етиб борган, дўхтир менга дастлабки муолажани қилган. Кейин, мундоқ қараса, онам ялангоёқ турганмиш. Шундай совуқда боласини, яъни мени ўйлаб ҳатто қалиш кийишни ҳам унутган экан. Бу ҳам "Дунёнинг ишлари"да бор, а?..

Ҳозир ҳам гоҳо кайфиятим тушиб, дунё кўзимга қоронғи кўриниб, вужудимни соғинч ва фақат соғинч қамраганда... Бу ҳолга ҳатто болаларим ҳам дош беролмай, кўзимга мўлтираб боқишади. Мен эса, қайда ўтирмайин — уйдами, сўридами, ердами — ўша ерда қоламан. Сўфийлар хуфя зикрида "Оллох, Оллох", дегандай фақат "буви, був, був, був!..." дея такрорлайвераман. Бу ҳол беихтиёр кечади ва то ҳолдан тойгунимча давом этади. Шундай қилибгина мен эртаси куни яшай оламан...

"Дунёнинг ишлари"га ўхшатиб нималардир ёзгим келади (ҳатто қоралаганман ҳам), аммо уддасидан чиқолмайман. Устоз Ўткир Ҳошимов қойиллатиб ёзиб қўйган. Ўткир ака бу асари билан оналарга, ўзбек оналарига ҳайкал қўйди. Чунки у том маънода ўзбек ёзувчиси эди.

Адабиётнинг биринчи талаби, фикримча, самимиятдир. Ҳар қандай эксперимент-тажриба ҳам, фалсафа ёки фикр ҳам самимий бўлсагина ўқувчига сингади, уни ортидан етаклайди, ҳайратга солади. Ўткир Ҳошимов самимий ёзувчи эди.

P.S. Китобдан яхшироқ ҳамсуҳбат йўқ дейдилар. Булар — китоб билан адоқсиз суҳбатларимдан атиги бир шингил...



Afg'on muammosining diniy qirrası

Афғонистон Ислмо Республикасидаги ахвол узок йиллардан буён жахон ҳамжамиятини жиддий хавотирга солиб келмоқда. Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлидаги барча саъй-ҳаракатлар зое кетибгина қолмай, ҳатто нафақат мамлакатдаги ҳолат, балки бутун минтақадаги вазият мураккаблашуви ва кескинлашувиға сабаб бўлди. Аввал Совет Иттифоқи, сўнгра Фарб давлатлари ушбу мамлакатда тинчлик ўрната олмади. Бундай бесамар сиёсатнинг асосий сабаби мазкур йирик давлатлар Афғонистоннинг тарихий-маданий хусусиятларини ҳисобга олмаганидир. Шу билан бирга, Афғонистондаги вазиятнинг ўзига хослигини таъминловчи баъзи омиллар мавжуд.

Булардан бири – Покистон таъсиридир. Агар ўтмишга назар ташлаб вазиятга баҳо берилса, XX асрнинг сўнги чорагига қадар, Афғонистон – Покистон муносабатлари барқарор ривожланганини кўриш мумкин. Бироқ айна барқарорлик 1978 йил апрелда Кобулда бўлган инқилоб ва ундан кейинги воқеалар оқибатида бутунлай издан чиқди.

Покистон Сарв инқилобидан кўп ўтмай ўз кўшнисининг янги ҳукуматини тан олди (1978 йил 5 май). Расмий Исломобод Кобулда содир бўлган воқеалар – Афғонистоннинг ички ишлари экани ва ушбу мамлакат билан муносабатларни бундан кейин ҳам ривожлантиришни маълум қилди. Покистон Кобул режимининг тобора ортиб бораётган муаммолари шароитида ўзаро давлат чегараларини тан олиш масаласига диққатни қаратди ва шу аснода Пуштунистон муаммосини ҳал қилиб олди (низо Хиндистоннинг Британияга қарамлиги давридан давом этиб келаётган эди – Дюранд чизиғи) (*Москаленко В.Н. Афғанистан ва Пакистан-Афғанистан: Война и проблемы мира. М., "ИВ РАН", стр.61*). Шу боис Покистон Афғонистон билан муносабатларни кенгайтиришга, ўзаро фойдали ички томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришга хоҳиши самимий эканини намойиш қилишга интилди.

1978 йилнинг сентябрь ойида Покистон раҳбари генерал Зиё ул-Ҳақ Афғонистонга таширф буурди. Ўша йилнинг декабрь ойида Покистон ҳукумати аъзоларидан бирининг Афғонистонга таширфи давомида икки давлат ўртасида ўзаро савдо муносабатларини ривожлантириш мақсадида қўшма комиссия тузишга қелишиб олинди. Давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар жадал суръатда кенгайиб борди (*ўша манба, 62-бет*).

Хўш, Афғонистонда Покистон таъсирининг ортиб бориши нимани англатар эди?

Биринчидан, Покистон – АҚШнинг стратегик ҳамкори, демак, унинг Афғонистонга таъсири орти-

ши расмий Вашингтоннинг Афғонистонга таъсири ортишини англатар эди.

Иккинчидан, Афғонистоннинг Покистонга яқинлашуви мамлакатда шундоқ ҳам кучли бўлган диний мутаассибликни янада авж олдириши мумкин эди. Бу эса нафақат Афғонистондаги, балки бутун минтақадаги вазиятни баттар чигаллаштирар эди.

Энди "совет" омили ҳақида. Ўрта Осиёда совет ҳокимияти тўлиқ ўрнатилганидан сўнг, яъни XX асрнинг 30-йилларида советча ҳаёт тарзининг татбиқ этилиши ва мусулмон аҳолисининг янги тизимга мослашуви мамлакатнинг Европа қисмидаги худди шундай жараёнларга қараганда огирроқ кечди. Ижтимоий фаоллиги нисбатан пастроқ бўлган ўзбек, тожик, туркман халқлари, биринчи навбатда, мавжуд ички алоқаларни йўқ қилишга йўналтирилган "советлаштириш"га унчалик рўйхушлик бермади (*Акимбеков С.М. Афғанский узел и проблемы безопасности Центральной Азии. Алматы, 2003, стр. 102*). Бу халқлар исломий анъаналарга таянган кучли ички бирдамлиқни сақлаган ҳолда жамият қурилишининг совет тизимига мослашиб борди.

Ислмо дини анъанавий Ўрта Осиё жамиятининг ижтимоий тизими билан чамбарчас болганиб кетган эди. Бундан ташқари, 60-йиллар бошида Ўрта Осиёда "демографик портлаш" бошланиб, 70-йиллар сўнгида у совет раҳбарияти учун яқин келажакнинг жиддий муаммосига айланди. Ўзаро ички алоқалар чамбарчаслигини сақлаб қолган мусулмон аҳолиси сонининг ўсиб бориши давлатнинг тўғридан-тўғри мафкуравий назоратини қийинлаштирди ва кенг қўламда ўсиб бораётган ислмо дунёсига ташқи тарафдан таъсир ўтказиш имкониятлари тўғрисида бош қотиришга мажбур қилди (*ўша манба*).

Шунинг учун ички сиёсатда ислмо таъсирининг кучайиши СССРдаги вазиятга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин бўлиб қолди. Афғонистондаги ички сиёсат, хусусан, ушбу жамиятдаги ислмоий йўналиш ва Покистондек йирик мусулмон давлати таъсири минтақадаги геосиёсий вазиятни ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас эди. Айна омилини СССР ва АҚШ кўп ҳолларда ҳисобга олмиган эди.

Шу ўринда Эронда содир бўлган воқеаларни ҳам ёдга олиш зарур. Эрон инқилоби (1979 йил) қўшқутбни дунё шароитидаги мувозанатни бузиб, нафақат минтақадаги вазиятни янада мураккаблаштирди, балки янги сиёсий куч – ислмо омилини ҳам юзага чиқарди. Эндиликда ислмо фақат ижтимоий куч бўлиб қолмай, сиёсий кучга ҳам айланди. Ўқорида таъкидлаб ўтилган барча омиллар Афғонистондаги вазиятнинг ўзига хос эканидан далолатдир.

Афғонистон муаммоси ҳал этилишидан Ўзбекистон бевосита манфаатдор. Чунки мамлакатимизга чегарадош бўлган бу давлат тақдирига доир ҳар қандай нотўғри қарор ёки шундоқ ҳам мураккаб бўлиб турган вазиятнинг беқарорлашуви Ўзбекистон хавфсизлигига тўғридан-тўғри таҳдид солиши мумкин. Шу ўринда 1999 йилги воқеаларни эслаш kifof. Афғонистон муаммоси ечимини излашда кун сайин таъсири ортиб бораётган, лекин аксарият ҳисобга олинмаётган ислом омилини унутмаслик зарур. Мисрда сиёсий

куч ўлароқ таназзулга юз тутган ислом омили, барибир, Эрон Ислом Республикасининг кучли таъсири боис афғон халқи онгида ҳали-ҳануз мавжуд. Жаҳон ҳамжамияти қандай ечимга келишидан қатъи назар, ушбу жараёнда албатта замонавий геосиёсатнинг диний жиҳатлари инobatта олинishi шарт.

Азиза ҲАМРОЕВА,

Москва давлат Халқаро муносабатлар
институтини талабаси

Reklama – ko‘chalar ko‘rki

Кўркам иморатлар, кенг ва раvon кўчалар, файзли хиёbonлар шаҳар кўрки бўлса, кўча ёзувлари миллатнинг саводхонлик даражасини кўрсатувчи воситалардан биридир. Тилшуносликда *“кўча тили”*, *“кўча ёзувлари”* деб аталувчи пешлава, шиор, эълон, афиша, шунингдек, рекламаларсиз бугунги ҳаётимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Рекламалар кўлланиш доираси ва ташвиқ қилинаётган махсулот ҳамда хизмат турига кўра бир неча гуруҳга бўлинади. Биз кўйда кўча рекламалари ҳақида фикр юритамиз.

“Реклама” истилоҳи латинча *reclamare* сўзидан олинган бўлиб, *“жар солмоқ”*, *“чорламоқ”* деган маънони англатади. Реклама оммага махсулот, хизмат ҳақида маълумот бериш, аҳолида улардан фойдаланишга қизиқиш уйғотиш мақсадида тарқатиладиган ахборот саналади.

Рекламада тил билриклари – бирламчи, нолингвистик воситалар, яъни *ёрлқ, ранг, рақам, символ, тасвир* (графика, расм, фотосурат), *товар белгиси, фирма белгиси* иккиламчи ҳисобланади. Улар рекламага эмоционал ранг-баранглик бағишлайди, таъсирчанлигини оширади. Рекламининг самарадорлиги ташвиқ қилинаётган махсулот ва хизматнинг ўзига хос хусусиятлари, бошқалардан афзаллик томонларини кўрсата билишга боғлиқ.

Тасвир сўз каби реклама матнини ташкил этувчи асосий унсурдир. Рекламада тасвир икки муҳим вазифани бажаради: эътиборни тортади ва реклама хабарининг мазмун-моҳиятини аниқроқ ифодалашга ёрдам беради.

Рекламунослар, шунингдек, психолог олимларнинг таъкидлашича, кўча рекламасида тўрт беш сўздан ортиқ бирлик билан ифодаланган матни адресатларнинг асосий қисми эътиборсиз қолдиради. Адресатларнинг 60-65 фоизи кўриш орқали, атиги 15-20 фоизи эшитиш орқали реклама мазмунини идорқ этар экан. Яъни, инсон кўрганларининг бешдан уч қисми, эшитганларининг бешдан бир қисмини хотирасида сақлайди.

Айрим махсулотлар рекламасида фақат махсулот номи, ишлаб чиқарилган манзили ҳамда огирлиги кўрсатилади. Бу, айниқса, бошқа тиллардан сўзма-сўз таржима қилинган реклама матнла-

рига хос. Табиийки, ҳиссиз матнлар у қадар самара бермайди. Масалан, *“LIBER TEA / Яхна чой / 1,25 L / Кайфият билан яша! / Живи с настроением!”*

Реклама матнида ишлатилидиган сўзлар мантиқан изчил бўлиши зарур. Қуйидаги рекламада эса ушбу талабга риоя қилинмаган: *“BILIM BISYOR / Кўёвликка номзодлар учун / РЎЗГОР МАКТАБИ / Ҳафтада 6 марта 2 ой 150 000 сўм / Психология: ҳаёт ва турмушга тайёрлаш, радиотехника устаси, параболлик антенна, уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш...”*

Рекламада *“Кўёвликка номзодлар учун”* дея тавсия қилинган уй-рўзгор мактаби доирасида оила бошлиқларигина эмас, барча йигит-қизлар ўрганиши зарур бўлган касб-хунарлар саналади.

Айрим реклама матнларида коса тагида ним-коса тарзида махсулотнинг афзал хусусиятлари яширинча ифодаланади, адресат уларни чуқур мулоҳаза қилиб англайди. Баъзида эса реклама мазмунини мавҳумлашиб, асосий мавзу жумбоқ бўлиб қолади. Масалан, *“Бақувват бўлиш учун / Кальцийнинг соғлом баланси. / Махсулот сертификатланган / (Кальцийинг адвансдориси ва аёлларнинг кўриш рангиди, баланд пошнали бир пой туфлиси сурати).*

Бу ҳолатда *кальцийинг адвансдориси* билан аёллар туфлисининг нима боғлиқлиги бор экан, деб бошингиз қотати.

Баъзи рекламаларда лингвистик воситалар дейяри иштирок этмаса-да, зарур маълумот тасвир орқали усталик билан етказилади. Масалан, хиёбонда ўрнатилган паннодаги кўйиш ва унинг тумшуги ҳамда оёғи остида эзिलाётган нафис гуллар тасвиридан *“актсиз жонивор каби гулзорни пайҳон қилма”*, деган маънони уқиш қийин эмас. Ушбу реклама *“Гулзорни пайҳон қилманг! Жарима фалон минг сўм!”* тарзидаги огоҳлантирувчи ёзувдан таъсирлироқдир.

Ҳойда миллий менталитетини ҳисобга олмаслик натижасида кўйдагича реклама матнлари ҳам *“ижод”* қилинади: *“Ётоқхона мебеллари / Ҳордиқ чиқариш ва муҳаббат учун!”* (чиroyли ва безакли ётоқхона мебелининг тасвири). Ушбу матн рус тилидан нўноқ таржима экани кўриниб турибди. Мебелни бу тарзда реклама қилиш Ғарб мамлакатидида ноҳўйи иш саналмас, лекин Шарқда ётоқхона мебе-

ли "муҳаббат учун" мўлжалланганини таъкидлаш ахлокий меъёрларга тўғри келмайди.

Реклама матнида *бос, бур, вақтни чўз, маҳрум эт, тўхтатма, чекин* сингари буйруқ маъносидagi феъллардан фойдаланиш ҳам шарқона одобга тўғри келмайди. Негаки, нафақат таниш-билиш, бе-гонага сенсираб мурожаат қилиш ҳам халқимизга ёт одат. Масалан, "Nestle Nuts" шоколади рекламасида "Миянга қувват бер!", "Ақлингни ишга сол!" каби қаҳриқларни ўқиш мумкин.

Реклама матнида бир пайтнинг ўзидa ўзбек, рус ва инглиз тилидаги сўзларнинг қўлланиши одамни чалғитади. Қолаверса, бундай ҳолларда матн ҳамми ошиб, лисоний белгилар бир неча барабар кўпаяди. Визуал реклама матнларини бир тилда ва бир ёзувда ифодалаш мақсадга мувофиқ. Бир реклама матнида баъзи сўзларнинг лотин, баъзи сўзларнинг кирилл ёзувида берилиши ҳам самарадорлигини пасайтиради. Қуйидаги рекламалар эса матн таржимасига жиддий ёндашиб, уни соф ўзбекча оҳангда ифодалаш лозимлигини яна бир карра тасдиқлайди: "Соғлиқни ўйла – Nestle Sutim танла! / Подумай о здоровье – выбери Nestle Sutim! / Мутлақо соф ва табиий! / Абсолютно чистое и натуральное!" ёки "Coca cola / Mo'jizalar bo'ladi! / Чудеса бывают".

Кейинги йилларда янги очилган ошхона, ресторан, кафе, дўконларнинг ишга тушганини билдирувчи *"Биз очилдик!"* ("Мы открылись!") тарзидаги мўжмал рекламалар кўпаймоқда. Матнни рус ёки бошқа хорижий тилдан сўзма-сўз таржима қилишни ҳеч бир асосда оқлаб бўлмайди. Ҳолбуки, бу реклама матнини ўзбекчада *"Марҳамат қилин! Биз иш бошладик!"* кўринишида ҳам бериш мумкин. "Аёллар, Сизлар учун!" тарзидаги қаҳриқлар ҳам шу йўсинда, рус тилидан сўзма-сўз таржима натижасида пайдо бўлган.

Маълумки, кўча рекламалари кенг жамоатчиликка мўлжалланади. Шу маънода айрим ижтимоий гуруҳларга қаратилган рекламаларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш у қадар тўғри эмас.

Реклама таъсирчанлигини оширишда ранглар муҳим ўрин тутати. Ранглар одамларнинг сезгиси, кайфияти, онига қучли таъсир кўрсатади, реклама қилинаётган маҳсулот ёки хизматга нисбатан мойиллик уйғотати. Ранглар реклама логотиплари ва рамзлари яратилишида ҳам асқатади.

Таъкидлаш керакки, ранглар турли халқларда ўзига хос маъно-мазмун касб этади. Эрон ва Афғонистонда оқ, қора, кўк (зангори) ва яшил ранглар ижтимоий аҳамиятга эга. Венгрия ва Японияда хризантема гули ва унинг ранги қайғу-изтироб ва мотам рамзи ҳисобланади. Қизил ранг европаликларда жўшқин ва эҳтиросли муҳаббат рамзи саналса, Лотин Америкаси аҳолиси учун қон ва қасос тим-солидир. Хитой ва турк аёллари оқ ва кўк ранглар қоришувини хуш кўрмайди, немис аёллари эса бунини оилавий муҳаббат ва бахт гарови деб билади.

Юқорида рекламанинг бир неча тури мавжудлигини таъкидлаб ўтдик. Унинг кенг тарқалган турларидан бири ижтимоий рекламаларда миллий қадриятлар, эзгу ғоялар, маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий соҳадаги илгор қарашлар тарғиб қилинади. Кўчаларимизда бу турдаги рекламалар аҳён-аҳёнда учрайди. Ўзбекистон машина ишлаб чиқарувчи 28 давлатдан бири бўлиб, юртимизда ўндан ортиқ маркадаги енгил автомобиль ишлаб чиқарилса-да, дейлик, Тошкент шаҳрида уларни реклама қилувчи бирорта ҳам панно йўқлиги кишини таажубга солади. Балки, ишлаб чиқарилаётган енгил машиналар иқтисодий хизматдан тарғиботга муҳтож эмасдир. Бироқ юртимизда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотлар миллий гуруҳни уйғотувчи омиллардан эканини унутмаслик керак. Қолаверса, бундай рекламалар хорижий сайёҳлар ва меҳмонларга бунёдкор халқимизни танитади.

Кўчаларимиз кўрчи ҳисобланган рекламалар энг муҳим ана шу сифатга эга бўлсин. Реклама тилимизнинг гўзаллиги ва тароватини акс эттириши ҳар томонлама мукаммал бўлса деймиз. Ўйлаймизки, кўчаларда реклама баннер ва панноларнинг жойлаштирувчи агентликлар тилшунос мутахассислар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатса, бир қанови ичидаги рекламага барҳам берилади, маҳсулот ва хизматлар тарғиботи самарадорлиги ошади.

Неъмат МАҲКАМОВ,

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти
етакчи илмий ходими,

Ориф ЖУМАЕВ,
институт илмий ходими

Virtuallik va virtualistika

Бугунги кунда барча фалсафий йўналишларда бўлганидек, эпистемологияда (билиш назарияси) ҳам жиддий парадигмал ўзгаришлар кечмоқда. Бундай ўзгаришларнинг мазмуни ва йўналишига постно-классик фанлар, шу жумладан, шаклланиб келаётган виртуалистика фани қатта таъсир кўрсатмоқда. Амалга ошайётган парадигмал, концептуал ва услубий ўзгаришларда иккита гносеологик жараёни

фарқлаш лозим: 1) умумфалсафий постноклассик эпистемологиянинг шаклланиши ва унда янги парадигмал структуранинг ҳосил бўлиши; 2) постноклассик фанларнинг (хусусан, виртуалистиканинг) эпистемологик муаммолари аниқланиши, муҳокама қилиниши. Ҳар иккала жараён ҳозирги замон илмий тафаккури жабҳасида янги эпистемологик ҳолатни келтириб чиқармоқда.

Янги эпистемологик вазият белгиларидан бири шуки, постноклассик фанлар, таъкидлаб ўтганимиздек, ўта мураккаб, ўзгарувчан иерархик объектларни ўрганади. Бундай объектларда виртуаллик муҳим ўрин тутadi. Айни пайтда виртуаллик билиш шакллари ҳам хос. Шундай экан, субъект ва объектдаги виртуаллик постноклассик эпистемологиянинг тадқиқот предметиға айланиши табиийдир.

Компьютер технологияси ва интернет ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олар экан, айни дамда, баъзи ижтимоий соҳаларни виртуаллаштириш (масофавий виртуал машғулот, виртуал лаборатория, виртуал идора, виртуал менежмент ва бошқалар) жараёни жадаллашди. Бу жараён илмий тадқиқот объектига айлангач, фалсафада виртуаллик муаммосига бўлган эътибор кучайди.

Виртуалистика фанининг вужудга келиши сабаби Н.Носов ва О.Генисаретскийнинг "Инсон-оператор фаолиятида виртуал ҳолатлар" мақоласи чоғ қилинган йилға тўғри келади (Носов Н.А., Генисаретский О.И. *Виртуальные состояния в деятельности человека-оператора* // *Труды ГосНИИ гражданской авиации. Авиационная эргономика и подготовка летного состава*. Вып. 253. М., 1986, стр. 147-155). 1991 йили Россия Фанлар академияси Инсон институтида виртуалистика лабораторияси ташкил қилинди.

XX асрнинг иккинчи ярмида фан ва техниканинг бир неча соҳасида бир-бирдан мустақил равишда виртуаллик гоёси вужудга келган, виртуаллик оламиға кириш ва уни тадқиқ қилиш бошланган эди. Физикада виртуал заррачалар, метеорологияда виртуал ҳарорат, эргономикада виртуал ҳолат, психологияда виртуал қўбилият, санъатшунослиқда виртуал театр, антропологияда виртуал инсон ва бошқа тушунчаларни ишлаб чиқиш виртуалистик билиш объекти устида эпистемологик рефлексияни амалға ошириш имконини бермоқда.

Виртуалистика фанининг ҳозирги босқичида тадқиқот объекти ва предмети, унга доир атамалар мажмуаси (Носов Н.А. *Словарь виртуальных терминов*. // *Труды лаборатории виртуалистики*. Вып. 7, М., "Путь", 2000, стр. 69), унинг институционал, тармоқлараро ва фалсафий мақомини аниқлаш долзарб масала бўлиб турибди.

Виртуаллиқни билиш, фан объектини ажратиш олиш ва тавсифлашда П.Фейерабенд ишлаб чиққан постноклассик тамойил – пролиферация вужудға келди.

Виртуаллик эпистемологиясига оид тушунчаларни аниқлаш, уларнинг мазмунини бойитиш кўп жиҳатдан виртуалистика фанида эришилган натижаларнинг қанчалик тўлиқ ва аниқ бўлишиға боғлиқ.

Виртуалистика фани асосчиларидан бири Н.Носов икки метавиртуалистик тушунча – констант реаллик ва виртуаллик тушунчаларини фарқлайди. Констант реаллик тажрибамизда доимо учрайдиган, оддий бўлиб қолган ҳодисалардир. Масалан, олдимизда турган стакан. Бу реаллиқнинг қарама-қаршиси виртуал реаллиқдир. Н.Носов виртуал

реаллиққа хос бўлган тўрт инвариант (ўзгармас) хислатни ажратиб кўрсатади: 1) яратилганлик – виртуал реаллик бошқа бир реаллик томонидан вужудға келтирилади; 2) актуаллик – виртуал реаллик актуал, "ҳозир ва шу ерда" мавжуд; 3) мустақиллик – унинг ўз мавжудлиқ қонунлари бор; 4) интерактивлик – виртуал реаллик бошқа барча реаллиқлар билан алоқа, ўзаро таъсирда бўлиши мумкин" (Носов Н.А. *Виртуальная психология*. М., "Аграф", 2000, стр. 33).

Виртуал реаллиқнинг инвариант хоссалари ҳозирча кенг миқёсда тадқиқ этилмаган. Фақат виртуал психология йўналишида маълум натижаларға эришилган.

Айни пайтда виртуаллик эпистемологияси учун муҳим бўлган иккита тушунча ишлаб чиқилган: амалий фаолият объекти – вретей; назарий тадқиқот объекти – виртуал. Виртуалистикада ҳар иккала тушунча бирлаштирилиб "виртуал объектлар" тушунчаси ҳосил қилинган. Бу фанда виртуал объектларнинг тадрижий ўзгариши ва шаклланишини акс эттирувчи, янги типдаги объектни ифодалайдиган "виртуология" тушунчаси ишлаб чиқилган (<http://www.virtuallistika.ru/vip7ap.html>).

Виртуалистик тадқиқотлар маълум антропология, эргономика, психология, техник ва технология илмий тадқиқот дастурлар доирасида олиб боришмоқда. Шу боис айрим тадқиқотчилар виртуалистика фалсафа ҳам, фан ҳам эмас, балки илмий ва амалий билимларни бирлаштирган йўналишдир, деган фикрни билдирмоқда. Чиндан ҳам виртуал ҳодисалар ва қонуниятларни умумлаштириб изоҳлайдиган назария, яъни бир бутун, тизимли виртуаллик назарияси ишлаб чиқилмаган. Эртами, кечми бундай назария яратилиши керак, албатта.

Виртуал реаллик ҳақида эмпирик ва назарий билим тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ишлари мунтазам равишда олиб боришмоқда. Хусусан, Россияда виртуаллик оламини ҳар тамонлама ўрганадиган илмий марказ ташкил қилинган. 1994 йилдан буён мазкур марказ томонидан ҳар йили виртуалистика муаммолари бўйича конференциялар ўтказилмоқда. Марказ қошида лаборатория мавжуд. "Виртуалистика лабораторияси илмий ишлари" тўплами нашр қилинмоқда.

Хўш, шундай экан, эпистемологик ёндашув жиҳатидан виртуалистик билимлар қандай мавқеда турибди? Айтиш жоизки, виртуал олам турли даража ва хоссалар доирасида виртуалистик билиш объектига айланмоқда. Виртуалистик тадқиқотлар тобора кенгайиб, чуқурлашиб борар экан, янгидан-янги билиш объектлари, яъни виртуаллар, виртуал реаллиқлар очилмоқда. Айни пайтда, компьютер технологияси ва интернет тизимининг тараққий этиши, параллел равишда психология ва виртуал психология йўналишида ҳар тамонлама тадқиқотлар олиб борилиши ушбу соҳа тўғрисида бой материаллар тўплаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, виртуалистик билим ҳали шаклланиш босқичида, виртуаллик феноми-

ни хусусида, бир тамондан, назарий тузилмаларни ишлаб чиқиш, иккинчи тамондан, маълумотлар базасини ҳосил қилиш ишлари давом этмоқда. Эпистемологик таҳлил шуни кўрсатдики, виртуалистикада объект — субъект — назария — эмпирик базис — амалиёт тизимининг шаклланиши ҳозирча

дастлабки босқичда турибди. Демак, виртуалистиканинг эвристик потенциали ва парадигмал истикболи катта.

Мақсуда НОРМАМАТОВА,

СамДУ катта илмий ходим-изланувчиси

Buxoro jumhuriyati armiyasi

Большевиклар Бухоро амирлигини ағдариб, совет ҳокимиятини ўрнатгач, 1920 йилнинг 6-8 октябрда халқ вакилларининг I Бутунбухоро курултойи бўлиб ўтди. Шу тариха Файзулла Хўжаев раҳбарлигидаги Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ташкил топди. Курултойда ҳукумат тизими ва республика олий ҳокимияти ҳамда Бухоро ревкоми ваколатлари тасдиқланди. Бухоронинг қоғозда бўлса-да, мустақиллиги эълон қилинди.

Ҳукумат бошқарув тузилмалари қатори БХСР миллий армиясини ташкил этишга ҳам киришилди. Янги ҳукумат аввало Бухоро амири даврида аҳоли қўлида бўлган қурул-яроқни йиғиб олиш ҳаракатида тушди. Чунки амирнинг тарафдорлари ҳали кўп бўлиб, улар янги ҳукуматга қарши кураш бошлаши мумкин эди. Бухоро ҳарбий фирқасининг бош қўмондони "Бухорода эски ҳукумат тарафдорларидан қолган яроқ кўндир. Мамлакатда жумҳурият тартибини бирлаштириб жойига қўймоқ учун бутун яроқлар эски ҳукумат одамларидан олиниб, янги ҳукумат қизил аскарларининг қўлида бўлмоғи керак. Бунинг учун, умид қиламизки, шаҳар аҳолисида ва ҳам атрофида ҳар хил яроқ, милтиқ, тўппонча, тўп, қилич, найза, ўқ-дори, патрон ва ҳар бир муҳораба асбоблари бўлса, шу икки кун ичида ҳукуматга келтириб топширсинлар", дея аҳолига мурожаат қилган ("Бухоро ахбори" газетаси. 1920 йил 9 сентябрь, 1-сон).

Бухорода қизил армия қисмларини ташкил этишга маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам жалб этилди. "Бухоро иштирокион фирқасининг ташвиқот ва ташкилот шўъбаси тарафидан эълон қилинурки, ҳар ким муқаддас ватанинг муҳофазаси учун аскарликка ёзилмоқчи бўлса, бу кундан эътиборан ўз отини ёздирсин", дея оммавий қақриқ чоп этилди ("Бухоро ахбори" газетаси. 1920 йил 15 сентябрь, 2-сон).

1920 йилнинг кузида Туркистон fronti ҳарбий инқилобий кенгаши тақдирига биноан, Тошкент шаҳрида Бухоро қизил армияси учун офицерлар тайёрлашга ихтисослашган муслмон пиёда қўмондонлар курси ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бухоро коммунистик партиясининг 1920 йил декабридаги I съездида ҳам миллий қўшин тузилмаларини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Съездда партиянинг барча аъзоларига халқ орасида тарғибот-ташвиқот олиб боришга қўрсатма берилди. БХСР миллий армияси РСФСР намунаси асосида тузилди. Бу борада ҳукумат раҳбари Файзулла Хўжаев (1896–1938) ва

ҳукумат раҳбари ўринбосари Абдулҳамид Ориповнинг (1894–1925) хизмати катта эди.

Ф.Хўжаев истеъдодли давлат ва жамоат арбоби бўлиб қолмай, Бухоро, кейинчалик Ўзбекистон ССРдаги қизил қўшин миллий қисмларининг ташкилотчиси, 1922–24 йиллар мобайнида БХСРнинг ҳарбий ишлар нозирини ҳам эди. У БХСР Нозирлар Шўросига раис бўлган даврда — 1920 йил 3 ноябрда РСФСР ва БХСР ўртасида ҳарбий-сиёсий шартнома имзоланди. Шартномага кўра, РСФСР БХСРнинг 10 минг кишилик армиясини қурул-аслаҳа ҳамда кийим-кечак билан таъминлашни ўз зиммасига олди (Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. Т., "Ўзбекистон", 1990, 113-бет).

Чор ҳукумати истилоси даврида маҳаллий аҳоли вакиллари ҳарбий хизматга сафарбар этилмагани сабабли улар ҳарбий таълим, ҳарбийча интизом ва умуман ҳарбийча ҳаётдан узоқлашиб кетган эди. Ф.Хўжаев РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг Ўрта Осиё бўйича вакили Д.Гоннерга мактубида "Биз ўтказган сафарбарлик ўзимизга реал фойда келтирмади. Армияга қақирланган, яъни сафарбар қилинган икки минг кишидан юз эллик киши қолди, мана шунинг ўзи бизнинг ёшларимиз казарма ҳаётига ва интизомга қўнмаганини очик кўрсатиб турибди", деб ёзган эди (ўша мана, 124-бет). Ф.Хўжаев армия тизимида ўзбек тилида иш юритишни ёқлаб чиқди. Бундан ташқари, БХСР ҳукумати ҳарбийларнинг моддий аҳолини яхшилаш борасида ҳам баъзи тadbирларни амалга оширди. "Нозирлар Шўроси ҳарбий ва дохилия ишлари назорати ихтиёрига 7 пуд (4000 сўм) олтин берди, бу олтин аскарлар ва милицияга керагича сарф этилгусидир", деб маълумот беради "Бухоро ахбори" газетаси 1923 йил 23 сентябрь сониди. Ҳукумат ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам катта эътибор қаратган. Хусусан, аскарларнинг оила аъзоларига бир қанча имтиёзлар, моддий ёрдам берилган, улар барча солиқлардан озод этилган, ишга жойлаштирилган ва бепул тиббий хизматдан фойдаланган (Борисов А. Бухарская Красная Армия. "Бухарская жизнь", 1924, №1-2). "Бухоро ахбори" ва "Озод Бухоро" газеталари маълумотларига кўра, миллий армияни келгусида республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган қуруллар билан таъминлаш ҳам режалаштирилган эди. 1922 йилда БХСР ҳарбий нозир Абдулҳамид Орипов амир замонидан қолган милтиқ ва тўпларни таъмирлаш тўғрисида буйруқ берган.

Ф.Хўжаев ҳарбий ишни ташкил этиш тўғрисидаги маърузасида 1921 йил 1 февралдан Бухорода ўқчи

ҳамда отлик қўшинга асос солиш, малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш мақсадида 1-Бухоро ҳарбий мактаби, шунингдек, Чоржуй, Кармана, Қарши, Шахрисабз, Хисор ва Шерободда ҳам ҳарбий назоратчилар ташкил этиш зарурилигини таъкидлаб ўтади (ЎзР МДА, 48-фонд, 1-иймжшлб, 42-ш, 86-89-варақлар).

Бухоро ва Самарқандда қизил армия қисмлари тузилгач, уларнинг сафига маҳаллий миллат аҳолилари ҳам қабирилди. Масалан, 1921 йил февраль ойида Бухоро вилояти ҳудудиди яшовчи 20-26 ёшли йигитлардан 1500 нафари армияга жалб этилди (Ўзбекистон МДА, 46-фонд, 2-рўйхат, 7-ш, 10-варақ). Бироқ маҳаллий аҳолининг кўпчилиги армия ва милиция сафига киришни хоҳламади. Натижада РСФСР ва Туркистон АССР талаби билан Туркистон fronti ихтиёридаги 2 та полк ва батальон Бухоро ҳарбий ишлар назоратчилигига берилди. Бундан ташқари, қизил армиянинг 40000 кишилиқ мунтазам ҳарбий қисмлари БХСР ҳудудиди доимий сақланиди ва улар миллий муҳолифат кучлари — қуролли қаршилик ҳаракатига зарба берди (Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликни демократик шакли. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Т., "Шарқ", 2000, 197-6см). Туркистон АССР Закаспий вилоятида жойлашган Россия қўшинининг озиқ-овқат ва ем-хашак таъминоти БХСР ҳукумати зиммасида эди. Туркистон комиссиясининг Тошкентда ўтган мажлисида Бухородаги Россия қўшини сонини 15000 кишигача қўшартириш масаласи қўйилган (Ражабов Қ. Файзулла Хўжаев. Тарихий эссе. Т., АБУ МАТБУОТ-КОНСАЛТ, 2011, 17-6см).

Ф.Хўжаев Ўзбекистон ССР Коммунистик партиясининг 1925 йил 12 февралда бўлиб ўтган I съезидида "Миллий қисмлар тузиш учун ҳозир Бухорода ҳам, Хоразмда ҳам тегишли ҳарбий қисмлардан иборат шарт-шароит бор, шу сабабли биз ҳозирги Ўзбекистонда ва соёқ Туркистон Республикаси ҳудудиди

миллий қисмларимизни тузишга киришамиз", дея таъкидлаган эди (Хўжаев Ф. Избранные труды. Т.2. Т., 1972, стр.442). Таниқли арбоб бу борадаги хизматлари учун 1924 йили армия қўмондони (командарми) унвони билан тақдирланди ва 1927 йили Ўрта Осиё ҳарбий округи инқилобий кенгашининг аъзоси бўлди.

Ф.Хўжаев БХСР Назирлар Шўросининг раиси сифатида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳарбий соҳаларда ислохотлар ўтказиб қолмай, ўз атрофида Абдулҳамид Орипов, Абдулқодир Муҳиддинов, Усмонхўжа Пўлатхўжаев каби замонасининг илғор зиёлилари ва тараққиётпарварларини тўплади. Маслақдошлар БХСРнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, ҳарбий соҳалардаги тараққиёти учун яқдиллик билан ҳаракат қилди.

Назирлар Шўросининг раиси ўринбосари Абдулҳамид Орипов 1921 йили Карманада ҳарбий мактаб ташкил қилиб, маҳаллий халқдан зобитлар тайёрлашга киришган. У.Пўлатхўжаев эса 1921 йил декабрда Шарқий Бухородаги қуролли қаршилик ҳаракати томонига ўтган. 1922 йили инглизлардан ҳарбий ёрдам олиш мақсадида Афғонистонга борган ҳамда Бухоронинг миллий армияси учун хорижий давлатлардан қурол-яроқ сотиб олишга ҳаракат қилган. Аммо инглизлар билан музокаралардан бирор натижа чиқмаган.

БХСР икки ўт орасида қолган эди. Лекин ҳукумат шўро ҳокимиятининг чеклов ва қаршилигига қарамай, Ватан, миллат тақдирини йўлида жонбозлик кўрсатди. Бу эса Ўзбекистонда мудофиа соҳаси тараққиёти ҳамда миллий ҳарбий кадрлар етиштириш йўлида ўзига ҳос тажриба мактаби бўлди.

Эркин РАЖАБОВ,

ЎЗР ФА Тарих институти
катта илмий ходим-исланувчиси

Badiiy tanqid va portret janri

Портрет — тасвирий санъатнинг кенг тарқалган жанри. Портретда реал шахслар, образлар тасвирлангани боис гайрреалистик унсурлар бўлмаслиги лозим, ақ ҳолда ундаги аниқлик, тарихийлик, объективлик йўқолади. Лекин мусаввир гайришўруй кечинмаларини предметлар ёки портретдаги образ қиёфасига эмас, ранглар, чизикларга қўчиради. Мазкур ранглар, чизиклар портретдаги образга бадиийлик, фалсафий-эстетик моҳият, бутунлик бахш этади.

Портрет жанри доимо бадиий танқидчиликнинг диққат марказида бўлган. Аммо рассомларимиз яратган портретлар эстетик жиҳатдан мукамал таҳлил қилинган, деб бўлмади. Чунки аскар тадқиқотчилар бирор бир мусаввир ижодини ўрганар

экан, дейлик, улар чизган портретни юзаки таҳлил қилиш билангина чекланади, бундай таҳлилларда фалсафий-эстетик концепция кўзга ташланмайди, баёнчилик устун.

Ёзувчи Н.Норматов халқ рассоми Рўзи Чориев ҳақида роман-эссе ёзган. Лекин бу фалсафий-эстетик тадқиқот эмас. Баъзи чет мамлакатларда ном чиқарган мусаввир, ижодкор фаолияти, асарлари дарров махсус тадқиқ этилади, қизгин баҳсу тортишувларга сабаб бўлади. Биз эса машҳур рассом тўғрисида ҳам шунчаки бир мақола ёзиб қўя қоламиз. Бир вақтлар Ў.Тансиқбоев, Қ.Баширов, Г.Чернухин ҳақида монография тадқиқотлар (асарлари иллюстрацияси билан) чоп этилган. Тўғри, мазкур асар-

ларда коммунистик ақида устун, лекин улар ўша давр тасвирий санъатидаги бадий изланишлар, қолаверса, давр ҳақида маълумот беради. Шу ўринда бир гапни айтиб ўтиш лозим, соцреализмни қоралаш, рад этишга эъри бериб, ўша даврларда яратилган ранг-тасвир асарлари, давр "қаҳрамон"лари портретини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Негаки, улар аввало давр руҳини ўзида акс эттирган тарихий шахслардир. Иккинчидан, давр асарлар мусаввир изланишлари маҳсули, демак, унинг касб маҳоратини намоён этади. Бадий танқидчи уларга, аввало, ранг-тасвирдаги образ, мусаввир бадий-эстетик изланишларини ўрганишга, таҳлил қилишга ёрдам берадиган манба сифатида ёндашмоғи лозим.

2006 йили Ўзбекистон Бадий академияси "Ижодимиз ҳақида гапирсак" деб номланган тўпламни нашр этди. Унда мамлакатимиздаги бир юз йигирмадан зиёд мусаввирнинг бадий ижод, изланишлар ва ҳаёт ҳақидаги фикрлари жамланган. Уларнинг деярли барчаси совет даврида ушбу соҳа бўйича билми олган, тасвирий санъатга кириб келган, бадий ижод технологиясини эгаллаб, элга танилган. "Инсон қиёфасини тасвирлаш, – деб ёзда А.Абдуллаев, – умрим маъносига айланди. Бу шахс эса мени тобора кўпроқ ҳайратга солади. Шу туйфайли мен умр бўйи унинг тасвирдан кўз узолмай, фақат у тўғрисида ўйлайман." (Ижодимиз ҳақида гапирсак. Биринчи жилд. Т., 2006, 13-бет.) Айтилжик, ўша вақтлар А.Абдуллаев Ойбек ёки Усто Ширин Муродов портретини чизган бўлса, бунинг нимаси ёмон? Бу тарихий шахслар сиймосини мангуга муҳрагани учун биз – авлодлар ундан миннатдор бўлмоғимиз керак эмасми?

Бадий танқидчи воқеа-ҳодисалар, тарихий жараёнларнинг сийсий таҳлилчиси ёки баҳоловчиси эмас, унга предмет борлигининг ўзи кифоя. Предметга хос бўлган хусусиятларни, унинг руҳий кечинмаларини, ҳаққалар илғай олмаган ўй-фикрларини чизмада, биринчи ёки иккинчи планда, ахроматик ва хроматик бўёқлар уйғунлигида тасвирлаш – рассомнинг иши. Хулосани эса реципиент қилари.

Бадий танқидчилик мусаввир ижоди ва асарларини ўрганганда предметни таҳлил қилиши керакми ёки ўзида шакллантирган илмий, фалсафий-эстетик идеалдан, тасаввурлардан келиб чиқиши лозими, деган савол турғилади. Бу савол илмий адабиётларда ҳам, ижодкорлар ўртасида ҳам муҳокама қилинмаса-да, ҳар бир танқидчи ва ижодкор ҳаёлида, қалбиди уйғониши турган гап. Уларнинг фикрлари, ёндашишлари бир-бирига мувофиқ келмаслиги табиий. Лекин бизда, айниқса, кейинги йилларда мусаввир билан мурося қилиш, келишиш, ҳатто унга ён босиш анъанага айланмоқда. Шунинг учун бадий танқидчиликда ижодкорларни баҳсга, янги мавзуларда ижод қилиш, концепциялар яратишга ундовчи мақолалар, асарлар кам учрайди. Бу ўринда бадий танқидчилик ўз вазифасини тўлиқ бажара олмаётгани, мусаввир кетидан эргашшига мажбур бўлаётгани кўзга ташланади. Аспиди эса бадий танқидчилик, ғносеологик

моҳиятига кўра, реципиентлар ва мутахассисларни, шу жумладан, рассомларнинг ўзини ҳам амалий мулоқотга, фикр алмашишга, баҳсга қорлаши зарур. Шу тариқа у янги фикрлар, қарашлар, ёндашишларни шакллантириши даркор.

Бадий танқидчи ўз фалсафий-эстетик идеалига эргашши, уни ҳимоя қилиши лозим. Акс ҳолда, у фалсафий-эстетик изланишларига асос бўлган ғояни йўқотади. Унинг бадий, тўғривоқ, фалсафий-эстетик парадигмаси мусаввир қалбидида ижодга бўлган меҳрни, иқтидорни, фидоиликни қўллаб-қувватлашга, бу фаолиятларни янада юксак мавқега кўтаришга, янги ҳаётий моҳият, ижтимоий аҳамият касб этишига кўмаклашиши зарур. Кескин ва ноўрин танқид мусаввир қалбидида ижодий интилишларни ўлдиради, реципиент, жамият олдида шаънини тўқади, орзу-тилакларини саробга айлантиради. Фикримизча, бадий танқид рационал бўлса, танқидий рационализм методига таянсагина мусаввир ижоди ва асарларини ҳолис баҳолайди. Мусаввир ижодий изланишлари жараёнида ғайриҳаётий тасаввур ҳаёлотга берипади, ундан узоклашганда ҳаётни, борлиқни, ижтимоий муносабатларни рационал идрок этади. Демак, рационал фикрлаш унга мутлақо ёт эмас. Айнан шу жойда у бадий танқидчининг, санъатшуноснинг рационал фикрларини онги, руҳи, ҳис-туйғулари синтетиздан ўтказида ва қабул қилади.

Шундай қилиб, бадий танқидчилик фалсафий-эстетик ижод жанри, фаолият тури сифатида бадий борлиқни, ушбу борлиқда инсоннинг (мусаввир, реципиент) ўрнини ўрганади. У инсоннинг бадий фаолияти орқали жамият бадий маданиятига таъсири-ни, бадий-эстетик қадриятлар, бойлиқлар яратиш имкониятларини тадқиқ этади.

Бадий танқидчилик – бадий ижод жараёнини англаш ва бадий асар қимматини баҳолашга қаратилган фаолиятдир. Тўғри, у метатадқиқот поғонасида жамият бадий маданияти билан боглиқ муаммоларни ҳам ўрганиши мумкин. Тасвирий санъатга тааллуқли муаммоларни шу поғонада ўрганганда фалсафий-эстетик ижод (фаолият) турига айланади. Демак, бадий танқидчилик тасвирий санъатнинг ўзинигина таҳлил қилиш билан чекланмайди (ушбу вазифани тасвирий санъат назарияси бажаради), у бадий ижод жараёни ва бадий асарлар таҳлилин жамиятнинг стратегик мақсади ва бадий маданияти билан боглаб ўрганади. Ана шундагина бадий танқидчиликнинг фалсафий-эстетик моҳияти тўғри англанади.

Хулоса қилиб айтганда, бадий танқидчилик ва портрет жанрининг бугунги ҳолати ўта мураккаб, баҳсли мавзулардан биридир. Шундай бўлса-да, биз уларни, мавжуд илмий-назарий ёндашувлар, қузатувларимизга таянган ҳолда таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Лазизжон БАҲРОНОВ,
тадқиқотчи

SUMMARY

Hope for Humanity. Interview with poet Eshqobil Shukur. pp. 4-13.

Human race stepped into the new millennium with unprecedented scientific and technological achievements. However, mankind has not reached of peaceful and prosperous life. Due to wars, economical problems, geopolitical games, many people are losing their life. In this interview, the political, economical and moral threats to human life and future are discussed. The interviewer states that literature is one of the principal means of survival. On his view, learning from our predecessors' mistakes, recovering glorious history of our nation is an urgent mission to be completed by our intellectuals.

Ismatulla Tukhtarov. Phantom Culture. pp. 14-17.

Some groups of people share a distinct set of cultural traits within a larger society. Such groups are often referred to as subcultures. For instance, the members of a subculture may share a distinct language or dialect, unique rituals, and a particular style of dress by which they distinguish themselves from mainstream culture. Although sometimes they are completely incorporated into mainstream culture, but these changes cannot come about without unwelcome results. Inflow of subcultures to newly emerged independent countries engenders social unrest. What to do? How can we detect undesirable elements of subculture? The author shares his views on these issues.

Erkin Vakhidov. Elegance of Words. pp. 18-26.

This article is not only about the Uzbek language, but the account of the transformations in the usage and meaning

of the words that shared by almost all Turkish languages, their co-evolution and adaptation to local necessities; the words that given to and taken from non-Turkish languages. The words we use in our daily life tell us not only their meaning, but in them is recorded and unlocked the larger history of our people.

Sulaymon Rakhmon. Quiet flowing River. pp. 33-43.


Renowned poet and translator Sulaymon Rakhmon wrote biographic essays about Asqad Mukhtar, poet and writer, entitled "Quiet flowing River". They are made up not only his memoirs of Asqad Mukhtar, but the author narrates about writer's personality, works and ideological environment therein he lived. In the given excerpt from the book, Asqad Mukhtar's views about movements and genres that appeared in the XX century in art and literature are examined.

Bahodir Karim. Makhtumquli and Ármin Vámbéry. pp. 69-75.

Well-known poet and thinker Makhtumquli Firoghy is a very intimate to the heart of every Turkish people. Among the scholars who studied his life and works, Hungarian Turkolog and traveler Ármin Vámbéry takes an important place. He was a pioneer in introducing Makhtumquli to European public. Vámbéry published his article entitled "Turkmen language and 'Divan' of Makhtumquli" (1879) in Journal of the German Oriental Society. In the article he analyzed grammar and phonetics of Turkmen language, and added German translation of the poet's 31 poems to it. Literary scholar Bahodir Karim analyses Vámbéry's translation comparing it to original texts.



Шухрат АБДУРАШИДОВ. "Бахмал манзараси"



ТАҒАККУР

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳаси келишилган нарҳда

6275

ТАҒАККУР 2/2014



ISSN 2010-6491



9 772010 649005